1972/3

ГУЛИСТОН

3
1972



Ургут чеварларининг қадим санъатида юртимиз бўёқлари жилоланади.

М. МИЗРОХИН фотоси

ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ



Сорахоним Эшонтўраева набиралари билан. С. БЕЗНОСОВ фотоси

1923 йил 8 Март куни Тошкентдаги «Турон» клубида хотин-қизлар озодлигига бағишланган йиғилиш бўлди. Йиғилишдан сўнг Зебуннисо номидаги интернат-мактаб қошидаги драма тўгарагининг «Ятим ва Ятима» спектакли қўйиб берилди. Ўгай она қўлида эзилган етим қиз онасининг қабрини қучоқлаб дардли қўшиқ айтади. Қўшиқ айта туриб чинакамига йиғлайди. Етим қизнинг нолаларидан таъсирланган томошабинларнинг кўзларидан ҳам беихтиёр ёш чиқиб кетади...

Карл Маркс номидаги театр труппасида етим қиз ролини ўйнаган ёш истеъдод билан қизиқиб қолдилар. Бу ўн икки яшар ҳаваскор қиз Сора Эшонтўраева эди.

Интернат-мактабда тарбияланаётган қизалоқнинг ўзига топширилган ролни шу қадар таъсирли ижро этгани бежиз эмасди. Унинг ҳаёти ҳам спектаклдаги етим қиз ҳаётига ўхшаш эди.

...1911 йили Янгиқўрғон яқинида жойлашган Бешбулоқ қишлоғидаги Парпивой ака оиласида тўртинчи фарзанд дунёга келди. Турмуш машаққатларидан эзилган Парпивой ака ана шу фарзанди туғилмасдан аввалроқ оламдан кўз юмган эди... Ҳанифа опанинг аввалги фарзандларини қариндошлари тарбиялайдиган бўлди. Чақалоқ қизчани эса, шу қишлоқдаги бир бефарзанд оила ўз қаноти остига олди.

Робия опа ҳам, Абдураҳмон ака ҳам ўзлари асраб олган қизчага ниҳоятда меҳрибон эдилар. Бироқ бу оиланинг ҳам аҳволи ночор эди. Улар 1918 йили Тошкентга кўчиб келиб, Чилдухтарон маҳалласидаги Ёқуббойнинг ташқи ҳовлисига жойлашдилар. Абдураҳмон ака бойнинг даласида қароллик қилар, Робия опа «уй ишларига қарашар», яъни чўри эди. Қиз ўзининг асранди эканлигини билмаса ҳам, юрагининг аллақаеридир етимлигини сездириб тургандек эди. Қиз хотирасида сақланиб қолган бундай кечинмалар, ўксук кунлар Ятима ролининг ҳаяжонли чиқишига таъсир этган бўлса, эҳтимол.

Сора Эшонтўраева Москвадаги ўзбек драма студиясида икки йил таҳсил кўрди. 1927 йили ўз тенгқурлари билан юртига қайтгач, ёш санъаткор ҳозирги Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг ўзаги бўлган Ўзбек драма театрида ишлай бошлади. Студиячилар Москвада ўқиб юрган пайтларидаёқ бир нечта спектакль тайёрлаган эдилар. Сора Эшонтўраева ҳам барча спектаклларда иштирок этиб, истеъдодини намойиш қилди. Москвадан қайтиб, театрга ишга кирганидан кейин ҳам ўз маҳоратини ошириш йўлида қунт билан ишлади. Ўзига топширилган ҳар бир ролнинг самимий, табиий чиқиши учун ҳаётда кўрганларидан, студияда олган билимидан фойдаланди.

Театр коллективи Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» асарини тайёрлаётган пайтда Жамила образини яратиш Сора Эшонтўраевага топширилди. Бу образнинг жонли ва ҳаққоний чиқишида ҳам актрисанинг ёшликда кўрган-кечирганлари, хотирасида ўчмас из қолдирган воқеа-ҳодисалар жуда қўл келди.

...Ёқуббой фақат Чилдухтарон маҳалласида эмас, бутун Тошкентда ном таратган корчалонлардан эди. Унинг боғбонлари, отбоқар-молбоқарлари, чорикорлари кўп эди. Кечқурунлари аравалар кўлайиб, қўрғонга сиғмай кетарди. Бой ўз хизматкорларига муғомбирлик билан муомала қиларди. Жума кунлари бойнинг ташқари ҳовлисида базмлар бўлар, бу базмларда кокил тақкан йигитчалар рақсга тушар эди... Бир куни гузардаги аллақайси ҳовлидан дод-фарёд эшитилди. Кўчада ўйнаб юрган Сора ҳам тенгқурлари билан ўша ҳовлига югурди. Девор устидан мўралаб қараса, устунга боғлаб қўйилган ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги қизни кексароқ бир киши — отаси бўлса керак — тинимсиз сўкиб, қамчин билан савалаётибди. Ҳовли атрофига йиғилганларнинг айтишларича, қиз шу маҳаллалик бир камбағал йигитни яхши кўрар экан. Орадан бирмунча вақт ўтгандан кейин, маҳаллада ўша қизнинг ўлгани ҳақида хабар тарқалди.

Жамила образини яратишга тайёрланар экан, Ёқуббой ҳовлисидаги манзаралар, муҳаббат йўлида қурбон бўлган ўша бегуноҳ қиз Сора Эшонтўраеванинг кўз олдида турарди.

— «Момоқалдироқ» спектаклидаги Катерина образини яратишда ҳам кўрган-кечирганларим иш берди,— деб ҳикоя қилади Сора Эшонтўраева.— Чилдухтарон маҳалласида қанча турганимизни билмайман. Кейинроқ у ердан Какат маҳалласидаги Ҳаким каллапаз деганнинг ҳовлисига кўчиб ўтдик. Дадам ёғ заводига ишга кирди. Ёнатрофимизда рус оилалари кўп эди. Узим тенги рус қизлари билан ўртоқлашиб кетдим. Улар менга рус халқ эртакларини ўқиб беришарди. Дугоналарим билан ҳайвонот боғи, музейларга борар эдим, ҳатто баъзан болаларча синчковлик билан черковга ҳам кириб қолар эдик. Нюра деган дугонамникига монах аёллар келиб турарди. Уларнинг гап-сўзларини эшитиб, хатти-ҳаракатларини кўриб ҳайрон бўлардим. Ана ўша кўрганларим Катерина образининг ёркинроқ чиқишига ёрдам берган бўлса ажаб эмас.

1935 йили Ҳамза номидаги театрда Вильям Шекспирнинг «Гамлет» драмаси қўйиладиган бўлди. Сора Эшонтўраева бу спектаклда Офелия ролини ижро этиши керак эди. Офелия образи актрисанинг ўша пайтгача яратган образларидан анча мураккаб эди...

Офелия — саройда тарбияланган қиз. Онаси ёшлигида ўлиб кетиб, энага қўлида вояга етган. Ўзи ниҳоятда гўзал, билимли, маданиятли, нозик табиатли, юриш-туришлари, ҳаракатлари назокат ва жозибага бой. Бу иффатли қизнинг Гамлетга бўлган муҳаббати ҳам ниҳоятда самимий. Бироқ қизда шижоат, жасорат етишмайди. Офелия тарбияланган муҳит уни итоатли, бировга тик гапиролмайдиган ожизага айлантириб қўйган. Отаси: «Гамлет сени севишига ишонмайман», дейди. Қизда шубҳа пайдо бўлади. Шу орада Гамлет билмасдан Офелиянинг отасига парда орқасидан ханжар уради. Тафаккури бундай фожиага чидаш беролмаган қиз ақлдан озади ва ҳалок бўлади.

Актриса учун Офелия образининг мураккаблиги шунда эдики, ёшлигида камбағалчилик билан ўсган актриса подшо саройларини, сарой кишиларини тузукроқ тасаввур этолмасди. Шу са-

ГБ УзССР

бабдан бу ролни тайёрлаш жараёнида у кўп заҳмат чекди. Студияда олган билими етмасди, санъат усталарининг, айниқса устоз К. Станиславскийнинг асарларини қайта-қайта варақлади. Шекспир ҳақидаги ўнлаб китобларни мутолаа қилди. Шекспир асарларини бир неча йил босим ўқиди. Буюк драматург қаҳрамонларининг қиёфаларини, кийим-кечакларини акс эттирган расмларни қидирди.

Узоқ меҳнат ва изланишлардан сўнг ўзбек саҳнасида Офелия образи пайдо бўлди. Бу образнинг талқини, унинг ишонарли, таъсирчан ижро этилгани ҳақида ортиқча таъриф-тавсифнинг ҳожати бўлмаса керак. «Советская культура» газетаси ўзининг 1936 йили чиққан мақолаларидан бирида Сора Эшонтўраевани бир вақтлари Англияда фожиавий ролларни беками-кўст ижро этиб ном қозонган актриса Эллентерейга қиёслаган эди.

«Гамлет» драмаси саҳнага қўйилганидан сўнг орадан кўп вақт ўтмай шоир Ҳамид Олимжоннинг «Офелиянинг ўлими» шеъри эълон қилинди. Офелиянинг тақдирига ачинган, маъсума қизнинг ўлимидан юраги яраланган шоир ўтмишни ва номард табиатни лаънатлаб шундай ёзади:

Жавоб бериб кўр-чи, номард табиат,
Бунчалик гўзални нечун яратдинг?!
Ўзинг гуноҳкорсан, осийсан беҳад,
Нечун яратдинг-у ўтларга отдинг?

Бу факт ҳам севимли актрисамиз яратган образнинг нақадар ҳаётий ва ҳаққонийлигини, томошабинлар қалбини ром этганлигини кўрсатади.

Биз СССР халқ артисти Сора Эшонтўраевага нинг таржимаи ҳоли ва саҳнада яратган драматик образлари билан боғлиқ бўлган айрим лавҳаларнигина қайд этдик. Севимли актрисамиз томонидан Ҳамза номидаги театр саҳнасида ижро этилган роллар беҳисоб. Сора опа ҳозиргача «Навоий», «Отелло», «Холисхон», «Номус ва муҳаббат», «Тор-мор», «Туркия ҳақида ҳикоя», «Бир севги афсонаси», «Шоҳ Эдип», «Ҳуррият», «Парвоз» ва бошқа талай спектакларда бир-бирини такрорламайдиган образлар яратиб, томошабинларга манзур этди. Мазкур образларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида мақолалар, рисолалар ёзиш мумкин.

Сора Эшонтўраева актив жамоатчи сифатида ҳам кўп йиллардан бери ташаббус ва фаолият кўрсатиб келаётир. У 1949 йилдан бери Тинчликни сақлаш Совет комитетининг аъзосидир. Сора Эшонтўраева СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига бир неча марта сайланган.

Атоқли санъаткоримиз ўзбек театрини ривожлантиришдаги хизматлари эвазига бир неча бор орденлар билан мукофотланган. Яқинда санъаткорнинг қатор орденлари ёнига яна бир юксак мукофот — Ленин ордени қўшилди. Бу олий мукофотга у ўзининг 60 йиллик юбилейи кунида сазовор бўлди.

«Гулистон»нинг минг-минглаб ўқувчилари давримизнинг ёрқин санъаткори, оташин тинчлик жарчиси Сора Эшонтўраевага янада катта ижодий қувончлар тилайдилар. Томошабинга манзур бўладиган ҳаётий, ҳаққоний қаҳрамонлар кўпаяверсин!

Оқилжон ҲУСАНОВ

КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК!

Венгриялик дугонам Клари Сегетига хат

Салом, қадрли дўстим Клари!

Азиз дугонажон! Таъбир жоиз бўлса, мен ёшликни эркин қушларга қиёс қилгим келади. Ўзинг ўйла: бундан атиги икки йил муқаддам Герцен номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленинград Давлат педагогика институтида ўқирдик. Биримиз — венгер қизи, биримиз ўзбек. Венгеру ўзбек, қирғизу латиш, эстону тожик, туркману украин, русу молдаван, хуллас, юздан ортиқ миллат ва элат ўғил-қизлари бир оила фарзандларидек дўст ва иноқ бўлиб яшардик. Миллатимиз ҳар хил бўлса-да, фикру ўйимиз, мақсаду маслагимиз бир эди.

Ўқиш ҳам тугади. Ҳаммамиз эркин қушлар каби планетанинг турли параллель ва меридианлари бўйлаб учиб кетдик. Биз иккимиз ҳам. Сен — Венгрияга, мен — Ўзбекистонга!

Нева соҳилларида юрганларимизни, доҳиймиз В. И. Ленин қадамжоларини зиёрат қилган пайтларимизни эсласам, ҳаяжонланиб кетаман! «Менинг иккинчи она тилим — рус тили, иккинчи она Ватаним — СССР», деган сўзларингни хотирлаганимда беихтиёр ҳаяжонланаман!

Ахир, нега қувонмайин, Ленин даҳоси, инқилоб шуъласи дилимизни ва йўлимизни мангуга мунаввар этди-ку!

Улуғ Октябрь революцияси туфайли ўзбек қизларининг довруғи бутун жаҳонга таралди. Дугонам Клари! Афв этасан. Мен романтикага берилаётганим йўқ. Ҳақиқатни ёзаётибман. Қалбим буюрганини ёзаётирман.

Мана, машҳур немис адиби Эгон Эрвин Кишнинг «Тубдан ўзгарган Осиё» китоби қўлимда. Ёзувчи кул ранг бўёқ тимсолида халқимизнинг ўтмишини, қизил бўёқ тимсолида эса бугунги ҳур ҳаётини тасаввур этибди. Чунончи, Эгон Эрвин Киш ўзбек хотин-қизларининг ўтмиши ҳақида шундай ёзади:

«Кул ранг бўёқ: Уйга бир жувон кириб келди, чимматини кўтарди. «Ёшинг нечада?»—«Ўн тўртда». «Нима демоқчисан?» — «Мен... мен бундан тўққиз ҳафта бурун турмушга чиққан эдим. Ажралишмоқчиман». «Сени ким эрга берди?» — «Онам. У жуда камбағал. Мени эрга бериб, катта қалин олди». «Эрингнинг ёши нечада?»—«Буни билмайман. Лекин набиралари мендан катта». «Демак, сендан бошқа хотини ҳам бор экан-да»—«Уч хотини бор эди, ҳаммаси ўлган». «Касби нима?» — «Дўкондор, лекин ўзи ҳуқуқдан маҳрум қилинган киши». «Нима учун ундан ажралмоқчисан?» «Бир йил ўқидим. Саводимни чиқариб, ҳеч бўлмаса ўқишни ўрганиб олай десам, рухсат бермайди. Китобим бор эди, ёқиб юборди, ўзимни роса калтаклади. Бир кун паранжимни ташлайман, деган эдим, агар яна гап қайтарсанг, бўғиб ўлдираман, деб қўрқитяпти. Кўчага чиқармайди. Лекин қачонгача уйда тақинчоқларни эрмак қилиб ўтираман. Бугун қочдим...»

Инқилобдан илгари ўзбек қизининг тақдири шундай эди. Ҳаётнинг неки ситами бўлса, уларнинг гарданида эди. Уқишдан, йигитлар билан ёнма-ён туриб ишлашдан маҳрум этилган эди. «Сочи узун, ақли калта» дерди уларни диндорлар. Ўзбек қиз-жувонларининг қалби сўник, ҳоли забун эди.

Эндиликда Ленин даҳоси, инқилоб қуёши туфайли ўзбек хотин-қизларининг ҳам иқболи кулиб боқди.

Ўзбеклардан етишиб чиққан санъат юлдузлари — Лутфихоним Саримсоқова, Сорахоним Эшонтўраева, Ҳалимахоним Носирова, Тамарахоним, Мукаррамахоним Турғунбоева сингари СССР халқ артистларини ҳозир бутун жаҳон танийди.

Мукаррамахоним Турғунбоева бошчилик қилаётган «Баҳор» рақс ансамбли Совет Иттифоқидаги барча қардош республикаларда ва кўплаб чет мамлакатларда ўзбек миллий санъатининг қудратини намойиш этди.

Дугонажоним! Ҳамшаҳрим, истеъдодли чангчи Фазилат Шукурова, моҳир дирижёр Дилбар Абдураҳмоновларнинг ҳар бири ҳақида мароқли китоб ёзса арзийди.

Азиз дўстим Клари, 1906 йилда «Таълим-тарбия ахбороти» деган инглиз журнали «Ўрта Осиёда саводсизликни тугатиш учун... 4600 йил керак бўлади», деб ёзган экан. Ҳолбуки, эндиликда биргина Ўзбекистоннинг ўзидан юзлаб академиклар, фан докторлари етишиб чиқди. Ўзбек алломаларининг фикрларига, илмий ахборотларига ҳозир ҳатто Америка, Англия, Франция, Япония сингари тараққий этган капиталистик мамлакатларнинг олимлари ҳам қулоқ тутмоқда.

Мен ўзбеклардан етишиб чиққан олималарнинг жаҳоншумул илмий кашфиётлари ҳақида гапираётганим йўқ. Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ректори, техника фанлари доктори, академик Мақсуда Ҳожинова сингари олималар ҳақида ёзсам, ўнлаб дафтарлар озлик қилади.

Ҳозир Ўзбекистон ССР олий ўқув юртларида ва техникумларида уч юз мингдан кўпроқ йигит-қиз таълим олмоқда. Ҳар ўн минг кишига тўғри келадиган студентлар сони жиҳатидан Ўзбекистон Франция, Англия, ГФР, Италия сингари мамлакатларни ортда қолдириб кетди. Қисқаси, республикамизда буюк рус олими Д. И. Менделеевнинг «Илм сочган уруғдан халқ ҳосил ўргай», деган сўзлари амалий ифодасини кўрсатаётир.

Ўзбеклардан етишиб чиққан эрк ва иқбол куйчиси, Жавоҳирлаъл Неру мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ шоираси Зулфиянинг овозини бутун жаҳон тингламоқда.

Мен ҳали хассос шоира ва адибалар Саида Зуннунова, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Гулчеҳра Нуруллаева, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиевалар ҳақида ёзаётганим йўқ...

Ким эдигу ким бўлдик? Ҳар бир ўзбек қизи бугунги кунда ўз-ўзига шундай савол беради-да, бундай жавоб қайтаради:

— Мазлума эдик, маҳрура бўлдик!

Биласанми, дугонажон, хотин-қизларимиз миллий бойлигимиз, шон-шуҳратимиз ва иф-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг журнали

№ 3 (63) 1972

Март

1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти

Қизлар шаънига

Мадҳия

Сизларсиз бу олам кўрки кемтикдир,
Сизларсиз бу ҳаёт эрки кемтикдир.
Сиз борсиз — оламнинг ҳусни баркамол,
Сиз борсиз — бу олам кўрсатар жамол.
Сиз борсиз — гулларнинг атри ўзгача,
Сиз борсиз — шоирлар сатри ўзгача.
Сиз юрган боғларнинг файзи ўзгача,
Баҳори, кузаги, ёзи ўзгача.
Ўзгача мевасин тотиш, салмоғи,
Сиз соққан сигирнинг ёғли қаймоғи!
Сиз терган пахтанинг фахри ўзгача,
Сиз очган каналнинг баҳри ўзгача.
Ўзгача сувларнинг қўнғироқ саси,
Не ажаб, кўрганнинг келса ҳаваси!
Сиз чўлга мардона қўйсангиз қадам,
Ўзга бир гўзаллик кашф этар одам.
Одамлик ҳақини оласиз чўлдан,
Тиканни айириб муаттар гулдан,
Уфқдан уфқни кўзлайсиз мағрур,
Янги бир уфқдан сўзлайсиз мағрур.
Сиз учун уфқлар пиллапоядир,
Сиз муштоқ манзиллар тилла қоядир.
Муродга қасд қилиб югурган етар,
Тарихга мардона ўз номин битар.
Сиз тарих бетида нурли сўзларсиз,
Тарихдан янги бир тарих кўзларсиз.
Кунларнинг салмоғи қўлларингизда,
Тунларнинг чироғи қўлларингизда.

тихоримиз — «оқ олтин»ни яқин йилларга қадар қўл билан терар эдилар. Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ўзбек хотин-қизлари ичида биринчи бўлиб пахтани машинада теришни бошлаб берди. Шундан сўнг минглаб қизжувонларимиз «зангори кема» штурвалларини эгалладилар. Бу йил ана шу «зангори кема» капитанлари ва бошқа ўзбек заршуносларининг ҳиммат-шижоати туфайли республикамизда 4 миллион 470 минг тоннадан ортиқ кўк ўпар «оқ олтин» хирмони чошланди. Бу — мўъжиза! Бу — ҳақиқатга айланган мўъжиза!

«Агар,— деган эди доҳиймиз В. И. Ленин,— меҳнаткаш хотин-қизларнинг жуда катта қисми социалистик қурилишда яқиндан иштирок этмаса, социалистик ўзгаришнинг бўлиши мумкин эмас».

Дарҳақиқат, ҳозир республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўзбек хотин-қизлари фаол иштирок этмоқдалар. Биргина Самарқанд область, Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхоз мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Бу машъал хўжаликни асосан хотин-қизлар бошқаради. Колхоз правлениесининг раисаси Раҳимахон Исломова, бригада бошлиқларидан Шаҳри Раҳматова, Эрка Нурхонова — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари. Донгдор бригада бошлиғи Зулайҳо Ҳамидовага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони берилган, кўксини бир қанча орден, медаллар безаб турибди. Қирқ центнерчилик ташаббускори бўлган бригадир Жангил Рашидова Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатликка сайланди.

Хўжаликнинг бош агрономи ҳам олий маълумотли ўзбек қизларидан. Исми — Анвара, фамилияси — Тошпўлатова. Ана шу сергайрат хотин-қизлар етакчилигида колхоз бу йил ҳам она-Ватанга беш минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширди. Бу мўъжиза! Бу — ҳақиқатга айланган мўъжиза!

Агар Ўзбекистонда бундай оламшумул ютуқлар қандай қилиб қўлга киритилди, деб сўрасанг, мен бор овоз билан шундай дейман:

— Совет халқларининг метиндек мустаҳкам дўстлиги ва ўзаро қардошларча ҳамкорлиги туфайли!

Охирги хатингда мени Венгрияга таклиф қилибсан. Мавридини топиб, албатта бораман.

Ҳозир Каттақўрғон шаҳридаги медицина билим юртининг студентларига рус тилидан дарс бермоқдаман. Директоримиз Адолат Солиевна жонкуяр жарроҳгина эмас, балки моҳир мураббия ҳамдир. Коллективимизда хотин-қизлар кўпчилик. Майя Қобилова, Мавжуда Эшмуродова — жўшқин қалб эгалари!

Ўз касбим, аҳил коллективим билан фахрланаман.

Бизда ҳар бир ўзбек қизи фахр билан яшаб, фахр билан меҳнат қилади. Биз ўзбек қизларига бундай бахтиёрликни буюк Ленин берди, Коммунистик партия берди! Улуғ инқилоб берди!

Азиз дугонажоним, Клари! Хатимга сиғмай қолган нарсаларни келганингда кўрасан. Ҳозирча хайр!

Сени ғойибона қучиб қолувчи:

дугонанг Зубайда ОБИДОВА

Сиз кирган хонанинг чироғи нурли,
Сиз қурган даралар гаштли, сурурли!
Сиз фарзанд боқасиз: меҳрингиз олам,
«Нур билан йўғрилсин, дейсиз, ҳар болам!
Ҳар бири бир устун бўлсин ҳаётда,
Синчи ҳам ёмонмас турса қанотда!»
Сиз олий мурувват,
Олий ниятсиз.
Сиз тоза виждону
Олийҳимматсиз.
Орият сиз билан,
Ҳаё сиз билан.
Ҳамият сиз билан,
Дунё сиз билан.
Гўзаллик сиз билан,
Наво сиз билан.
Муҳаббат сиз билан,
Вафо сиз билан.
Сизларсиз бу олам завқи йўқ куйдир,
Сизларсиз бу дунё чироқсиз уйдир.
Ҳамиша ярқираб ёнинг, бор бўлинг,
Ҳаётнинг меҳрига қонинг, бор бўлинг!

ШУҲРАТ

КПСС Марказий Комитети Совет Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги СССРдаги миллатлар ва элатлар бирлиги, уларнинг Коммунистик партия теварагидаги жипслиги, интернационализм ва халқаро дўстлиги принципларига садоқатнинг янги ёрқин намойиши бўлади, деб ишонч билдиради.

(КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қароридан)

СССР — 50

Ягона оилада

БЕЛОРУССИЯ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Менинг республикам

Балки, сиз ўйларсиз республикамни —
Деб: у тунд ўрмонлар мамлакати!
Қаранг,
Нур сочади қуёшга ҳамроҳ —
Чароғон заводлар адл савлати.
Балки, сиз ўйларсиз республикамни —
Деб: сокин водийлар маскан-маъвоси!
Бир зум қулоқ тутинг —
Янграр баралла
Гувлаган қудратли ГЭСлар овози.
Балки, сиз ўйларсиз республикамни —
Деб: торф ботқоғи у бошдан-оёқ!
Эркин нафас олар унда боғлар ҳам,
Хушнуд бош силкийди тўқ бошоқлар ҳам,
Йўллари уфққа лаб босар қувноқ...
Унинг нигоҳида на ғам, на азоб,—
Кўзларга сиғмаган бахтлар тошқини.
Бу юрт — мўъжизавий қуёш ранг китоб
Каби очиқ турар: ўқий бил уни.

Кастусь КИРЕЕНКА

Минск телевизорларининг таърифи радиоприёмникларникидан қолишмайди.

ДЎСТЛИГИМИЗ — КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ

П. М. МАШЕРОВ,

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

КПССнинг жанговар отрядларидан бири — Белоруссия Компартияси жонли ғоявий алоқани, авлодлар ворислигини мужассамлантиради, ёшлик ғайратини ва комил донишмандликни, коммунистик қурилишнинг энг қийин ва масъулиятли вазифаларини ҳал этишга қодир кишиларнинг билим ва тажрибаларини бирга қўшиб олиб боради.

Партиявий ишда турмуш талаби ва амалиёт эҳтиёжидан келиб чиққан кўп янгиликлар содир бўлди. Бу ишнинг таркибида халқ хўжалигини ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим масалалари тобора кўпроқ ўрин олмоқда. Буларнинг барчаси хўжалик ва маданий қурилишнинг улкан вазифаларини ҳал этишда муҳим омил бўлди. Белоруссия саноати саккизинчи беш йиллик режаларини муддатидан олдин бажарди. Пландан ташқари юз миллионлаб сўмлик турли буюмлар ишлаб чиқарилди. Илгариги икки беш йиллик мобайнида қанча маҳсулот тайёрланган бўлса, саккизинчи беш йилликда ҳам тахминан шунча маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Халқ хўжалигида техника прогрессини таъминловчи энг замонавий тармоқлар тез суръатлар билан тараққий этди. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш 2 баробар, кимё ва нефть-кимё саноати 3,3 баробар, автоматлаштириш асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш 3,8 баробар, электр энергияси ҳосил қилиш 1,8 баробар ортди.

Қишлоқ хўжалиги ҳам катта одимлар билан олға босди. Ўтган беш йилликда колхозлар, совхозлар ва давлатнинг бошқа хўжаликларида ялпи маҳсулотлар етиштириш ундан олдинги беш йилликдагига қараганда 45 процент, шу жумладан, ғалла — 53, гўшт — 73, сут — 66 процент ошди, тухум тайёрлаш 2,4 баробар кўпайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турларини тайёрлаш планлари анча ошириб бажарилди. Колхоз ва совхозларда меҳнат унумининг 50 процентга ошганлиги диққатга сазовордир. Беш йил ичида колхозларнинг соф даромади икки баробар, совхозлар олган фойдалар эса олти баробар ошди.

Бу рақамлар ўзида партиянинг улкан ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти, кадрларимизнинг юксак замонавий талаблар руҳида ишлаш маҳорати ошганлигини кўрсатади.

Бу рақамлар мазмуни халқимизнинг улкан яратувчилик меҳнатини, унинг коммунистик эътиқодини, маънавий ва профессионал маҳорати ҳар тарафлама ўсганлигини, турмуш ва меҳнатнинг социалистик принциплари кишиларимизнинг қон-қонига сингиб кетганлигини ифодалайди.

Бизнинг муваффақиятларимизда социалистик интернационализмнинг қудратли кучи яшамоқда ва тантана қилмоқда. Белоруссия ССРнинг улкан ва тобора ортиб бораётган иқтисодий мавқеи — партиянинг ленинча доно миллий сиёсати мустаҳкам ижтимоий-иқтисодий ва маънавий яқдиллиги, Совет Иттифоқи халқларининг улуғ дўстлиги самарасидир.

Тўққизинчи беш йилликда республикада саноат ишлаб чиқариши қўлами қариб бир ярим баробар ошади.

Меҳнатни ташкил этишда туб ўзгартишлар киритиш ва меҳнат унумини кескин оширишга имкон берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият берилади. Биз автомат линиялар, агрегат дастгоҳлар, ҳисоблаш техникаси, ишлаб чиқариш ва бошқаришни механизациялаштириш ҳамда автоматлаштириш воситаларини тайёрлашни анча кўпайтириш ва уларнинг техника даражасини, тежамкорлигини оширишни асосий вазифамиз деб биламиз.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам зўр истиқболлар очилмоқда. Ҳозирги беш йилликда республикада ғалланинг ялпи ҳосилини 55 процентга кўпайтириш кўзда тутилади. Бунга асосан ҳосилдорликни кўтариш йўли билан эришишимиз керак. Шунингдек, колхоз-совхозлар ва давлатнинг бошқа хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни бир ярим баробар ошириш мўлжалланади. Ҳозирги беш йилликда Белоруссия қишлоқ хўжалигига давлат томонидан ажратиладиган маблағлар деярли икки баробар кўпаяди. Фақат мелиорациянинг ўзига бир ярим миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади.

Минерал ўғитлар ва зарур техника билан таъминлаш янада яхшиланади.

Чорвачилик соҳасида ҳар юз гектар экин майдони ҳисобига ҳозирги пайтнинг ўзидаёқ 200 ва ундан кўпроқ центнер гўшт ҳамда 1000 центнердан ошиқ сут етиштираётган хўжаликлар намуналик вазифасини ўтайди.

Белоруссия Компартияси бундан кейин ҳам республика меҳнаткашларини юксак коммунистик ғоявийлик, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида, энг юксак сиёсий ҳушёрлик ва буржуа мафкураси, оппортунизм ва ревизионизмнинг барча кўринишларига муросасизлик руҳида тарбиялашни куч-ғайрат ва изчиллик билан давом эттираверади. Коммунистик жамиятнинг фаол бунёдкори бўлган халқимизнинг енгилмас куч-қудрати, маънавий соғломлигининг асосий шарти, ғоявий ва ахлоқий поклигининг манбаи ана шундадир.

(КПСС XXIV съездида сўзланган нутқдан)



Могилёв лавсан газламалари комбинати замонавий техника билан қуролланган.

Вокзал — республика пойтахтининг дарвозаси.

Шаҳидлар ҳамиша ёдимизда.

СССР халқ артисти Т. Шарманинг янгроқ куйлари бағримизга туташ.



Яратиш симфонияси.

Белоруссия автомобиль заводи ишлаб чиқарган эзамат машиналарга зубрларнинг қудрати нисбат берилиши бежиз эмас.

Белорус зиғирпояси ўзбек пахтасидек машҳур.

Меҳнатнинг роҳати.

Белорус элининг барнолари.



Суратларни «Белорусь» журнали редакцияси тайёрлаган

Мураббия! Бу қутлуғ сўзда қанча-қанча инсоний эзгулик ва ҳикмат мужассам! Одамларга билим қувончини бахш этувчи ва фан оламининг сирли калидини тутқазувчи зотгина мана шу ном билан эъзозланади.

Устозимиз — Галина Анатольевна Пугаченкована кўпдан-кўп шогирдлари, ёрқин аудиторияларда ёки дала шийпонларида жозибали нутқ ва суҳбатларини тинглаган кишилар эҳтиром билан тилга оладилар.

Одамлар билан учрашиб туришга ғоят иштиёқмандлик ва уларга улкан илм хазинасидан туҳфалар инъом этишга интилиш — олиманинг ажойиб фазилатларидан бири. У айниқса илм даргоҳига қадам қўяётган ва касб танлаш олдида турган ёшлардан ўзининг маслаҳатларини аямайди. Мана шу ёшлар орасида, унинг ўз таъбири билан айтганда, «илм учқунларини сочиш даркор, бу учқунлардан илмга нисбатан эҳтирос аланга олғусидир».

Ўзбек халқининг минглаб йиллар давомида таркиб топган маданий мероси ниҳоят бой ва серқирра. Бу меҳнаткаш халқнинг мислсиз яратувчилик меҳнати самарасидир.

Асрлар сир-асрорини кашф этиш, шаҳарларни, санъат обидаларини тиклаш, уларни халқимиз ва келажак авлоднинг мулкига айлантириш совет меъморлари ва санъатшуносларининг асосий вазифаларидандир. Ўрта Осиё халқларининг бадиий маданият тарихи — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Галина Анатольевна Пугаченкованинг қизиқиб шуғулланаётган илмий соҳаси. Студентлик йилларидаёқ шарқнинг меъморчилик ва бадиий маданият тарихи билан боғлиқ масалалар уни ғоят илҳомлантирган эди. У Ўрта Осиё Политехника институтини аъло тамомлаб, архитектура бўйича мутахассис бўлгач, ижодий фаолиятини шу соҳага бағишлади. У умр йўлдоши профессор Михаил Евгеньевич Массоннинг меъморчилик мактабидан бой илмий тажриба ўрганди. Мана, ўттиз йилдирки, у ҳормай-толмай тадқиқот ишларини олиб боради, асрлар қаърини кузатади. Ўрта Осиё халқларининг ер юзамин тагида яширин меъморчилик ва бадиий маданият тарихи изларини қидиради.

Олиманинг илмий кузатишлар доираси ниҳоят кенг. Қадимги ва ўрта аср меъморчилиги, антик дунё ҳайкалтарошлиги ҳамда XIV—XVI асрлар мусаввирлик санъати, кулолчилик ҳунари, нумизматика, тарихий топография — мана бу соҳалар муҳтарама муаллимамиз салмоқли улуш қўшган илмий чашмалардир.

Денов шаҳрининг чеккасида жойлашган Холчаён тепалигини яқингача ҳатто маҳаллий аҳоли ҳам билмас эди. Холчаён тепа колхоз техника гаражи майдонида оддий бир кичик дўнглик эди. 1959 йилнинг баҳор кунларидан бирида уни текислаб юбормоқчи ҳам бўлганлар. Бироқ бульдозер тиғи ботган заҳоти қандайдир тўсиққа тақалади ва тўзғитилган тупроқ тагидан тош устунларнинг таг курсилари чиқади. Буни эшитган мутахассислар топилдиқни эрамизнинг биринчи асрларига мансуб деб белгилайдилар. Галина Анатольевна ўзига хос тезкорлик билан Холчаёнга бориб, қидирув ишларини бошлаб юборади. Ёдгорликни биринчи бор кўрганидаёқ у Холчаёнда кенг кўламда археологик қидириш ўтказишга қарор қилади. 1960 йили Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти қошида олиманинг раҳбарлигида махсус экспедиция уюштирилади. Экспедициянинг тадқиқот мавзуи Ўзбекистоннинг қадимий санъат ва меъморчилик ёдгорликларини археологик жиҳатдан ўрганишдан иборат бўлади.

Археология амалиёти жараёнида шундай ҳол ҳам бўлиши мумкин. Таъбир жоиз бўлса, ёдгорлик ўз тадқиқотчисидан «зўр» чиқади, яъни тадқиқ этган олим ўша ёдгорликни ва унга дахлдор бўлган манбаларни илмий жиҳатдан тузук таҳлил этолмайди, илмий ва ижтимоий муҳитга уни муносиб савияда етказа олмайди.

Тадқиқотчилик истеъдоди зўр бўлган, иродали олима Галина Анатольевна Холчаён меъморчилиги ва ҳайкалтарошлиги тўғрисида ажойиб илмий хулосаларга келди: ўнлаб махсус илмий мақолалар ва кўп йиллик тадқиқотини якунловчи «Шимолий Бақтрия бадиий санъати масаласига доир» ва «Холчаён ҳайкаллари» номли йирик монографиялари Холчаённи қадим дунёнинг энг кўркам ёдгорликлари қаторига олиб кирди.

Энди чет элларда ҳам қадимий давр бадиий маданияти ва санъат ёдгорликлари тўғрисида гап кетганда, исботловчи манба сифатида Холчаён тадқиқотларига тааллуқли асарларга мурожаат қилинади.

Далварзин тепани қуёш тафтида қовжираган ёввойи ўтлар қоплаб ётарди. Аммо бу харобалар бағрида нималар борлигини ҳеч ким билмасди. Ҳатто археологлар ҳам бу тепани четлаб ўтардилар. Олима раҳбарлигида санъатшунослик экспедицияси 1961 йили қазиш ишларига киришди. Биринчи синовлар унча умид бағишламади. Иш вақтинча тўхтатилди. Тадқиқот-текшириш антик даврга дахлдор икки ажойиб ёдгорликка — Айритом ва Хотинработга кўчирилди.

Лекин Далварзин тепа тадқиқотчиларнинг эътиборини ҳамон ўзига

ЯЙЛОВЛАР — БОЙЛИГИМИЗ

Қорақўлчилик республика чорвачилигининг етакчи тармоқларидан биридир. Бу тармоқни янада ривожлантиришда наслчиликни тўғри йўлга қўйиш, қорақўл қўйларининг зотини яхшилаш, янги наслларини яратиш билан бирга мусатқкам озуқа базасини вужудга келтириш катта аҳамиятга эгадир.

Яйловлар қорақўлчиликнинг асосий озуқа базаси бўлиб келмоқда. Ҳозирги пайтда яйловларда ўт-ўланнинг бўлиқлиги об-ҳавонинг яхши келишигагина боғлиқ деб бўлмайди. Яйловларни ўт-ўланга бой қилиш учун озуқа экинларини райондаштириш, чўлда унадиган озуқа экинларининг уруғларини саралаш, чўл яйловларида меҳнатни механизациялаштириш керак.

Республикамиз олимлари кўп йиллар изланиб, юз элликдан ортиқ озуқабоп ёввойи ўсимликларни синовдан ўтказдилар. Бу ўсимликлар чўл яйловларида экиб кўпайтиришга тавсия қилинди. Қора саксовул, оқ саксовул, терескен, қандим, изень, кавракнинг уч тури, шувоқнинг уч тури, Палецкий черкези, Рихтер черкези каби ўт-ўланлардан ҳам яйловларда озуқа сифатида фойдаланилмоқда.

ФИДОКОР ОЛИМА, МЕҲРИБОН МУРАББИЯ

тортиб турарди. Чунки у экспедиция кашф этган қадимий шаҳристонларнинг энг йириги эди. Унинг сокин ва хомуш қатламларини яна археологларнинг пичоғи қиртишлай бошлади. Сермашаққат меҳнат йиллари беҳуда кетмади. Қўлга киритилган кўп маълумотлар Далварзин тепа Сурхон водийсининг бош шаҳри ва энди ташкил топаётган Кушан империясининг биринчи пойтахти, деб тахминланган ўша сирли шаҳарнинг худди ўзи эканини тасдиқлади.

Марказий Осиёнинг Кушан даври тарихи, маданияти, археологияси бўйича ЮНЕСКО ташаббуси билан 1968 йили Душанбада чақирилган Халқаро конференция ва 1969 йили эса Дамашқда классик археологияга бағишланган конгресс минбаридан Галина Анатольевна Пугаченкова бу кашфиёт тўғрисида комил ишонч билан маъруза қилди.

Ўзбекистон санъатшунослик экспедициясининг аҳил тадқиқотчилар отряди республикамизнинг бадиий маданият тарихини ўн йилдан буён ўрганиб келмоқда. Мамлакатимизда ягона бўлган санъатшунослик экспедицияси ўз услубини ва методикасини ишлаб чиқди. Унинг илмий мавзуи тўрт минг йиллик тарихга эга бўлган ёдгорликлардан тортиб, кеч феодализм замонасигача бўлган турли даврларнинг санъат ва маданият намуналарини ўрганишни ўз ичига олган.

Экспедиция ишни ҳар гал оператив ташкил қилади. Ёдгорликда қазиш тадбирлари билан бирга археологик қидирув ишларини ҳам қўшиб олиб боради. Натижада янги-янги топилмалар қўлга киради. Чунончи, Холчаёнда ҳам қидиришлар давомида X—XI асрларга мансуб Оқ остона бобо деган нодир меъморчилик обидаси топилди. Далварзин тепада талай ажойиб ёдгорликлар аниқланди. Шўрчи районидаги Миршоди қишлоқ совети территориясида ўтган йили топилган Муллали тепа ва Қизил тепа ёдгорликлари шулар сирасига киради. Муллали тепа эрамиздан икки минг йил илгариги кеч бронза даври қабристони бўлиб, Қизил тепа эса икки ярим минг йил илгари аҳманийлар замонасида бунёд этилган йирик шаҳардир. Қизил тепа ўз миқёси жиҳатидан Далварзин тепага тенг келади. Ҳар иккала обида ўлкамизнинг нодир ёдгорликлари қаторидан ўрин олди.

Галина Анатольевнанинг нашр этилган илмий асарлари икки юздан ортиқ. Булар орасида шарқ бадиий маданиятининг турли масалаларига бағишланган фундаментал монографиялар ҳам бор. Олиманинг санъат тарихи соҳасидаги кўп йиллик тадқиқотлари Л. Ремпель билан биргаликда ёзилган «Ўзбекистон санъати тарихи» китобига асос бўлди. Юксак илмий савияда яратилган асарнинг авторлари Ўзбекистон ССРнинг Ҳамза номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Галина Анатольевна хорижий мамлакатларда бир неча бор илмий маърузалар билан чиқиб, мамлакатимизда, жумладан Ўзбекистонда санъатшунослик илмининг бекиёс юксалганини далиллаб берди. Венеция, Париж, Лондон, Дамашқ, Теҳрон, Кобил, Москва, Ленинград, Самарқанд каби шаҳарларда ўтказилган анжуманларда, жаҳончнинг энг атоқли олимлари қаторида профессор Г. Пугаченкова Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданияти тараққиётининг турли масалалари бўйича ёрқин маърузалар қилди. Бу форумларда олима чиқишларининг олқишларга сазовор бўлиши — ўзининг чуқур илмий қарашларини француз ёки инглиз тилларида сўзлаб бера олгани учунгина эмас, совет фанининг йирик бир арбоби сифатида минг-минг йиллик тарихлар давомида жаҳон маданиятини бойитиб келган халқимиз оламшумул мавқеини эҳтиросли эътиқод билан исботлай олгани сабаблидир.

Ҳамиша руҳан бардам ва тетик устозимиз Галина Анатольевна Пугаченкова бундан кейин ҳам янги-янги кашфиётларни муттасил очаверади, ёшларни санъат тарихининг қўл тегмаган жабҳаларига ундайверади. Мўътабар муаллимамизнинг фан йўлидаги заҳматли иш услуби ва йўл-йўриқлари ёш олимларга ибратли бир сабоқдир.

Зафар ҲАКИМОВ,

ЎзФА Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-текшириш институтининг ходими

Г. Пугаченкова чет эллик меъморларни қадимги санъатимиз намуналари билан таништирмоқда.

Галина Анатольевна Пугаченкова шогирдлари Б. Турғунов ва Т. Қодирова билан янги топилмаларни кўздан кечирмоқда.

Е. ЮДИЦКИЙ фотолари

Қоракўлчилик илмий-текшириш институти олимлари ва хўжалик мутахассислари чўл ҳамда ярим чўл яйловларини яхшилаш ниятида кузги-қишки яйловларда кўп йиллик ўсимликларни юзага келтириш, озуқабоп қора саксовулларни кўпайтириш йўлларини ишлаб чиқдилар.

Ўзбекистоннинг тоғ этаклари районларидаги яйловларда шувоқ, каврак, чогон, изень, балиқкўз, донашўр, хоридандон каби ўсимликлардан гектар бошига қуритилган ҳолда 8—12 центнердан, айрим ҳолларда 20—25 центнердан озуқа жамғарилмоқда.

Айни пайтда ўзлаштирилмаган яйловлардан жамғарилаётган табиий ем-хашакнинг миқдори кўкламда қуритилган ҳолда гектар бошига 3 центнерга, кузда эса янада пастроқ 0,8—1 центнерга тўғри келмоқда.

Табиий чўл яйловларида ёзда ширали ўт-ўланнинг етишмаслиги катта қийинчилик туғдиради. Шу сабабдан ёзги сунъий яйловлар барпо этиш амалий аҳамиятга эга. Қора саксовуллардан ноёта мақсадида фойдаланиш яйловлар ҳосилдорлигини оширишда қўл келади. Бундай яйловлардаги ҳосилдорлик очиқ яйловлардагига нисбатан уч-тўрт марта кўпроқдир. Ўзбекистоннинг саҳро районларидаги майдонининг 43,1 проценти сунъий яйловлар ташкил этишга ярайди.

Республика қоракўлчилигининг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун уруғчилик участкалари ҳар йили 300—400 тонна сифатли уруғлик етказиб беришлари керак. Уруғчилик участкаларида уруғлик учун экилган озуқа экинлари яхши парвариш қилинса, изендан 0,5—2,5 центнергача, кавракдан 0,5—6,2 центнергача, чогондан 2—4 центнергача сифатли уруғлик олиш мумкин.

Уруғлик етиштириш Самарқанд областидаги «Қарноб» наслчилик заводи, «Ғозғон», «Улус» совхозлари, Қашқадарё областидаги «Ғузор» наслчилик заводи, Карл Маркс номли совхоз, Сурхондарё областидаги Октябрь 50 йиллиги номидаги совхоз ва Бухоро областидаги «Коммунизм» совхозлари зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг 1970 йил 30 сентябрдаги озуқа етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисидаги қарорига биноан тўққизинчи беш йилликда республикада 300 минг гектар майдонга ёввойи ўсимликлар экиш режалаштирилди. Шу жумладан, 142 минг гектар майдонга қора саксовул экилади. Бу саксовулзорлар 1,5 миллион гектардан иборат чўл яйловлари учун ноёта вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, 100 минг гектар майдонда кўп йиллик кузги-қишки яйловлар ташкил этилади. Ана шу тадбирларни амалга оширишда институтимиз коллективи зиммасига ҳам катта вазифалар юклатилган. Жумладан, яйловларда боқиладиган қоракўл қўйларини озиқлантиришнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш бизнинг коллективимизга топширилган.

Эндиликда институтимиз олимлари ва илмий ходимлари яхши натижалар берган тажрибаларни амалга тадбиқ этиб, қоракўлчиликни ривожлантириш учун қизғин иш олиб бормоқдалар.

Ф. ШАРАФИДДИНОВ,

Бутуниттифоқ Қоракўлчилик илмий-текшириш институтининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати

М. ҚОРИЕВ,
Тошкент Халқ хўжалиги институтининг ректори, ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

ИҚТИСОДЧИ КАДРЛАР ЎЧОҒИ

Октябрь инқилоби мазлум халқларга озодлик келтириш билан бирга, уларни илм-фан булоқларидан бахраманд қилди. Кечаги қолоқ ўлкаларда олий таълим кенг ривож топишига катта йўл очиб берди.

Доҳиймиз В. И. Ленин қўл қўйган Декретга мувофиқ Туркистон Давлат университети ташкил бўлгач, социалистик хўжалик ва маданиятни тараққий эттиришга хизмат этадиган олий ўқув юртлари бирин-кетин кўпая борди. Учтизинчи йилларда мамлакатимизда саноатлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати, социалистик хўжаликларда иқтисодий вазифаларни яхши йўлга қўйиш зарурияти кўплаб иқтисодчи кадрлар тайёрлашни тақозо этди.

1931 йили СССР Халқ Комиссарлари Советининг қарорига мувофиқ В. И. Ленин номидаги Туркистон Давлат дорилфунуни иқтисод факультетининг молия бўлими заминида Молия-иқтисод институти ташкил этилди. Биринчи йили институтда қирқ бешгина студент ўқиган бўлса, икки-уч йил ичида талабалар сони қарийб мингга етди. Институт Улуғ Ватан урушидан сўнг ҳар жиҳатдан ўсди.

Мамлакатимизда саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларнинг янада гуркираб равнақ топиши, иттифоқдош республикалар билан ўзаро иқтисодий ва хўжалик алоқаларнинг кучайиб бориши институтнинг тараққиёт йўлига асос бўлди, янги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлаш авж олди.

Олтмишинчи йилларга келиб институт халқ хўжалигининг кўп тармоқлари учун иқтисодчи кадрлар етказиб бера бошлади ва шунга кўра, 1962 йилдан бошлаб институтимиз номи унинг фаолиятига мослаштирилиб, Тошкент Халқ хўжалиги институти деб аталадиган бўлди.

Экономикамизнинг серқирра равнақи янги факультетлар очиб, янги-янги ихтисослар бўйича кадрлар етказишни тақозо қилди. Колхоз ва совхозларга олий малакали иқтисодчи кадрлар етказиб бериш учун қишлоқ хўжалик иқтисоди факультети ташкил этилди, қишлоқ хўжалигини планлаштириш ва ташкил қилиш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ихтисослари бўйича таълим-тарбия йўлга қўйилди. 1968 йили иқтисодий кибернетика факультети ташкил бўлди. Бундан икки йил бурун эса савдо-иқтисод факультети иш бошлади.

Ҳозирги пайтда институт Ўрта Осиёда ягона йирик иқтисодий олий билим юрти бўлиб, йигирмага яқин ихтисос бўйича малакали иқтисодчи кадрлар етказиб бермоқда. Институтимизнинг ўн факультетида 11 минг студент таълим олмоқда.

Студентларни коммунистик рухда тарбиялаш ва марксча-ленинча дунёқарашни такомиллаштиришда ижтимоий фанларни ўқитиш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малакаси, илмий савияси, педагогик маҳоратини тобора ошириб боришга эътибор берилмоқда. Ижтимоий фанлар кафедраларида 5 фан доктори, профессор, 43 фан кандидати иш олиб бормоқда. Конкрет-иқтисодий фанлар ўқитувчи кадрларининг ҳам ярмидан кўпи фан кандидатлари ва докторларидир. Шуниси қувонарлики, институтдаги 433 ўқитувчидан 166 киши илмий даражага эгадир. Бу — республикамизда эришилган салмоқдан бир қанча юқори.

Ўқув жараёнини такомиллаштириш учун барча зарур воситалар мавжуд. Институтнинг янги махсус ўқув-ҳисоблаш маркази «Минск-22» маркали электрон-ҳисоблаш машинаси билан жиҳозланган. Турли электрон-ҳисоблаш ускуналари билан жиҳозланган махсус ўқув кабинетлари, машғулотхона ишлаб турибди. Рус ва чет тилларни ўрганишга жиддий аҳамият берилган. Республика олий ўқув юртлари ичида институтимизда биринчи мар-

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи, профессор Ҳ. Собиров сабоқ бермоқда.

та 102 магнитофонли махсус лингофон кабинети ташкил этилди. Бўлажак мутахассисларга янги ускуналардан фойдаланиш усуллари ўргатилмоқда. Кинозал ўқув фильмларини кўрсатишга хизмат қилмоқда. Программалаш асосида таълим бериш кабинети барпо этилди. Институт кутубхонаси 334 минг китобга эга. Яқин келажакда 1 миллион жилддан иборат китоб фондига мўлжалланган кутубхона биноси қурилади. Йил сайин янги ихтисослар бўйича кадрлар тайёрлаш тобора ўсиб бормоқда. Беш йилликда қарийб 7 минг олий маълумотли мутахассис битириб чиқди. Уларнинг ярмидан кўпроғи ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олди.Фақат бултурнинг ўзида институтни 1778 киши битирди.

Коллективимиз институтни битириб чиққан кўплаб олий малакали мутахассис кадрларнинг социалистик хўжаликнинг турли соҳаларида, партия ва совет органларида масъул раҳбарлик лавозимларида самарали ишлаб келаётганликлари билан фахрланади. ЎзССР Молия министрлиги, республика Давлат банки системасида ишлаётган мутахассислар асосан бизнинг институтни битириб чиққан иқтисодчи кадрлардир. ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Нархлар комитетида ишлаётган кадрларнинг ярмини институтимиз шогирдлари ташкил этади. ЎзССР Давлат план комитетида институтда етишиб чиққан мутахассислардан 100 га яқин киши ишламоқда.

Институтимизни тамомлаганлар орасида иқтисодий ўзаро ёрдам Кенгашига қарашли Халқаро банк бошқармасининг раиси К. Назаркин, СССР Министрлар Совети қошидаги Давлат Нархлар комитети раиси ўринбосари В. Степаненко, СССР Марказий кооперация союзининг биринчи ўринбосари Н. Супотницкий, Ўзбекистон ССР Молия министри В. Муродхўжаев, Қирғизистон ССР Молия министри А. Тўхтаналиев, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министри В. Содиқов, Давлат банкининг бошқарувчиси Х. Ғафуров, Қурилиш банкининг бошқарувчиси К. Алиев, Балиқчилик хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ю. Аминов, ЎзССР Фанлар академиясининг Иқтисодий институти директори, иқтисод фанлари доктори И. Искандаров, ЎзФАнинг мухбир аъзоси О. Жамолов ва бошқа кўплаб йирик олимлар ҳамда раҳбар ходимлар бор.

Институтнинг ўзида ҳам уни битирганлардан юздан ортиқ мутахассис профессор, доцент, ўқитувчи ва ассистент вазифаларида ишламоқда. Профессорлардан Ҳ. Собиров, А. Айрумов, доцентлардан Х. Муродов, А. Данилов, А. Попов, Қ. Отамирзаев, И. Реут, М. Зайниддинов, М. Шарифхўжаев, О. Модина, О. Загороднюк, Н. Соатов каби педагогларимиз ўз самарали меҳнатлари билан институт фаолиятининг тобора ривож топишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Социалистик қурилишимизнинг йил сайин мисли кўрилмаган миқёсда равнақ топиши институтдаги илмий ишлар кўламини оширишни тақозо этмоқда. Халқ хўжалигининг муҳим масалаларига бағишланган монографиялар, ўқув қўлланмалари ва бошқа илмий асарларни нашр этиш беҳад ўсди. Институт олимлари сув хўжалигига сарфланадиган маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари, республикамиз табиий бойликларининг истифода қилиниши, социалистик хўжалик иқтисодий тарихи сингари муҳим илмий масалалар устида тадқиқот олиб бормоқдалар.

Партия ташкилотимиз раҳбарлигида студентлар илмий жамияти, илмий тўгараклар, кафедралардаги тадқиқот ишларига кўплаб илғор ёшлар жалб этилмоқда.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ва шу асосда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини тобора юқори даражага кўтариш ғоятда муҳимдир. Бу — КПСС XXIV съездининг талабидир. Ҳаёт олий малакали кадрларни тобора кўпроқ вояга етказишни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам ўқитиш ва таълим-тарбия ишларини шу куннинг талаби даражасида йўлга қўйиш учун институтимиз коллективи астойдил бел боғлаган. КПСС Марказий Комитетининг меҳнаткашларнинг иқтисодий билимларини яхшилаш тўғрисида чиқарган қарори студентларнинг билим асосларини чуқурроқ эгаллашларига даъват этмоқда.

Камолот ёшига тўлиб, қирқ биринчи йилга қадам қўяётган Тошкент Халқ хўжалиги институти республикамиздагина эмас, мамлакатимиз миқёсида салмоқли ўрин тутган кадрлар ўчоғига, илмий марказга айланди. Коммунистик қурилиш йўлида институтимиз ўз зиммасидаги вазифасини ҳамиша фахр билан адо этади.



Иқтисодий кибернетика факультетининг учинчи курс талабаси Х. Тоҳирова ҳисоблаш марказида ўз билимини пухталамоқда.

Доцент М. Ставская биринчи курс талабаси Ҳ. Ҳамрохўжаева билан лингофон кабинетида машғулот ўтказмоқда.

Фан асосларини эгаллаётган ёшлар нафосатни ҳам дилдан севадилар.



С. БЕЗНОСОВ фотолари

МИРМУҲСИН

Тупроқ

Мен туриб ман, бир сиқим тупроғинг кафтда, эй, ер,
Боқаман, қўнғир тупроқ, сен юракдек тириксан!
Онасан меҳригинг, фарзандларинг сени дер —
Сен ўзинг абадият, ҳикматинг-ла йириксан.
Тикиламан, сен ўзинг ризқимиз — нону бошоқ,
Қўёшнинг нури билан йўғрилган ўзбек ери.
Сен борсан, фарзандларинг ҳеч қачон бўлмас қашшоқ,
Қудратинг зўр, ҳеч қачон кетолмам сендан нари.
Муаттар бўйинг ҳам йўқ, бўйинг асли тупроқний,
Лекин атир гуллару райҳонлар унар сендан.
Сен ерсан—ҳаётинг ҳам, бўйинг, жонинг ҳам боқий,
Анбару асал сендан, ҳикматинг буюк чиндан.
Кўркинг ҳам йўқ, ўхшайсан на биллуру олмоса,
Товланмайсан, сен ўзинг на товус, на камалак...
Ҳаммаси бағрингдадир, барига ўзинг маскан,
Одмю сиполигинг ўзи бир чексиз фалак.
Жиндек қўнғир-қорамтир рангинг бор, азиз тупроқ,
Зотан оппоқ пахтаю оппоқ сут ҳам самаранг.
Таъмингни йўқ дейдилар, таъминг асалдан кўпроқ—
Ҳароратинг йўқ дейди, оташинг чамаланг.
Олтину забаржадлар баъзиларнинг худоси —
Бир ҳовуч тилла топсак, ёрилар ўтакамиз.
Тупроқ-ку ҳаммасининг онаси, ибтидоси —
Эй, она ер, ўзингсан ҳам шодлигу ҳам тамиз.
Узумни ҳам берасан, саломат бўлсин деб қон,
Босиб баъзан топтаймиз оёқ остида сийнанг.
Сен жимжит ётасану бағишлайсан бизга жон,
Йиқилсак, айбимизни ўрайсан кўрпанг ила.
Эй, она ер, бир сиқим тупроғинг бор қўлимда,
Кўзга суртаман уни, у беқиёс, бебаҳо...
Уни жондек сақлайман, қўрқмагайман ўлимдан —
У бор экан — тирикман, у ҳаёт, ҳаёт — бақо!

* * *

Гоҳида Курра деймиз, Дунё деймиз, Ер юзи...
Уша Дунё деган бўшлиқда юрган бир Шар.
Дафъатан кўролмокда Курранн инсон кўзи,
Анча-мунча кичрайиб қолгандек буюк башар.
Тафаккурга йўқ поён, дунёнинг ўзи кичик,
Шар узра мағрур юрган Инсон тафаккури чўнг.
Тўқсон минут ичида Ерни айланиб чиққан
Бебаҳо у модданинг хизматига йўқдир сўнг.
Шар... яъни, юм-юмалоқ, болалар қўлидаги
Учиб юрган шарчадек, лекин мағзи тўқ ёнғоқ...
Денгизу океанлар, булутни ўпган тоғлар,
Сенинг буюк кафтингда айланади, унга боқ!
Айқириб, тўлқин отиб, тошиб оқаркан дарё —
Бу гўё қон томирнинг, ғоят кичрайди башар.
Бизнинг замонга келиб, тафаккур ила дунё —
Ер юзи бўлиб қолди ғоятда кичик бир Шар.

* * *

Қалб тепар гурс-гурс-гурс... бу — дил хитоби,
Туғён урар қалбда пинҳоний дардим...
Жонимга жон берди севгинг офтоби,
Юз йил илгари ҳам сени севардим.

* * *

Юзни кулдириш осон, юракни — осон эмас,
Бир совуқ хулқ ишқ гулин ногаҳон қилди хазон...
Косадек синди чил-чил, дил энди сени демас —
Боғларни босди бирдан баҳорда аччиқ тўзон.

* * *

...га

Умринг ўтажак, вақт азиз, ёр кутармн!...
Доно кишики, ғам ила ғамнок ўтармн!
Ҳар ишки тушибди, нетасан, бор чегараси —
Ғамни унут, ақли расо дилда тутармн!!

* * *

Бир фитначи шахсга

Тағин ҳам осмоннинг ғоят бағри кенг...
Йўқса, алжишларинг нолишу ғийбат,
Бўғиқ хонангдаги аччиқ рутубат
Қора булутларга бўлур эди енг.
Яхши ҳам осмоннинг ғоят бағри кенг,
Йўқса бўғар эди ғийбатинг ипи.
Йилтироқ пашша ҳам келмас сенга тенг,
Яхши ҳам осмоннинг йўқ экан шипи.

Ҳалиқа

Умудом ер бошида: баҳору ёз — яктакчан, иштонпочаси тиззасигача кўтарилган, чўян тусли оёқлари ерга маҳкам қадалган, иккала кафти кетмон дастага устмауст қўйилган, ияги қўли устида; кўзлари эгатларда — жилдираб, қуёш нурида йилтиллаб, тупроққа сингиб оқаётган сувда: баравар оёқланяптими? Бирон жойи бўкиб қолмадими? Бўкиб ичса, тупроқ ўтиради, безга айланади, ғўза эзилади, ё сувхўрак бўлиб қолади. Бирон эгатнинг суви чопқиллаб ўтиб кетмадимикан? Уқ илдизга нам етмайди, ер селгимай яна сув талаб қилади.

У фикран сув, тупроқ билан, ғўзалари билан гаплашади; гул, кўсакни — ҳосилни кўпайтириш тадбирларини ахтаради...

Кузу қишда эгнида гуппи, яна ер бошида: бригада аъзолари билан ғўзапояси олинган ерда пол кўтаришади. Полларга сув қамалади: кўллар, охирини кўз илғамас кўл ва кўлчалар ҳосил бўлади — шиша ранг осмон шу кўлларга эниб олгандай.

Кўллар баҳор киргунча ана шундай туради. Оқаваси пайкаллар этагидаги зовурларга тушади. Бу ерларнинг шўри, ниммжон ниҳолларни қовжиратадиган аччиқ тузи шу тарзда ювилади.

У полларнинг биридан иккинчисига сув ўтадиган жойга босилган чимни маҳкамлади-да, бўйчан қоматини барала ростлаб, кафтларини пешанасига соябон қилганча атрофга разм ташлади: кенглик, поёни йўқдай кенглик — ҳамма ёқ бўмбўш, чеккадаги иҳоталар — ёз бўйи бўронларга ўзини қалқон қилган шовул толлар, шу ерларни очганда ўзи ўтқазган, ярим оролча тусига кириб қолган мевазор боғ ялангоч, қимир этмайди — уйқуда, куч йиғади, ўзини қалқонлик бурчини ўташга чоғлайди; кўллар тагидаги тупроқ ҳам уйқуда, у ҳам ўзини янги ҳосилга шайлайди.

«Искра» колхозида тузилган янги бригадага бош бўлиб, Шайтонкўлда янги кўллар ҳосил қилганда — ерни шўр чангалидан ажратиб олишга киришганда куз оёқлаган, қиш нафаси этни чимчилай бошлаган ҳеч. Ўшанда бу ерлар йил — ўн икки ой яйдоқ, ялангоч: на қаққайган бир дарахт, на бирон бостирма бор эди, шамоли одамни гандираклатарди, аччиқ шўрни бетга чаплар эди.

Бешариқда бу сиёқ дашт мавзелари кўп эди. Уларнинг кўпи «чўл» номини йўқотди. Совет кишиларининг ҳиммати уларни унумдор ерларга, яшил қишлоқларга айлантирди. Аммо Шайтонкўл мавзеи ҳувиллаганича қолаверди.

Нимага, нима учун?

Дейдиларки, ўтган замонда бир овчи даштдаги бутазорлар орасида кеза-кеза, на бир парранда, на бир қуён урибди. Афсус-армон билан кечга яқин қайтаётса, шу жойда бир кўл, сув бетини тўлдириб ғозу ўрдаклар сузиб юрганмиш, ҳаммаси оппоқ, яқин борса қочмасмиш. Мўлжалга олиб отса, гумбирлаган овоз аллақаерда акс-садо бериб янграганмиш, кейин мундоқ қараса, кўл бети бўм-бўш, ўрдагу ғозлар гур кўтарилиб гирдиободга айланганмиш — таги ердаю боши осмонда, пилдираб келиб уни ўз забтига олганмиш. Эрталаб овчини йўловчилар кўрганмиш: устибоши, афти-башараси оппоқ шўр, тупроқ қуриб, оғзи қийшайиб ётганмиш...

Булар миш-миш, бўлган воқеами-йўқми, ҳеч ким билмайди. Аммо халойиқ оғзида: «Шайтон вас-васа қилмаган одам Шайтонкўлга борадими?» деган совуқ гап қолган.

Ўн тўрт йил бўлдими шунга, у янги бригадасини тузиб, «Шайтонкўл»да пол кўтарганда, қишлоқда дув-дув гап қўзғалди: «Чолни шайтон вас-васа қилди шекилли. Нордек ўғли ишлаб турибди, кўрпача устида чордона қуриб ўтирса-чи. Бирон кор-ҳол чиқармаса эди!»

«Ўзи-ку ўзи, Ғанивой мўйсафид билан Нурматни ҳам вас-вас қилибди тиззадан шўр кечишга. Тавба...»

«Э, девона, биласиз-ку уни, ўзи индамай юрса ҳам, тутганини кесади. Бир иш чиқармоқчи шекилли. Ажаб эмас чиқарса».

«Бе!»

Бу гапларни у гўё эшитмасди, бригадасидагилар билан асрий шўрни ювишда давом этар, қишлоқдаги толларни каллаклаб, ходаларни ташиб келар, ер четига ўтқазар эди.

Бир куни тушки овқат маҳали Ғанивой ака бригадирнинг кўнглига қўл солди:

— Қишлоқдаги гапларни сиз ҳам эшитяпсизми, бригадир? Баъзан ғашинг келади, баъзан...

Бригадирнинг қошлари ногаҳон чимирилди, тақасимон мўйловининг учи хиёл пирпираб кетди, калта кузалган ияк соқолини кўрсаткич бармоғининг қирраси билан бошмалдоғи орасига олиб, этини эзғилаганча шеригига тикилиб қолди. Ғанивой ака бригадирнинг авзойи ўзгарганини кўрдию гапининг охирини ютди. Бригадир хийладан кейин аслига қайтди ва ўз одатича гўё унга тасалли берди:

— Укинманг, оғайни. Ҳар ким экканини олади: гап экқан — гап, экин экқан ҳосил йиғади,— деди-да, ўрнидан турди.

Иш, шўрни бу ерлардан ҳайдаш, Шайтонкўлнинг янги истиқболини кўзлаган меҳнат давом этди.

Улар, бора-бора, ўттиз кишидан ортди. Тинимсиз ҳарб-зарб уриб, икки йил мобайнида 63 гектар ерни шўр қамровдан ажратиб олишди, тупроқни созлашга киришишди. Лекин экинни ундириб олиш, ниҳолни вояга етказиш азоби яна ҳам қаттиқ эди: чигитни эндигина қалпоқ қилиб чиққан, уни ирғитиб ташлаб, эндигина икки қулоқ бўлган, эндигина ёруғликка, офтобга интилган ғўзаларни шўр қовжиратади, сийраклатиб қўяди, устига устак, ўкириб келган шамол учириб кетар эди, одамлар кўзи ҳали вояга етмаган иҳоталарга боқар, гўё илтижо қилар эди. Бригадир эса, ичини мушук тараласа ҳам, хотиржам кўринар, гўё ўзига ўзи гапирар эди:

— Булар ҳа демай улғаяди, унгача биз ҳам офат кушандаси бўлиб оламиз.

Дастлаб улар гектаридан ўн икки-ўн уч центнердан ҳосил ундиришди. Кейин бориб ўттизга чиқди. Бу Бешариқда пешқадамлар кўтарган ҳосил эди. Узоқ йили ҳосил элликнинг бўсағасига етди.

Кўрмаган-билмаган кишининг ишонгиси келмасди. Наҳот шундай бўлса!

Ҳар ким бориб, кўзи билан кўришни истарди. Келди-кетди кўпайди. Мухбирлар келиб бригадирни саволга тутишади:

— Отангизнинг исмлари?

— Икром,— дейди бригадир оҳистагина.

— Узингизнинг отингиз?

— Абдураззоқ.

Мухбир бир нимани аниқлаб олгиси келгандай, қаламини ўйнаб, хаёл суради. Ғанивой ота, мухбирнинг сўрагани ийманганини фаҳмлабми, ҳар қалай, бригадир ўрнига изоҳ беради:

— Оталари, худо раҳмат қилсин у кишини, ўғлим диёнатли, ризқ улашувчи бўлсин, деб умид қилгандилар.

Мухбир изоҳни ёзиб олади-да, яна савол беради:

— Отангиз нима касб қилганлар?

— Деҳқон, пахтакор эдилар. Эсимда: оқ ва

Замондошларимиз

малла ғўза экардилар. Пахтасини кўсакдан чувиб олардик.

— Ўзингиз неча ёшдан пахта экасиз?

Абдураззоқ ота мўйловининг учини бураб, жилмаяди.

— Қайдам. Онам раҳматлик, эмаклашни жўякда ўргангансан, жўякда тетапоя бўлгансан, дердилар. Тишимиз чиқиб, эсимизни танибмизки, шу деҳқончилик, шу меҳнатдамиз — тирикчилигимиз пахтанинг кетидан...

Булар ўтмиш, анча узоқ ўтмиш ҳақидаги гап. Янгиси шуки, Абдураззоқ ота бригадаси шўр тақирдан ҳосил кўтарди, катта ҳосил. Бу ернинг «Шайтонкўл» деган совуқ номи одамлар дилидан кўтарилди: ҳозир уни Пахталикўл деб атайдилар. Ҳукуматимиз бригада аъзоларининг бу ҳимматини тақдирлади. Жумладан, бригада сувчиси Нурмат ака Ҳурматов кўкрагига Ленин ордени тақилган, Абдураззоқ ота Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Бу тақдир уларнинг ҳимматини яна оширди. Ҳосилдорлик яна оширилди: ўтган йили гектарига эллик центнердан пахта етказилди. Энди Бешариқда бунга ишонмаган одам йўқ.

— Бизнинг ерлар ҳам обод жойлар тусига кириб қолди,— дейди ота.— Илгари бу ердан туриб қичқирсангиз, овозингизни ўзингиздан бошқа ҳеч ким эшитмасди. Энди қўни-қўшнилар кўпаяётибди. Шукур.

Нурмат ака изоҳ берди: бу ёқдан «Искра» колхози, у ёқдан «Москва» колхози янги ер очишга киришибди. Узоғ йили Бешариқнинг Қаҳрамон механизатори Қурбон Кенжаев механизациялашган бригада тузиб иш бошлабди, отанинг ўғли — Исмоилжон бригадаси Кенжаевга қўшни бўлиб кўчиб борибди. Пахталикўл мавзеи довруқли кишилар маконига айланибди.

Абдураззоқ ота мудом ер бошида, меҳнатда, қомати тик, кирза этикни гурс-гурс босиб одимлайди, кексалик чекингандай... Ёшларнинг ишга бўй бермаганини кўрса, уларнинг бирортасидан: «Белим толди», деган гапни эшитса, мийиғида кулиб қўяди-да, индамайди, кейин мавридини топиб, бир-икки оғиз гапиради:

— Ёшлигимда,— дейди у,— баъзан ўйинқароқлик қилсам, дадам раҳматлик: «Одам боласи меҳнат билан тирик, ўғлим», дердилар. Бунинг маънисига кейин, ақлим тўхтаганда етдим. Ҳа, ёшлик ширмон ейди.— У бармоқлари билан этсиз иягини эзғилаб, даврадагиларга бир-бир кўз ташлаб, хийла индамай қолди. Кейин ногаҳон теран кўзлари йилтиллади:— Шу ерга дастлаб қўл урганимизда ёнбошини болишдан узгиси келмаган баъзи қариялар биздан кулишган эди, булар шайтон васвасасига учди, деб. Шулардан баъзилари Ғани ака билан тенг, баъзилари ёшроқ. Бу киши етмиш иккига қадам қўйдию кечаю кундуз сизлар билан бирга, тўғрироғи, сизларга серка — узоқни кўради, сизларни узоққа йўллайди — у сизларга ер мижозини, ҳосил ундириш йўлларини ўргатиб юрибди. Уларнинг эса, қаддилари бемаҳал дол бўлибди. Бу ҳолга одам ачинади,— деди-да, иягини қаттиқроқ эзғилай бошлади. У гўё йўқотиб қўйган гапининг учини изларди:— Аммо,— деди у иягидан қўлини олиб,— мақсад катта бўлса, ният зўр бўлса, одам чўкиб ўтиролмайди, манзилга интилади, яқинлашгани сари қадди ростланаверади. Чўққига чиқиб олдими, кенгликни кўради, кўзи равшан тортади, кўнглида янги, улканроқ мақсад туғилади — ана ўшанга етишга интилади...

Ота колхоз энди тетапоя бўлган, қаддини ҳали ростлаб олмаган йилларни эслайди. Бир куни, қиш энди кирган эди шекилли, ҳисобот мажлисида одамлар уни ҳосилот советининг раиси қилиб сайлашди. Ўз ибораси билан айтганда, у ишлаб юрди — уни ҳосил учун жавобгарлик ҳисси тинч қўймасди. Бора-бора, номи Абдураззоқ ҳосилот бўлиб кетди. Колхозчилар: «Ҳосилот буюрди»; «Мана бу ернинг ғўзаси сувдан қантариб турилсин, сув мана бу пайкалга таралсин — қўш эгат қилиб», деб тайинлади Ҳосилот», дейдиган бўлишди. Кейин унинг изнига раҳна туша бошлади. Ҳосилот сувдан тортилсин, деган ер ғўзасини МТС агрономи суғортирибди, унинг таъби тирриқ бўлдию одамлар ҳузурида унга ҳеч нима демади, аммо ичида: «Тагидаги сизот бетига тепай деб турибди, шуни ҳам кўрмабди. Гап уқадими бу нодон,— деб ғижинди.— Аммо энди ғўза ўнгланмайди!»

Абдураззоқ ота бу кичкинтойларда ўз келажагини кўради. С. БЕЗНОСОВ фотоси

ер бошида

Кейин ғўзани ялпи суғориш муддатлари аниқ кўрсатилган буйруқ келди. Амал қилмаган правление раиси, ҳосилот советининг раиси ғазабга олинди, ишдан бўшатилди. Ўша йили план бажарилмади...

Ер ғўзапоядан тозаланиб, шўрини ювишга тайёрланаётган пайт эди. Агроном яна келиб, сув қамаш учун кўтариб қўйилган полларни буздирибди, ҳайдатибди. Абдураззоқ ота: «Шудгор кўтарилмайдиган ерларни пол қиляпмиз, бу ерларни баҳорда ҳайдаймиз», деса, «Сен нима билардинг», дебди. Қани энди гап уқса! Отанинг жиғи-бийрони чиқибди. Демак, келгуси йили аҳвол баттар бўлади!

— Ўшанда,— дейди Абдураззоқ ота,— ҳосилотликдан ўзимни ўзим четлатдим. Бу иш ана шундай даврларни кўрди.

— Дўхтир,— дейди у давом этиб,— олдин касалликнинг нималигини аниқлайди, кейин муолажа қилади. Ерни ҳам шунга ўхшатса бўлади, менимча. Ҳамма ер бир хил эмас — талаб-эҳтиёж, дарди бошқа-бошқа. Олдин шуларнинг нималигини аниқлаш керак. Масалан, бизнинг Бешариқ ерлари айниқса ҳар хил. Кўпи шўр-қумлоқ. Бу ерлар азалдан кузда шудгор қилинмасди, ғўзапояси олиниб, дарҳол шўри ювиларди. Хўш, нима учун? Шунинг учунки, чуқур шудгор қилинганда, беткайдаги шўр тупроқ тагига тушиб олади, баҳорда яна лоп этиб бетга тепаверади, экиннинг офати... Пахтачиликда чўкиб қолганимизнинг асосий сабабларидан бири шу эди. Ҳар ишда ҳам ўзбошимчалик ёмон. Бу колхозларга ҳам, давлатга ҳам жуда қимматга тушди... Ўн йилча бўлди, шекилли,— дейди Абдураззоқ ота,— деҳқон тажрибаси бизнинг ерларимизда ҳам инобат кўрди, илмга шериқ бўлди. Районимиз пахтачиликда пешқадам бўлиб олди. Шукур.

Абдураззоқ ота бригадасидаги ишларни индамай юриб адо этади, мажлисларда ҳам кўпинча жим ўтириб, индамай чиқиб кетади. Аммо қанча-қанча фикр ва муаммоларни ўйлаб, кўнглига тугиб юради. Масалан, кузда, теримнинг долзарб кунларида қисди-қафас бошланади. Райондан ҳам, областдан ҳам вакил келади. Ҳаммаси: «Тез, тез бўл!» дейди. Аммо ҳеч ким: «Ҳо деҳқон, нега буни хом аралаш тердинг? Нимага ифлос теряпсан?» демайди. Ана шунда ота бўғилади, индамаслиги сиртига тепади: «Пишган пахтани тез териб олиш керак, бу тўғри. Бунда сусткашлик қилганни қанча койиса арзийди. Аммо бир қўшилса, чанг-тўзон аралашса ёмон! (Бизнинг Киров районига ўхшаган шамоли қаттиқ жойларда бунга катта эътибор қилиш керак!) Заводни қийнайди, ишчини кўп овора қилади. Хом аралаш терилса—баттар ёмон. Ипи узилоғич бўлади, тола қисқа. Фабрикани қийнайди, ишчини қийнайди. Устига устак, пункт намлиги, ифослиги учун деб кўп чегиради. Демак, колхозга ҳам, давлатга ҳам зиён. Энг ёмони деҳқоннинг шаънига путур етади. Нега буни эътиборга олишмайди! Раислар ҳам шунга кўникиб қолишди. Тавба! Шундай ҳам бўладики, мана бу пайкалнинг пахтаси ҳали хомроқ, уч-тўрт кун сабр қилайлик, деб кўр-чи? Йўқ, унашмайди, сўз беҳуда кетади. Аммо хом, ифлос терса ҳам, фоизи ортиқ бўлса, ўша колхоз, ўша совхоз бошлиқларини мақташади. Яхшими шу? Ҳозир шунга, менинг назаримда, шунга ўхшаш камчиликларимиз бор. Аммо,— дейди енгил бўлиб кулиб,— менга қолса, пахтани хом, ифлос тердирган раис ва директорни жавобгар қилардим. Илло бошқаларга сабоқ бўлсин, бу ишда улар бир-бирини назорат қилсин. Шунга ҳайронманки, мусобақа шартида шулар йўқ. Нимага?»

У мудом ер бошида шу ташвишлар билан ишлайди, яшайди. Ташвиши кўпайган, улғайган сари, кексалик гўё чекинади, ота бардам тортади.

Йўлдош ШАМШАРОВ

Инсоний ҳуқуқлар учун фидокор курашчи, америкалик коммунист Анжела Девисни озод қилишга даъват этувчи бу плакатни Ленинградда ўқиётган ёш рассом Б. ЖАЛОЛОВ чизган.

РАНГ ВА БЎЁҚ

Тошкентдаги Охунбобоев майдони. Қаршингизда кўҳна Кўкалдош мадрасаси. Мадраса пештоқининг кошинлари турфа рангда товланади. Теварак-атрофингизда ҳам анвойи ранглар жилоланади: яшил майсалар, оқ-сариқ гуллар, мовий осмон, қорамтир асфальт, сурма ранг бинолар... Рангларнинг сеҳрли жилваси кўзни қамаштиради. Беихтиёр: «Шунчалар жозибани яратган ким экан-а!» деган савол хаёлингиздан ўтади. Албатта, бу латофат, бу жозиба сабабкори аввало табиат, қолаверса, инсоннинг қўли. Инсон даҳоси табиатга қиёс қилиб бўёқ кашф этди, ундан фойдаланиш йўлларини ўйлаб топди — рангларга жон бахш этди.

Ранг билан бўёқ рассомлик санъатининг асосий материалидир. Ранг — киши кўзига ташланадиган жисмларнинг табиий хусусияти. Бўёқ эса рангни ифодаловчи модда. Бўёқларнинг сони бармоқ билан санарли даржада оз. Шундай бўлса-да, уларни бир-бирлари билан уйғунлаштириб, турли рангларни пайдо қилиш мумкин. Бунинг учун асосан бешта: қизил, сариқ, кўк, қора ва оқ бўёқлар кифоя.

Ўзбекистон санъати тарихини кўздан кечиргудек бўлсак, муайян бир ранг муайян бир даврда алоҳида аҳамият касб этганини, ўша рангдаги бўёқлардан кенг фойдаланилганини пайқаймиз. Чунончи, антик санъатга қадар бўлган даврда қора ранглар, антик давр санъатида оқ-қизил, сариқ, ақиқ ранглар, ўрта асрлар санъатида латиф — майин, яшил, мовий, феруза, зумрад ранглар етакчи ўрин эгаллаган. Говур қалъа, Тупроққалъа, Варахша, Болаликтепа, Афросиёб сингари шаҳарларнинг деворларига ишланган суратлар, Араб ота, Қусам ибн Аббос, Қозизода Румий, Ширинбек оқа, Бибихоним, Туман оқа, Шоҳизинда сингари мақбараларни безашда фойдаланилган нақшлар фикримизнинг далилидир.

Ҳар бир рассом бўёқни ўзи ишлаб чиқарган. Хуросонлик Дарвеш Муҳаммад Беҳзодга шогирд тушгач, аввал бўёқчилик қилади. Шу соҳада малака ва тажриба орттиргандан кейингина расм чизишга ўтади. Рассомлар орасидаги бундай ажойиб анъана бўёқлар сифатининг яхшиланишига сабаб бўлган. XV—XVII асрларда ижод этган Абдулҳай, Манучеҳр, Маҳмуд Музаҳҳиб, Чағри Муҳассин, Абдулла, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Муҳаммад Али, Хўжа Муҳаммад Мусаввир, XIX асрда яшаган Аҳмад Дониш каби улуғ зотларнинг фаолиятлари бу фикримизни тасдиқлайди.

Бўёқлардаги ранг, ранглараро уйғунлик давр руҳини акс эттиради. Бироқ бўёқларнинг ўзини бобокалонларимиз қай йўллар билан тайёрлаган эканлар?

Қадимда ватандош рассомларимиз елимли бўёқлардан кенг фойдаланганлар. Бўёқнинг бу туридаги рангларга хос тиниқлик ҳозирги темпера усулининг ривожини таъминлай олди. Бобокалонларимиз елимли бўёқни шу қадар маҳорат ва дид билан тайёрлаганларки, ўша пайтлардаги яратилган миниатюралар рангининг тиниқлиги билан киши ақлини ҳамон лол қолдиради.

Ҳозирги наққошларимиз темпера усулида ишлашда асосан тухумнинг оқи ва сариғи, ўрик елимидан фойдаланадилар. Ана шундай суюқлик тайёрлангач, унга зарур бўёқ яхшилаб қорилади.

Бўёқ олишда металл оксидлари ҳам иш беради. Мис занги дан яшил, мовий, оч яшил-мовий, марганец занги дан жигарранг-бинафша, темир занги дан қорамтир-жиғарранг тусдаги бўёқлар олинмоқда.

Газламаларни бўяшда ёки уларга гул босишда кўпроқ дарахт ва ўт-ўланлардан, уларнинг пўстлоқлари рангидан фойдаланилади. Масалан, исириқ донидан оч қизил, пистанинг кўкидан — нафармон, жийданинг пўстлоғидан — яшил, норпўст за тухумакдан — сариқ, ёнғоқнинг яшил пўстидан — қора ва жигарранг, ёнғоқ пўстидан — малла бўёқ олиш ва уларни кенг кўламда ишлатиш мумкин.

Рассомлик санъатини рангдан, бўёқдан ажратиб тасаввур қилиш мумкин эмас. Агар ранг ва уни ифода этувчи бўёқ бўлмаганда эди, биз аждодларимизнинг маънавий дунёсини ҳам, ўрта аср мўъжаз тасвир санъати намояндаларининг эҳтиросини ҳам, хаттотларнинг маҳорат сирларини ҳам англай олмаган бўлардик.

Шерзод АБДУРАҲМОНОВ

«Тишим оғрияпти», деб кирган болани Диловар креслога ўтқазди. Энди тишларини кўрмоқчи бўлиб турганида, бола тиржайиб унга хат узатди. Ўзи зинғиллаганича қочиб қолди. Диловар хатнинг Комилдан эканлигини билярди. Унда нима дейилганини ҳам билади. Шунинг учун хатни бепарвогина жакетининг чўнтагига солдию кўчага чиқди.

Йигит боғда кутмоқчи эди. Уйга қайтишга Диловарнинг юраги дов бермади. Катта йўл қолиб, сўқмоқдан кетди. Сойни ёқалаб тепаликка чиқди. Қийғос гуллаб турган шафтолизорга ўзини урди. Сой томондан сарин шабада эсарди, уни муаттар бўйларга кўмарди. Кўнгли ҳамон ғаш Диловар, эри йўғида келгани учун, Комилдан хафа эди. Лекин вужудида жўш уриб турган ғурур ва таъна: «Ҳа, ахир келар экансан-у», дегандек уни юпатар ва ширин туйғулар оғушида эркалар эди.

Диловар ҳовлига кириб, ишга чалғиб кетди. Райҳонларга сув қўйди. Супага жой солди. Киши келганини сезди шекилли, молхонада от ер депсиб кишнади.

Диловар ўт юлиб келиш учун боққа чиқди. Чиқдию юраги шиғ этиб кетди. Комил бугунги хатида ҳам, аввалгиларида ҳам: «Қоронғи тушиши билан боғда кутаман», деган эди. Диловарнинг хаёлида Комил боғнинг қаеридадир пусиб турибдию ҳозир лип этиб чиқиб, уни қучоқлаб оладигандек. Қўллари қалтиради. Апил-тапил бир кучоқ ўт юлиб, боғдан ура қочди. Курсиллатиб ўт чайнаётган от қошида узоқ туриб қолди. Отнинг ёлларини силади. Жонивор пишқириб уни қидлади. Кафтини ялади. Жувон ҳамон ўй сурарди...

Кўча томондаги поданинг дупури, қўй-қўзиларнинг маъраши, қўни-қўшниларнинг қий-чуви Диловарни ҳушига келтирди. У отхонадан чиқиб, айвондаги чироқни ёқди. Хонтахта устидаги бир коса мошхўрдага кўзи тушди. Қўшниси Санобар олиб чиққан. Эри тоққа кетганидан бери: «Бир ўзингизга қозон осиб нима қиласиз?» деб ҳали манти, ҳали ош ташийди. Билади, буларнинг ҳаммаси эрининг ҳурмати учун, негаки, Диловар бу ерда янги келин. Тушганига энди беш ой бўляпти.

Диловар хушхўр мошхўрдани яхши кўради. Лекин шу топда томоғидан ҳеч нарса ўтмас эди. У озқатнинг устини ёпиб уйга кирди. Барвақт бўлишига қарамай, ечиниб, ўзини каравотга ташлади. Ечинаётганда жакетининг чўнтагидан ерга тушган хатни олиб, ёстиғи остига тиқди. Атроф қуюқ зулмат пардасига чулғангунга қадар ҳам ухлаёлмади. Негадир юрагини қўрқув босди. Елкасига эрининг тўнини ташлаб ташқарига чиқди. Кўча эшигини танбалади. Йўл-йўлакай супа ёнидаги сада райҳонлардан юлиб келиб, ёстиғи ёнига қўйди. Каравотга чўзилди. Қўлларини ёйганча сочларини белига чўлғаб ётди. Ярим яланғоч дуркун гавдаси, бўртиб турган мармар кўкраклари эҳтиросдан лов-лов ёнди... Ниҳоят, секин туриб уй эшигини зичлаб ёпиб, калитини буради. Дераза олдига келиб боғ томонга қаради. Боғ томондан, оҳиста, ҳазин қўшиқ эшитиларди:

Гар жафо қил, гар вафоким,
дилистоним сен менинг...

Диловарнинг кўзларига ёш қалқди. Аста ўрнидан турди. Оқ шоҳи кўйлагини кийди. Эри совға қилган парча гулли рўмолни бошига ташлади. Секин-секин, ўтларни шитирлатиб, боғ этагига қараб юрди. Четан деворга яқинлашгач, шарпа сезиб, тўхтади. Наъматак бутасининг панасига ўтди. Ўзидан ўн қадамча нарида таниш чеҳрага кўзи тушди. Йигит четан деворнинг чўғир тиканларига ҳам парво қилмай, унга суяниб турарди. У ёнидан гугурт олиб, папирос тутатди. Чўғ шуъласида унинг юзи аниқ кўринди.

Диловарни ишқида куйдириб кул қилган — ўша йигит. Мана, энди, «Қулингман, умрбод қулингман», деб хат ёзибди. Сокин тунда бедор бўлиб бўзлаяпти. Қилмишларидан афсус чекиб нола қил-

А. ХОЛИҚОВ чизган

Ҳикоя

япти. Диловар ҳам бир вақтлар шундай дақиқаларнинг бир сониясига бутун ҳаётини бахш этишга тайёр эди... Қизиқ, чўлда чироққа интилган йўловчидек, умр бўйи шу йигитга интилиб келди. Лекин, йўловчи етиб келгач, чироққа ортиқ талпинмаганидек, у ҳам қозир хотиржам эди.

Диловарнинг хиёл қалтис ҳаракатидан наъматак гуллари дув тўкилди. Йигит тараддудга тушиб қолди. Дарров папиросини ташлади. Негадир чап кўксига қўлини қўйди ва аста ютиниб, йўталди.

Дилозар қимир этмас, кўзларини катта очиб йигитни кузатар эди.

— Диловар!

Йигит тоғ оҳусидек бир сакрадию, девор ошиб боққа тушди. Дилозар сесканди. Гангиб, буталарнинг ичкарироғига шўнғиди. Сон-саноқсиз игналар баданига санчилди. Лекин Диловар буни сезмас, икки ўрим сочини авайлаб кўксига босганича тек турар эди.

— Диловар...— йигит энтикиб унга интилди.

— Яқинлашманг!— деди Диловар ғайритабиий товушда. Уз овозидан ўзи чўчиб кетди ва:— Кетинг, ўтинаман...— деб оҳиста қўшиб қўйди.

— Йўқ, кетолмайман!

— Кечикдингиз!

Йигит бошини қуйи солиб, жим қолди. Булутларни ёриб ой кўтарилди. Қалтираб, унсиз энтикиб, телмуриб турган икки оташқалбнинг ҳолатини фош этмоқчидек, тиккага келиб тўхтади. Боядан бери аллақаерда сайраётган қуш ҳам тинди.

— Мени кечир, Диловар... Мен... катта гуноҳ қилдим...

Жавоб бўлмади. Йигит аста ингради. Енги билан пешанасини артиб, четанга суяниб қолди.

Атроф сокин. Қурт-қумурсқаларнинг чириллашию, олис-олисларда итларнинг увиллашигина атрофда ҳаёт мавжудлигини ёдга солиб турарди.

Йигит олдинга талпинди. Бироқ жойидан жилишга журъат этолмади. Юраги дов бермадими ёки ой шуъласида оққа беланиб, мағрур турган Диловарга ўзини нолойиқ кўрдими?..

— Мана охирги хатинг: «Мен Обиджонга турмушга чиқяпман. Лекин севгим сиз билан қолади», деб ёзгансан-ку?— Йигит илтижо билан Диловарга тикилди.

Жавоб бўлмади.

Йигит бутун умиди шу хатдаю, унинг қатларини ёйиб, ўқиб бермоқчидек, Диловар томон юрди.

— Яқинлашманг...— дея шивирлади Диловар.

Яна буталар ичига чекинди. Йигит қўлидаги хатни парча-парча қилиб йиртиб ташлади. Оҳиста изтироб билан сўради:

— Диловар, жоним, севмасдан туриб бахтли бўлиш мумкинми?

— Мен сизни севдим, лекин бахтли бўлолмадим...

Яна наъматак гуллари дув тўкилди. Диловарнинг ёш томчилари ювган оппоқ юзига гул япроқлари қўнди.

— Ҳа...— деди йигит бир оз жимликдан сўнг. Унинг овози қалтирарди.— Ҳа, ҳаммасига мен айбдорман. Сендан айрилиб, ўша қизни севдим деёлмайман, у севги эмас, ҳавас экан...

— Уша ҳавас жуда қимматга тушди,— деди Диловар ўзи-ўзига гапираётгандек аста,— сизга ҳам, менга ҳам... Хайр!..

— Йўқ-йўқ, ҳали ҳам кеч эмас!— Йигит Диловарни буталар орасидан олиб чиқди. Қўлларидан маҳкам ушлади. Дилозарнинг кўзларида учқун чақнади. Бу ўткир, ғазабнок учқунлар йигитни эсанкиратди. У бўшашиб Диловарнинг момиқ қўлларини қўйиб юборди.

— Кечикдингиз...— деди Диловар ва ўгирилиб, аста кета бошлади,— хайр...

— Кутаман! Эртага, албатта, кутаман!— деди йигит унинг ортидан ва узоқ қараб қолди.

Диловар юриб эмас, сузиб кетаётгандек эди. Йигит наъматак бутасини қарс этиб синдирди. Бармоқларига игнаси ботиб кетгунча уни сиқиб турди. Сўнг дахшат билан ингради. Диловар сесканиб, кўркувданми, аламданми бир зум тўхтади. Аммо ўгирилмади. Унинг елкалари титрагани йигит аниқ кўрди.

... Диловар уйга кирдию узоқ туриб қолди. Сўнг эти увишгандек бўлди, қалтиради. Судралиб ойна олдига борди. Мармар юзларида, оҳу кўзларида, тарам-тарам ёноқларида, ол дудоқларида ёшлиги, қизлиги билан бўлган учрашувнинг аксини кўрди. Чеҳраси сўлғин, кўзлари маъюс, лаблари эҳтиросдан гул баргидек титраб турарди. У қалб тўлқинини босолмас, вужуди ғалаёнда эди.

«Эртага, албатта, кутаман!»— қулоғи тагида йигит сўзлари янгради. Диловар сергакланди. Тўзғиган сочини боши узра чамбарак қилди. Сандиқни очиб, иссиқ кофтасини олиб кийди. Деразадан боғ томонга қаради. Ой ҳам яна булутлар ортига яширинибди. Ташқари зимзиё. Диловар бир варақ қоғоз олиб, хонтахта ёнига чўккалади.

«Комилжон ака, севмасдан туриб бахтли бўлиш мумкинми?» дедингиз. Ҳа, мен бахтлиман. Эримнинг менга чуқур муҳаббати борлигини ҳар дақиқа ҳис қилиб турганим учун ҳам бахтлиман. Мен бир кимсанинг вафодор хотиниман. Ула-ўлгунимча вафодор бўлиб қоламан. Ҳа, гарчанд севгим сиз билан қолса ҳам, умр йўлида то абад эрим билан бўламан. «Мен, эримни севишим керак»— ҳар дақиқа, ҳар сония ўзимга-ўзим шундай деб илтижо қиламан. Чунки у катта, улкан севгига лойиқ инсон. Мен вафодор хотин бўлганим учун ҳам, чин инсонни севишим керак бўлгани учун ҳам бахтлиман».

Диловар хатни тўрт буклаб боққа чиқди. Наъматак бутасини адашмай топди-да, хатни қистирди.

Диловар мулойим ўтларни босиб, боғдан чиқди. Ҳовлининг заранг ерига етгандагина алангоёқ эканлигини англади. Айвонда туфлисини кийди, чироқни ўчирди. Шу топда кўнглига тасалли берувчи бир нима излар, катта ҳовлига, йўқ, бутун қишлоққа сиғмай жўш ураётган туғёнига ҳамдам бўладиган, қалбига ишонч, қатъият бахш эта оладиган энг яқин, меҳрибон кишиси ёнида бўлишни орзу қилар эди.

У отни эгарлади. Чавандозлардек отга чаққон миндию тоғ томон елдириб кетди. От устида қалқиб-қалқиб борар экан, негадир ўзини жуда енгил ҳис қилар, бундан бир неча дақиқа илгари ҳукм сурган ҳис-туйғулар, иккиланишлар ортда, жуда олисда қолган эди. У масрур эди.

Севикли зри томон ошиқаётган аёлнинг йўлларини ёритиш учун яна ой мўралади. Яна таниш қоялар, равон йўл аниқ кўринди. Гўё ой фонусини кўтариб Диловар билан ёнма-ён борар, салқин ел унинг меҳру вафодан балқиган юзкўзларини сийпалар, чечаклар эса анвойи, муаттар бўйлар таратиб унга пешвоз эди.

Уйлаб топган тадбиридан Диловарнинг кўнгли таскин топгандек бўлдию қулоғида «муҳаббатсиз бахтли бўлиш мумкинми?» деган овоз ҳамон янграрди...

Тамилла ҚОСИМОВА

Таклифлар, истаклар

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Халқ усталари бунёд этган кўркам саройлар, мақбаралар, зиёратгоҳлар асрлар оша кўзларни қувонтириб келмоқда. «Занжир» деб аталувчи унча мураккаб бўлмаган геометрик элементлардан ташкил топган гулдор энсиз ҳошия, шарафа усулидаги девор суратлари, токча ёки тахмонлар четига ўйиб ишланган ганч нақшлар шулар жумласидандир.

Ҳозирги вақтда ҳам ганч ўймакорлигидан жамоат биноларини безашда кенг фойдаланилмоқда. В. И. Ленин музейи филиали биносини олайлик. У республикамиз пойтахти ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Ана шу муҳташам қасрда томошабин ганчга ўйилган гулларни кўриб, усталарнинг санъатига қойил қолади. Ундаги нафис безаклар меъморчилик санъатимизнинг бойлиги ва камолотининг тимсолидир. Нафис ганч гулларга тикилар экансиз, ундан баҳор нафаси уфураётгандек туюлади. Деворларга худди олма гуллари сочиб юборилгандек. Меъморчилик санъатининг мўжизаси ҳам шунда! Дарҳақиқат, музей Ўзбекистоннинг бир бўлаги. Музей биносига зеб берган машҳур наққош уста Маҳмуд Усмонов ижоди гўзалликни мадҳ этувчи қўшиқдек янграйди.

Мамлакатимизда неча асрлар муқаддам авлодларимизнинг ақл-идроки ва маҳорати билан яратилган ажойиб маданият, меъморчилик дурдоналарини сақлашга катта аҳамият берилмоқда. 1918 йил 5 октябрда Владимир Ильич Ленин барча маданият ва санъат ёдгорликларини ҳисобга олиш, давлат муҳофазасига ўтказиш ҳақидаги декретга имзо чеккан эди.

Шу декрет асосида сақланиб қолган Тошкентдаги Шайхантоҳур ансамблини кўпчилик билади. Халқимизнинг ажойиб ёдгорлик обидаларидан бири бўлган бу иншоот XIV асрдан бери одамларнинг диққатини жалб қилиб келмоқда. Ҳозир 4-Давлат лойиҳа институтида тайёрланган лойиҳага кўра Шайхантоҳур ёдгорликларини бузиб, унинг ўрнида ремонт устахоналари қуриш мўлжалланган. Яхши ўйламай, кенгашмай бу ансамблни шошма-шошарлик билан бузиш хато бўлмасмикан! Бузиш осон, қуриш қийин. Шайхантоҳур ансамблидаги нодир ёдгорликлар келгусида бу ерда замонавий архитектура услубида қурриладиган Ижодий союзлар уйига ҳусн қўшар, архитектурамизни бойитишга хизмат қилар, деб ўйлаган эдик.

Шаҳримиз кўча ва хиёбонларини ободонлаштиришда бадиий ҳайкал, фонтанлардан жуда кам фойдаланилмоқда. Гоҳо майдон ва хиёбонларда ўша жойга мос келмайдиган иншоотлар қурилмоқда. Масалан, Комсомол майдони жуда кенг, кўркам. Ёзнинг иссиқ кунларида фаввора атрофида ўтириб, дам олиш мумкин. Бироқ майдон бутунлай асфальтланган, атрофидан транспорт тўхтовсиз қатнаб туради. Кишилар дам олиш ўрнига бу ердан чарчаб, асабларн задаланиб қайтадилар. Агар майдон асосан транспорт айланиши учун қурилган бўлса, у ҳолда бу ерда фонтаннинг нима кераги бор!

Қурилиш ишларини маълум норма ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда тўғри лойиҳалаш билан бир қаторда қурилган иншоотларнинг иссиқ-совуққа бардош беришини ҳам ўйлаб кўриш зарур. Афсуски, қурилиш тажрибасида бу талабларга кўпинча риоя қилинмайди. Навоий номидаги Адабиёт музейи олдидаги «Шоирлар хиёбони»га қиш фаслида бориб қолсангиз, у ердаги ҳайкалларни кўриб, ҳайрон қоласиз. Чунки «совуқ уриб кетмаслиги» учун ҳайкаллар брезент ғилоф билан ўраб-чирмаб қўйилади. Ахир, фойдаланишга топширилган объектларни йилнинг ҳамма фаслларига бардош берадиган қилиб қуриш мумкин-ку!

Яна бир истак. Шаҳримизда қурилган йирик объектларга қадимий анъана бўйича уни бунёд этган архитекторлар, инженерлар ва қурувчиларнинг номи битиб қўйилса яхши бўларди. Шундай қилинганда лойиҳани тайёрлаган архитекторлар ҳам, қурган бинокорлар ҳам масъулият сезишар, лойиҳанинг пухта ва тўғри тузилишига, қурилган бинонинг чиройли ва мустаҳкам бўлишига ҳаракат қилишар эди.

Шукрулло УБАЙДУЛЛАЕВ,
архитектор

ШАҲАР АҲОЛИСИГА

Ўтган йилнинг ёз ойларида Фарғона областининг Ўзбекистон районига борганимда, у ерда меванинг ҳамма турлари бошқа жойлардагига қараганда мўл-кўл етиштирилаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Колхоз ёки совхоз боғларида, колхоз аъзолари ва совхоз ишчиларининг томорқаларида узуму шафтоли, беҳию олмалар шундай мўл ҳосил берибдики, боғбонлар шошиб қолишибди.

Бир хонадонда шундай бир кўнгилсиз воқеанинг шоҳиди бўлдим. Боғбоннинг эллик тупча шафтолиси ғарқ пишган экан, уни бозорга чиқариб сотиш учун икки кунча транспорт ахтарди. Ниҳоят, колхоздан машина олиб, икки ярим тоннача шафтолини ортиб, катта ўғли билан жўнаб кетди. Уч кундан сўнг ота-бола лаблунжи осилиб, қайтиб келишди.

— Тинчликми, дадаси!— деб ташвишланиб сўради уй бекаси.

— Бурунгилар: «Шафтолидан боғ қилма», деб бежиз айтишмэган экан,— деди чол.

— Нима бўлди ахир!

— Икки кун Қўқон бозорида ўтирдик, шафтоли ёғилиб кетибди, биров нима олиб келдинг, деб сўрамайди. Яна машина кира қилиб, Исфарага жўнадик. Шафтоли ириб қолган экан, яна биров сўрамади. Ҳаммасини Исфаранинг катта сойига агдариб келяпмиз.

Кекса деҳқон эртасига шафтоли дарахтларини кесиб ташлади.

Бир неча кун ўтгач, мен Ғафур Ғулом номидаги колхоз территориясига жойлашган Қўқон вино заводи филиалида ҳам шунга ўхшаш кўнгилсиз воқеаларни кўрдим. Вино заводи ҳовлисида узун тўла яшиклар, катта савату бочкалар қалашиб кетибди. Боғбонлар узум топшириш учун икки-уч кунлаб навбат кутишаётган экан. Узумлар ириб, сув бўлиб оқиб ётибди.

— Ўтган йили кесиб ташламоқчи эдим бу токларни...

— Ток ўрнига шолғом экқан ҳам маъқул бўлиб қолди.

— Зора омадимиз келиб бугун қабул қилишса...

Маълум бўлишича, бу кичкинагина завод узум қабул қилиш йиллик планини аллақачон бажариб қўйибди. Қўқон ёки бошқа заводлар қўшимча қабул учун идиш юборишса, узум олинаркан.

Боғбонларнинг манглай тери билан етиштирилган ширин-шакар мевалар шу йўсинда нест-нобуд бўлаётганлигини кўриб ачиниб кетдик.

Наҳотки, ана шу хўжаликларда етиштирилаётган меваларнинг ортиқчасини қабул қилиб, холодильникларда сақлаш ёки консервалар тайёрлаш мумкин бўлмаса! Масалан, Ўзбекистон районидаги Ғаниобод совхози ёки Ғафур Ғулом номидаги колхоз территориясида консерва заводи қурилса, халқ ҳам, давлат ҳам жуда катта манфаат кўрган бўларди.

Шаҳарлардаги колхоз бозорлари қошида колхоз ва совхозларнинг махсус дўконлари бор. Хўжаликларга ўзларида етиштирилаётган мева ва сабзавотнинг ортиқча қисмини шу дўконларга чиқариб сотиш ҳуқуқи берилган. Аммо колхозчи ва ишчиларнинг томорқаларидаги ортиқча мева ва сабзавотни ташкилий равишда сотиш ҳали уюштирилмаган. Бу ишни бозоркомлар зиммасига юклаш, олис қишлоқларга муайян нарх-наво асосида, транспорт юбортириш мумкин эмасми! Бу тадбир чайқовчиларнинг йўлини анча тўсган бўлар эди. Колхоз бозорлари қошида транспорт ташкил қилишнинг яна бир афзаллиги шундаки, республика шаҳар ва қишлоқларини мева билан бир хилда таъминлаш имконияти туғиладн, бундан колхозчи ҳам, шаҳар аҳолиси ҳам тенг манфаат кўради. Ахир, Фарғонада мевалар ғарқ пишиб ётган бир вақтда Олмалиқ ёки Оҳангарон сингари саноат шаҳарларида мевалар тансиқ бўлиши ҳеч кимга сир эмас-ку!

Ўзбекистон ССР Савдо ва Таъёрлов министрликлари бу тўғрида атрофлича мулоҳаза юритиб, конкрет тадбирлар белгиласалар, кўпчиликнинг кўнгилидаги иш бўлар эди.

Раҳим УСМОНОВ,
Улуғбек номидаги Фарғона Давлат Педагогика институтининг катта ўқитувчиси

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Венгрия халқ республикасининг Сегед университети кибернетика лабораториясида шофёрнинг қанчалик чарчашини аниқлайдиган ускуна яратилди. Ҳайдовчи машинада кетаётиб мудрагудек бўлса, ускуна огоҳлантириб, сигнал беради. Бордию шофёр шунда ҳам сергак тортмаса, уснуна двигателдаги ўт олдиргични ўчиради: машина ўз-ўзидан тўхтаб қолади.

* * *

Халқ ўртасида шундай афсона бор: Ҳиндистоннинг шимолида Етти ажал водийси бўлиб, борган одам қайтиб келмас эмиш. Илмий экспедиция бу афсонада ҳақиқат борлигини тасдиқлаб, ҳукуматга ахборот топширди. Текширилган водийда заҳарли илонларнинг ўрдаларию турли заҳарли ўтлар нўл экан. Бундан ташқари, ўзидан кўтарилган буғ — газ билан бутун водийни заҳарлайдиган нўл бор экан.

* * *

Америкалик олим С. Велкиншоу ўттиз хил экинда ой тупроғининг таъсирини синаб кўрди. Масалан, тамаки, салат ой тупроғи билан чанглантирилганда тез авж олгани маълум бўлди; сув ўлани билан ботқоқ қарағайининг ўсиши эса, аксинча, секинлашгани аниқланди.

* * *

Узунтумшуқ қўнғизча деҳқончилигининг бошига битган бир офат. Унга қарши нурашда унчамунча кимёвий заҳарли моддаларнинг ҳам фойдаси кам.

Фанда: «Душманларимизнинг душмани — дўстларимиздир», деган таъбир бор. Биолог олимлар шу удумга амал қилиб Европа арилари узунтумшуқ қўнғизчаларнинг кушандаси эканини аниқладилар. Бундай ариларнинг беш хили мавжуд бўлиб, бедага тушадиган 90 процент узунтумшуқ қўнғизчаларни қириб ташларкан. Арининг бир тури йирикларини еса, бошқа хили уларнинг тухуми ёки ғумбакчасини ер экан.

* * *

Калифорнияда яқинда камдан-кам учрайдиган тўй бўлди. Уша куни америкалик Ж. Хатни деган кишининг бирдан-нига тўртта қизи никоҳдан ўтди.

Ойдин
ҲОЖИЕВА

Олчазорни кезганда

Улуғ Ватан

1941—1945

Дарахтлар, жасадлар, бинолар кули
Уюм-уюм ётган ташландиқ ичра,
Урмонлар каккуси, боғлар булбули
Узин урган пана-пастқамлик ичра —
Бағрига тош ботиб, йўл очган ирмоқ:
«Улуғ Ватан» дея чалди қўнғироқ.

Кеч куз кунларидай тунд хонадонлар,
Тушлар пала-партиш, безовта юрак,
Тиззага етганда барги хазонлар,
Оқар сув ўрнини тутганда кўлмак,
Хазондан нарида ёлғиз қизғалдоқ
«Улуғ Ватан» дея товланди порлоқ.

Парча-парча бўлиб кетган ғишт ўчоқ,
От кишнаши тинган отхоналар ҳам,
Кимсасиз ҳовлида гўдак мўлтироқ
Қора тердан кўзи ачишгани дам
Унинг нигоҳига сиғмаган сўроқ
«Улуғ Ватан» бўлиб чақарди чақмоқ.

Отни эгарлади кенжатойи ҳам...
Йўллар гард-гард бўлиб интиқ қолганда,
Унга кўз тикканда бутун бир олам,
Йўлга қарайвериб кўзи толганда —
Онага сабрни ўргатди тупроқ,
Ватан туйғуси-ла енгилди фироқ.

Она юртим, дея тикдию жонин,
Дўзах азобида қолдию, бироқ —
Қилт этмади унинг идрок-имони:
Зоями илондай бўғганда сиртмоқ,
Сўнгги нафасидан қуш бўлиб сайроқ —
«Улуғ Ватан» сўзи учди ўша чоқ.

Оқарган сочларга урилди тароқ,
Хаста бағирларга ҳам тегди шамол.
Кўмилган йўлларга тушди илк оёқ,
Чилдирмалар ўтда қизиди беҳол:
Орзиқиб кутилган тўйларда қувноқ,
«Улуғ Ватан», дея ёқдилар чироқ.

Тобут тепасида, бешик бошида,
Тоқ бўлиб юртига қайтган изларда;
Ҳижрон хунобида, севинч ёшида,
Умиддан чақнаган қора кўзларда —
Мангу рўшноликни ҳис этганч чоқ
Улуғ Ватан қайта туғилди, ўртоқ!

Узун сочлар

У узун сочларин ўтганда ташлаб,
Қизлар ҳавас билан «қаранг» десалар;
Сўник нигоҳлари ғурурдан яшнаб,
Дуо қилишарди уни кексалар.

Ёстиғин қуритди уруш, сўлди гул,
Битта қора хат-ла умри янчилди.
Тунлари болиши бўлди жиққа ҳўл,
Сочлари игналар каби санчилди.

Оналар аламдан ёка ушларди,
Оталар бош эгиб турарди қарахт...
«Соч ҳам — қизга давлат»,— деб қўйишарди,
Узун сочлар унга беролмади бахт!

* * *

Сўлим бир манзара, сўлим бир ҳаво
Туйғулар тошади мисоли дарё,
Поёнсиз ёғдуга чулғанар дунё!
Бу — кунлар ҳиммати осмонлигидан!

Кўнгилга хуш ёқар райҳон уфори,
Мавжланар рангларнинг чин бегубори,
Яйратди чаманнинг гули-гулнори,
Кўзлар қамашгуси алвонлигидан.

Олучазор бўйлаб кезган чоғларда,
Узни боғбон каби сезган чоғларда,
Қўша-қўша олча узган чоғларда
Тишлар қамашгуси нордонлигидан.

Оналар сўзини тингласангиз гоҳ,
Дил тўла энтикиш, ҳаяжон, титроқ:
Келин туширай, деб тоқатлари тоқ...
Диллар ёришгуси шодонлигидан.

Суҳбатим қўмсаган дугоналар деб,
Меҳру садоқатда ягоналар деб,
Салом-ла ўтилган остоналар деб,
Ким куйламас бахтга шоёнлигидан!

Сен борки

Сен борки, ғоятда сулув бу ҳаёт,
Азиздир бу неъмат, бу насиба — нон.
Сен борки, орзумдан орзулар бунёд
Олманинг нопармон гулидай ғужғон...
Яшамоқ!
Осмонга етади бошим
Бу оддий меҳнаткаш сўз қудратидан,
Кўзимдан тирқирар севинчим — ёшим
Қуёш анқиб турган дунё бахтидан.

Сен борки, чаккамга тақаман райҳон,
Кўзларим сурмадан ёнар тун мисол.
Пайваста қошимда ўсмалар гардон,
Севиб ўраганим ҳил-ҳила рўмол.

Сен менинг рағбатим, тоби-тоқатим,
Меҳри уммонимсан кўпириб тошган.
Севгимсан, умримнинг олтин фурсати,
Сендан ҳеч жудолик тушмасин бошга.

Сендан ҳеч жудолик тушмасин бошга,
Муҳаббат хазони рўй бермасин ҳеч.
Мавжудлик бошқа-ю яшамоқ бошқа,
Яшаш — бу ишқ бўлиб жавлон урган куч!

Уша куч тўлишиб, тиниқиб, қалбни —
Оташин айласин, бахш этсин сабот.
Она-ерни севган оталар каби
Сиғиниб ўтайлик унга умрбод.

Яшамоқ! Осмонга етади бошим,
Бу оддий, меҳнаткаш сўз қудратидан.
Кўзимда тирқирар севинчим — ёшим
Қуёш анқиб турган дунё бахтидан!

Тошҳовли

I

Қирқтагина қорақош
Ҳам сингилу ҳам кундош,
Фол очарди — кўзда ёш,
Сўз демасди Тошҳовли.

Кун ёйилса ҳар саҳар
Кўнгил учун дилбарлар
Қўшиқ айтди сарбасар,
Сўз демасди Тошҳовли.

Қизлар унга кўрк эди,
Тушларида эрк эди,
Дарвозаси берк эди,
Тошдай қотди Тошҳовли.

II

Тошҳовлида қанча туйғулар
Зулмат ичра ётди кўп замон.
Дарвозаси ланг очиқ турар
Бугун нурга боққанча ҳайрон.

Унда — тошга айланган армон,
Унда — тошга айланган бардош...
Ғарқ бўларди бу ёруғ жаҳон
Эриб кетса ундаги кўз ёш!

ИНТИЛИШ

Табиийки, гўзал, жозибали, ранг-баранг оҳанг кашф этиш, асрининг илғор ғояларини, замонасининг муҳим воқеаларини, лирик қаҳрамоннинг гражданлик туйғулари ва ички кечинмаларини ана шу оҳангларда куйлай олиш ҳар бир ижодкордан зўр истеъдод талаб қилади. Олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида шеъриятимизга кириб келган Ойдин Ҳожиева келажагига умид билан қараса бўладиган ана шундай ёш шоиралардан биридир. Ойдин шеърларида ўзбек қишлоғи ҳаётининг рангин манзаралари, ўзбек қизлари, аёлларининг маънавий олами, улар қалбининг садолари ўзига хос оҳангларда янграйди:

Осмонда ҳалқа мисол
Турналарнинг тизими.
Ялпиз ҳидли шўх шамол
Чимдир ҳовуз юзини...

Бу парчада атиги етти-саккиз сўз ишлатилган. Лекин ундаги манзара кўп сатрли айрим шеърлардагига қараганда ёрқинроқ, равшанроқ акс этади, ҳатто жонланади, моддийлашади, дейиш мумкин. Чунки китобхон кўкдаги турналар парвозию ҳовуздаги сувнинг мавжини яққол кўради. Энди Ойдиннинг «Орзу ҳақида» шеъридаги оҳангга қулоқ солайлик.

Кашф этди уни ким,
Илк бора, илк бора?
Илинжида кўнглим
Овора, овора...

Бу сатрлардаги гўзаллик сири уч нарсанинг: лирик қаҳрамон руҳий ҳолати — мазмуннинг шаклга ва ҳар иккисининг шоира танлаган оҳангга мутаносиблигидадир. Фақат ана шу мутаносиблик туфайлигина сўзлар қаҳрамон ички дунёсини кашф этадиган шеърга айлана олади. Бироқ, Ойдиннинг ҳамма шеърлари ҳам шундай эмас. Масалан, шоиранинг «Кўнгил узгим келмайди» шеъридаги оҳанг яхши. Лекин мазмунни янги ва чуқур, деб бўлмайди. «Агар севсанг...» шеърида ҳам шундай ҳолни кўрамиз:

Севсанг агар сеҳрим-ла
Бошинг чулғаб оламан.
Юрагингга муҳаббат
Зилзиласин соламан...

Сен ҳаётбахш бўлолсанг,
Вафода тенгсиз қизман.
Аҳди йўқ, бебурд эсанг,
Жафодай аёвсизман...

Мусиқий сатрлар. Лекин маъноси жуда оддий, ҳатто жўн, дейиш мумкин. Бутун бошли шеърни овора қилган шоира атиги: «Севсанг — севаман, севмасанг — севмайман», демоқчи.

Ойдиннинг «Кафтимдаги уч чизиқ», «Келишинг истадим...», «Манзиллар» каби шеърларида ҳам латифлик, оҳангдорлик, жозиба етишмайди. «Келажагимга» шеърида эса шоиранинг келажак ва ўтмиш каби терен тушунчаларни енгил, рангсиз идрок этган пайтларидаги кайфиятини кўрамиз. Бу шеърда «Ўтмиш куним йўлдан соқит, кўзгудаги аниқ фол» каби мисралар борки, уларда ўтмиш, бугун ва келажак бир-бирига қарши қўйилади. Ҳолбуки, бугунги кун осмондан тушмаган, ўтмишдан яралган, келажак эса бугунги кундан яралади.

Шоира табиатидаги майинлик ва тиниқликка зид бўлган бундай ўринларни кўрсатиб ўтишдан мақсадимиз унинг бадиий кашфиётлар сари мураккаб йўлдан бораётганлигини таъкидлашдир. Шуниси қувончлики, бундай тизмалар Ойдин ижодининг асосий йўналишини белгиламайди. Аксинча, унинг кўпчилик шеърларида ҳаёт ҳоди-

саларига чуқур, ўзига хос нигоҳни, романтик оҳангларни, бўёқларнинг ранг-баранглигини, жозибали миллий характерлар яратишга интилишни кўрамиз. «Сафар балладаси», «Онам севган қўшиқ», «Лов этди бир учқун зимзиё тунда», «Қор ёғар...» каби шеърлари ана шундай фазилатлари билан ажралиб туради. Унинг шеърларида кўпинча халқ қўшиқларидаги нозиклик, ўйноқилик акс этади:

Йигит, қаҳрингиз кўп ёмон,
Қаҳратоннинг заҳридай!
Ер олдида омон-омон,
Титрагайсиз сув баргидай...

Халқ ижодига чуқур муҳаббат билан қараб, бу ижод чашмасидан баҳра олиш Ойдин достонларининг ҳам ҳуснига-ҳусн қўшади. Унинг биринчи достони — «Келинчак» ўзининг гуманистик пафоси, миллий колорити, мусиқийлиги билан диққатга моликдир. Ойдин достонида коммунист замондошимиз характери чуқур меҳр-муҳаббат билан чизилган. Асар сюжети ҳам анча пухта ишланган. Катта коллектив хўжаликнинг ёш раҳбари, райса жувон райкомда партия сафига қабул қилинар экан, улкан ижтимоий ишлар ҳақида тошиб гапирадию шахсий ҳаёти ҳақидаги сўроққа жавоб беролмай, лол қолади. Шоира қаҳрамоннинг маънавий оламини чуқур ҳис этиб, унинг ҳаётидаги драматик ҳолатларни табиий, лирик бўёқларда тасвирлайди. У жамият ва айрим шахс муносабатларида уйғунликни, ҳамоҳанглиқни кўришни истайди.

Орзихон ҳаётидаги драматизмнинг икки асоси бор; биринчиси — қаҳрамон табиатининг ўзидан келиб чиқади. Орзихон келинликнинг дастлабки кунлари эри Пўлатга лоқайд қараган бўлса, уни қаттиқ севиб қолганини фронтдан қора хат келганидан кейин англаб, изтиробда ёнади. Бу ерда Ойдин муҳаббатнинг янги қиррэларини оригинал талқин қилади. Иккинчи асос — жамият ҳаётидан келиб чиққан драматизм ҳам қаҳрамон характерининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Ёшлигида ҳатто «гўдакка ҳам тик боқолмайдиган», «ипакдай эшилган» Орзихон бутунлай ўзгариб, аламини меҳнатдан олади, талабчан ва ишбилармон раҳбарга айланади. Ижтимоий ҳаётда унга ҳамма ҳавас қилади. Лекин:

Булбулнинг хониши — гул учун ёлғиз,
Еллар учунгина толлар шивири,
Севганига атаб, кашта тикар қиз...
Фақат... тенг сочилар қуёшнинг нури.

Шоира поэтик бўёқлар ёрдамида ҳаёт ҳақиқатини ана шундай англатади. Достоннинг турли бобларида шоиранинг шаклий изланишларини ва бу борадаги ютуқларини кўрамиз. Достон бобларининг вазнлари худди ҳаётнинг ўзидай рангбаранг: гоҳ вазмин, гоҳ ўйноқи, гоҳ қувноқ, гоҳ ғамгин. Асарда:

Бу йўлда қолади ё бир кафт ҳокинг,
Ё бўлиб қолярсан сен марди майдон.—

каби вазмин мисралар кетидан:

Сутдайин тиниқ кеча,
Шабада кезар гирён,

каби қўшиқдагидек ўйноқи вазнларни кўрамиз.

Хуллас, «Келинчак» достони мазмунан теранлиги, композицион пишиқлиги, чиройли ташбеҳларга, фалсафий мушоҳадаларга бойлиги билан ҳам эътиборга сазовордир.

Ойдиннинг иккинчи йирик асари — «Ҳаётга таъзим», гарчи шоиранинг аввалги достони даражасида бўлмаса-да, ҳар ҳолда ўзига хос тиниқ оҳангларга, гуманистик эҳтиросларга бойлиги билан диққатни тортади. Шоира достонда жонажон халқи фарзандларининг инсоний фазилатларини, одамийлигини куйлайди. Бундай одамлар бор экан, турмуш гирдобида қирғоққа улоқтирилган ёлғиз етим ҳам бахтини топиши мумкин, деган ғояни очишга интилади. Шоира асар қаҳрамони Зиёда образида замондошларимизнинг энг яхши хислатларини мужассамлаштиради. Қаҳрамон портрети ҳам жонли, равшан бўёқларда чизилади. Ойдин достонда яна муҳаббат, ишқ мавзуига қайтади. Табиийки, унда мавзу аввалги достондагидан ўзгача талқин этилади. Ишқ — бахтсизликка барҳам берувчи, сўлиётган ниҳолларни яшнатувчи куч тарзида тасвирланади.

Унинг «Улуғ Ватан (1941—1945)», «Тошҳовли», «Сен борки...» каби шеърларида яна ўша таниш, латиф, жозибали оҳангларни, шоиранинг ўзига хос овозини, теран мушоҳадаларини, айни пайтда, унинг ижодида ижтимоий оҳангнинг баландроқ пардага кўтарилаётганлигини кўрамиз.

Маҳкам МАҲМУДОВ

Дўстлик йиллари чийрак

Вячеслав КОСТИРЯ

Галя Плохова аэропорт автобусидан тушаркан, дастлаб ўз кўзларига ишонмади: бутунлай нотаниш Каунасда яқин таниш унинг ёнидан шахдам қадам ташлаб ўтиб борарди.

— Виолетта!— деб қичқирди Галя. Бироқ унга Виолетта ёнидаги бошқа қизлар қайрилиб қарашар эди: бу ерда Виолеттадан кўп шекилли.

— Ҳой, Виля! Виля Сцибараускене!..— Галянинг овози баландроқ ва қатъийроқ жаранглади, таниш қиз тўсатдан тўхтади.

— Мени чақирянсизми!— кўрсаткич бармоғини кўксига қўйганича, ажабланиб сўради қиз.

Виля уни таниёлмади. Бундан бир йилгина аввал литвалик қиз Фарғонадаги кимёвий тола заводида ип йигирув машиналарини маҳорат билан бошқарар, Галя эса ишчи дугоналари билан унинг изидан юриб, Виляннинг ҳар бир ҳаракатини завқ билан кузатар эди.

— Мен Фарғонадан келдим, заводдан...— гўё кечирим сўрагандек изоҳ берди Галя ийманибгина.

Бу гап пароль каби янгради.

— Фарғонадан!!— шошиб сўради Виля.— Фарғонанинг ўзидан-а! Нега дарҳол: «Мен Фарғонаданман!» деб қичқирмадинг! Қани, кетдик! Уйга борамиз!

— Мен командировкага келган эдим, меҳмонхонага жойлашдим.

— Майли. Фарғонача расм: меҳмоннинг истаги — мезбон учун қонун. Шундайми!.. Меҳмонхонага борамиз, лекин, йўл-йўлакай бизникига кириб ўтамиз.

Литва кимёгарлари билан фарғоналиклар — бугунги сунъий тола усталари ўртасидаги ҳамкорлик, дўстлик бир неча йил аввал бошланган эди. Фарғонадаги бу улкан завод қурилишини бошқарган Ҳамид Умарович Муҳамедовнинг ўзи суҳбатда корхонани йўлга қўйишда жон-дили билан ёрдам берган литвалик касбдошлари — Каунас заводининг бош механиги Алгимантас Косто Ушкурнис, ўша заводнинг бош инженери Йозес Йозе Лазаускас, ишчи аёллар — Регина Дзедуленте, Данутэ Григортайте каби мутахассисларнинг номларини миннатдорлик билан тилга олишни унутмади.

Қиргули. Фарғонадан бир неча километр нарида ястаниб ётган биёбон. Унга «Қиргули» деган оҳангдор номни ким берди экан! Эҳтимол, бу номни ҳазиллашиб қўйишгандир. Аммо хаёл ҳақиқатга айланди. Ҳозир завод корпуси ўнлаб гектар майдонни эгаллаган, ҳаммаёқ гулзор, бирор цехга тажрибали ҳамроҳсиз, чунончи, технологик жараёнларнинг билимдони Татьяна Гаагсиз кирсангиз, қатор-қатор машиналар ва кўп қаватли агрегатлар орасида адашиб қолишингиз муқаррар. Бу корхонада икки ярим минг ишчи меҳнат қилиб, йилига 5 минг тонна кимёвий тола ишлаб чиқармоқда. Яқин келажакда заводнинг учинчи навбати, триацетат ипак корхонаси ишга туширилади. Келажакда Фарғона заводи йилига 30 минг тоннадан ортиқ сунъий ипак тола берадиган улкан корхонага айланади.

Йигирув цехидамиз. Бу —фильерлар, тешиклари микронга тенг кичик диаметрли ярим цилиндрлардир. Ҳар бир машинада юздан шундай цилиндр жой олган. Уч метрли шахта қудуғига жуда ингичка оқим тарзида шиддат билан ўтаётган омухта модда мана шу фильер тешикларидан оқилиб чиқади ва қизиган ҳавода ипак толага айланади.

Шуниси ажойибки, фильерлар қопқоғини очишинг билан ҳеч нарсани илғаёлмайсан, ҳосил бўлган толалар шу қадар нозик. Шаклланган толалар пастга, минутига ярим километр тезликда оқиб, ғалтакларга ўралади. Сўнгра бу ғалтаклар йигирув машиналарига ўрнатилади, толалар қайта-қайта йигирилиб ва янгидан ўралиб такрор пишитилиб, чийранланади. Танда цехида ипак тола тўрт юзга яқин кондицион ғалтакка бир вақтнинг ўзида ўралади. Ҳар бир ғалтакнинг оғирлиги 17 килограмм. Бу толалардан чиройли газламалар тайёрланади.

Фарғона заводининг ип йигирувчиси Зина Самусенко билан суҳбатлашмоқдамиз. Таржима ҳолининг ҳар лавҳасида улуғ Советлар мамлакати граждани-нинг улкан ҳаёти акс этади. Зина 1948 йилда Смоленск яқинидаги қишлоқда туғилган. Бу ерда еттинчилик мактабни тамомлаб, Свердловскдаги тикувчилик билим юртига, ке-

Фарғона Сунъий ипак тола заводининг ишчиси Мавлуда Маматова пишитган бу толаларидан ҳарир шоҳи тўқилади.

нда қўйиш машиналари цехи заводнинг юраги ҳисобланади.

Сония Ажисмалова қўйган тандалар бенуқсон.

Тўқиш цехининг калаваловчиси Маҳфуза Йўлдошева замонавий техникани пухта эгаллаган.

Саралаш цехининг ишчилари Лиза Эпп билан Аня Кучмистова завод маркасини кўз қорачиғидек асрайдилар.



Калаваловчи Ҳамро Ғафурова ишлаб чиқариш сирини маҳорат билан эгалламоқда.

Бу йигирув агрегатини чевар ишчи Прасковья Кулешова бошқаради.



Зар толаларни йигириш учун ишлатиладиган махсус қоришма заводнинг кимё цехида тайёрланади.

Регенерациялаш цехида ацетон қайта ишланиб, сифати асил ҳолига келтирилади.

Г. ГРАФКИН ва Г. БОЯКО фотолари

йинчалик эса, Арманистондаги тикувчилик технологияси техникумига ўқишга кирган. Сўнгра Кировакан шаҳрида тикувчилик фабрикасида ишлай бошлайди, кўп вақт ўтмай кимёвий тола заводининг ишлаб чиқариш кўлами уни ўзига мафтун қилади ва корхонанинг тўқув цехига йигирувчи бўлиб ўтади. Заводда ишлаб туриб, Ереван Физкультура институтининг сиртқи бўлимига ўқишга киради, чанғи спорти аълочиси бўлади, велосипед пойгаси бўйича мастерликка кандидат унвонини олади. Зина арман тилини ҳам яхши билади...

— Арманистонга, Кироваканга литваликлар келишганн эсимда,— дейди у,— ишлаб чиқариш эндигина йўлга қўйилаётган эди. Менинг Зита Бурачите деган шогирдим бор эди. 1970 йилда эса ўзим Фарғонага, тажриба алмашиш учун жўнаб кетдим: шундай катта завод ишга туширилган эди-да! Бу ер менга жуда ёқиб қолди. Фарғонада Политехника институти бор, мен эса кимё факультети студенти бўлишни кўпдан орзу қилардим. Ишчилар учун ажойиб имкониятлар яратиб берилган бизнинг давримизда ўқимай қолиш жуда уят!

Ҳа шундай: турли миллатлардан иборат совет кишиларининг дўстлиги чуқур илдиз отган, бу илдиз чексиз совет ерининг ҳамма томонига кенг ёйилган.

Ватанимиз саноати гуркираб ўсмоқда, унинг ёш тармоқларида янгидан-янги шохобчалар пайдо бўлмоқда. Улардан бири кимёвий тола ишлаб чиқаришдир.

Кимёвий тола ишлаб чиқаришнинг ветерани, ҳозир Фарғона заводининг бош инженери Павел Иванович Бабошкин қуйидагиларни ҳикоя қилади:

— Урушдан олдин Москва яқинидаги Митишчи шаҳрида кимёвий тола ишлаб чиқара бошладик. Кейинчалик Серпухов заводи ишга туширилди. Тўғри, корхона кичик бўлса ҳам, саноатнинг бу янги соҳаси учун ҳақиқий старт майдончаси бўлди. Олтмишинчи йилларда Энгельс, Кировакан, Каунас, Фарғона заводларида сунъий ипак ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан ўсишига худди шу ердан илк туртки берилган эди. 1940 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган толанинг ярмини ҳозир фарғоналикларнинг ўзларичёқ тайёрлайдилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1971—1975 йиллар мобайнида кимёвий толалар саноатини ва улар учун хом ашё ишлаб чиқаришни ривожлантириш тадбирлари ҳақида» деб чиқарган қарори бизга катта имкониятлар яратиб берди. Бу қарорда кўзда тутилишича, тўққизинчи беш йилликда яна 600 минг тонна, яъни ўтган беш йил ичида тайёрланганидан тўрт ҳисса кўп тола ишлаб чиқарадиган янги заводлар ишга туширилади! Шу билан бирга ишлаб турган корхоналар, жумладан, Фарғонадаги заводимизнинг қувватини оширишга алоҳида эътибор берилади. Бўялган тола янада кўпроқ ишлаб чиқарилади. Тикувчилар учун, анча қулай бўлган «триацетат ипак» деб аталувчи газлама ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг ярмини ташкил этади. Буларнинг барчасини бажариш учун етарли имкониятларга эгамиз, ҳозир бундай имконият Каунас ва Кировоканда, Волгабўйи ва Урта Осиёда бор, келгусида эса Узоқ Шарқ ҳам шундай имкониятга эга бўлса ажаб эмас.

... Ҳа, фильерлар қопқоғини очишинг билан жуда нозик ипларнинг ҳосил бўлаётганини дарҳол сеза олмайсан. Лекин улар пишиқ, чийран. Совет кишилари дўстлигининг ипларн ҳам худди шундай чийрандир.

Мана машиналар оралиғидаги бўш жойда Муҳаббат Ахмаджонова, Маъсуда Мамадбоева, Нурхон Турсунова, Ҳанифа Мирзағозиева каби моҳир ип йигирувчилар тўпланишди. Улар коржома кийиб олишган, ҳар бирининг кўксида комсомол значоги. Четдан қараганда, ишлаб чиқариш мажлиси бўлаётганга ўхшайди. Бироқ, яқинларига боришимиз билан зўр инсоний шодликка шерик бўлдик, ўзбек қизлари билан уларнинг литваликлар устозлари ўртасидаги дўстлик илдизлари янада теранлашганига шахсан гувоҳ бўлдик: Муҳаббат Эльвира Бернатонитедан келган хатни баланд овоз билан ўқимоқда эди.

Дафтар варағига битилган қалб сўзларида кишини тўлқинлантирувчи қанчадан-қанча хотиралар бор — якшанба куни биргаликда тоққа—Шоҳимардонга, оташин ўзбек шоири Ҳамза яшаган маконга қилинган саёҳат, хушгам Фарғона палови, қизларнинг сирли суҳбатлари, шубҳасиз, касб-ҳунар ҳақидаги баҳслар... Эльвиранинг хат билан юборган расми бизга дўстлик ва самимийликнинг ипак толалари каби туюлди: расмнинг орқа томонида — «Эльвирадан Муҳаббатга абадий эсдалик бўлсин... Литва, Каунас» деган таъсирли ёзув бор эди.

ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

Суратга синчиклаб разм солинг. Балки унда тасвирланган кишиларни танирсиз. Балки бирон жойда кўргандирсиз. Балки, улар ҳаммаҳаллангиз, ҳамкишлоғингиз ёки қариндошингиз, касбдош дўстингиз бўлиб чиқишар!

Уларни сизга таништириб ўтайлик. Сиз суратда старший сержант Абдуллажон Пирматовни ва у уруш олови ичидан қутқариб чиққан рус боласи Жора Ковалевни кўриб турибсиз.

Ҳурматли Адҳам Ҳамдамнинг шахсий архивидан олиб, унинг розилиги билан эълон қилинаётган бу суратдаги икки кишининг тақдири сизни ҳам ҳаяжонга солса керак, деб ўйлаймиз.

— Қирқ бешинчи йил. Апрель ойининг сўнгги кунлари,— деб хотира дафтарини аста варақлайди Адҳам ака,— Берлинни ишғол қилиш учун олиб борилаётган шиддатли жанглар кун сайин, соат сайин авжига минарди, муқаррар ҳалокатини сезган душман тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатарди. Старший сержант Абдуллажон Пирматов бошчилигидаги пулемёт расчёти уч кечаю уч кундуздан бери мижжа қоқмай, олға интиларди. Шаҳарнинг қоқ ўртасида жанг кетяпти. Гумбир-гумбир, тасир-тусир отишма ҳавони тутган. Аччиқ дуд, чанг-тўзондан нафаси бўғилаётган Абдуллажоннинг яқинида снаряд портлади, у бир лаҳза мувозанатни йўқотиб, тупроқ уюмига зарб билан қулади. Оёққа турмоқчию мадори йўқ. Қуролдошларини ёрдамга чақирди, нидо чиқмади. Наҳотки тупроққа кўмилиб ётиб қолган бўлса?! Чанг-тўзон, лой кўзларини ачиштиради... Бир амаллаб ўрнидан турмоқчи бўлди, бироқ боши айланиб яна йиқилди. Ўнг кўзи ҳеч нарсани кўрмаётганини пайқаб қолди. Бир оз ётгач, эс-ҳушини йиғиб, ёнида дока борлигини эслади.

Кимдир ҳаллослаганича унинг ёнига етиб келди. Ярасини боғлашга кўмаклашди-да, яна ғойиб бўлди.

Берлин кўчаларидан бирида совет жангчиларининг қудратли «ура!» хитоблари янгради. Азаматлар чамаси Рейхстаг томон ошиқар эдилар. Эҳ, қани энди мажоли келса! Абдуллажон иккинчи кўзи ҳам хиралашиб бораётганини сезди. Энди ўйлаб ўтирмай, орқага қараб эмаклай бошлади.

Шошма, шошма! Бу нима бўлди? Абдуллажон диққат билан қулоқ солди. Тобора олислаб кетаётган отишма садоси орасида ёш боланинг чинқираётгани эшитилгандек туюлди. Яна қулоқ солди. Ҳа, янглишмабди: гўдак. Старший сержант пайпаслаб ўша томон бурилди. Ёш боланинг товуши чиқаётган жойга етиб бордию, етти ухлаб тушида кўрмаган даҳшат устидан чиқди. Аъзойи бадани қора қонга беланган, юзлари тимдаланиб кетган гўдак боши танасидан жудо қилинган аёлнинг кўксига муштдек бошини қўйганича тинмай фарёд чекарди. Узганинг дарди фиғони олдида Абдуллажоннинг ўз жароҳати ҳеч нарса бўлмай қолди. Қаҳр-ғазаби ошди. Болани қўлга олди, унинг ерни таталайверіб тирноқлари синган жажжи қўлларини, юзини дока билан боғлади. «Одамхўрлар!» деб қичқирганича, болани бағрига босди.

Бола шўрлик яраларининг зирқираб оғришига бардош беролмай ҳамон чинқириб йиғларди. Абдуллажон атрофга разм солади. Жувоннинг мовий кўзи юмилиб улгурмаган: «Мен учун, ўғлим учун қасос ол!» деяётгандек. Абдуллажон атрофда сочилган қоғозларни йиғиштирди. Бу марҳуманинг ҳужжатлари эди. Бу аёл Мария Юрова экан. Ёши йигирма бешда. Иваново областидан. Миллати рус. Фашистлар Россиядан қулликка ҳайдаб олиб келган. Уч яшар ўғлининг исми Жора, фамилияси Ковалев. Ўғли билан суратга тушибди-ю эрига эсдалик учун ёзиб, юборишга улгурмабди.

Абдуллажон Пирматовнинг шу тобда кўрганлари сира чидаб туриб бўлмайдиган ҳодиса эди. Бундай разилик фақат фашистлар қўлидан келиши мумкин.

Жоранинг халоскори Абдуллажон Марияни дафн этди. Жорани хор-зор қилмай тарбиялаши, онаси йўқлигини билдирмай балоғатга етказиши ҳақида она қабри устида онт ичди. Сўнгра Жорани опичиб госпиталга жўнади...

Ҳаяжонли ҳикояси шу ерга келганда Адҳам ака индамай қолди. Ҳар ким ўз ўйи билан банд. Биламан: собиқ жангчи, журналист оловли йилларни, уйқусиз тунлар, тинимсиз кунларни эслямоқда, Сталинграддан Берлингача бўлган сермашаққат йўлларни, бир қултум сув, бир бурда нонни баравар баҳам кўриб жанг қилган қуролдошларини хотирламоқда. Мени эса икки инсоннинг тақдири қизиқтирарди. Адҳам аканинг ҳаёлини бўлиб, оҳиста савол бердим.

— Кейин нима бўлди, Адҳам ака?

— Кейинми?— ҳамсуҳбатим сезилар-сезилмас сесканиб тушди.— Кейинми?.. Абдуллажон Пирматов билан Жора госпиталга ётдилар. Яралари битиб, кўзи гузалгунга қадар. Ҳамширалар, врачлар нечоғлик уринишмасин Жорани Абдуллажондан ажратиб олишолмади. Жора ҳам «Папа, папа!» деб унга маҳкам ёпишиб олган эди. Ниҳоят, Абдуллажон Пирматов батамом соғайиб, она юртига жўнайдиган кун ҳам етиб келди. Госпиталдаги қиз-жувонлар даста-даста гуллар билан ота-болани кузатгани чиқдилар.

— Адҳам ака, илгари бу ҳақда бирон кишига гапириб берганмидингиз?

— Ҳа, 1945 йили август ойида бизнинг фронтда ўзбек тилида чиқиб турган «Ғалаба байроғи» деган газетага «Жора Ковалев етим эмас» сарлавҳали мақола ёзган эдим. Шубҳасиз, уни ўшанда ўзбек жангчилари ўқиганлар, холос. Кейинчалик худди ўша мақолани эллигинчи йилларнинг охирларида Тошкентда нашр этилган «Мардлик қиссаси» тўпламида эълон қилдим. Аммо шу пайтгача тутинган ота-болани кўрган-билган киши топилгани йўқ.

Шояд, бу гал «Гулистон»имиз воситаси билан Абдуллажон ва унинг ўғли Жорадан хабар топсак!..

Ҳамид ТОЖИБОЕВ

Фарғона — Тошкент

ХАРИДОРЛАР МАМНУН БЎЛСИН ДЕБ...

КПСС XXIV съезди Директиваларида: «Аҳоли даромадининг ўсиши ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилишининг кенгайиши муносабати билан чакана товар обороти 1,4 баробар кўпайтирилсин», дейилган.

Турмуш фаровонлашган сари савдо ходимларига ҳам иш кўпаяверади. Негаки, кишиларимиз бугун кечагидан кўра яхшироқ, кўркамроқ кийинишга, қулай ва ўнғайроқ турмуш шароитига эга бўлишга интиладилар. Уларнинг дид ва талаблари ҳам кун сайин ўсиб бораверади. Биз, савдо ходимлари, ана шу талаблардан ортда қолмаслигимиз, харидорлар талаб қилган нарсаларни ўз вақтида муҳайё қилишимиз керак.

Мен «Таштекстильшвейторг»га қарашли ўн иккинчи магазинда сотувчи бўлиб ишлайман. Магазинимиз ўз характери ва иш кўлами жиҳатидан ҳозирча республикада яккаю ягонадир, уни тажриба магазини деб атаса ҳам бўлади. Магазинимизда республикамиз саноати ва тикув корхоналари тайёрлаган маҳсулотларгина сотилади. Коллективимизнинг бирдан-бир мақсади республикамиз тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг шойи ва ип газламаларни, тикув корхоналарида тайёрланаётган кийим-кечакларни аҳолига намойиш этиш, бу соҳага оид энг сўнгги янгиликлардан уларни ўз вақтида хабардор қилишдир.

Кейинги пайтларда баъзи модапарастлар ўз саноатимиз ишлаб чиқараётган молларни менсимайдиган бўлиб қолишди. Матосининг асил ва тозалиги, бежирим бичими, пишиқ-пухта тикилиши, фасонининг янгилиги билан чет эл молларидан анча юқори турадиган костюмларимиз, кўйлак ва бош кийимларимиз уларга унча ёқинқирамай қолди. Шунингдек, савдо-сотиқ ишларини яхши ташкил этолмаган баъзи сотувчилар ҳам базаларга бориб: «Чет эл молларидан беш-ўн минг сўмлик бермасангиз, планимни ҳеч тўлдиролмаяпман», деб зорланишади.

Хўжалик моллари магазинида беш юзтача қозон уч-тўрт йил сотилмай қолиб кетибди. Магазинчи қўшни магазиннинг директори билан келишиб, унинг магазини тепасига «Тез кунда чет элдан ажойиб қозонлар келтирилади, хоҳлаганлар навбатга ёзилиши мумкин», деган ёзув осиб қўйибди. Бир ҳафтадан сўнг ўша қозонларни қўшни магазинга чиқариб, уриқит қилиб сотибди. Баъзи харидорлар қозондан икки ёки учтадан сотиб олиб: «Мана буни қозон деса бўлади! Анави магазинда ётгани қозон эмас», деб мақтанишибди.

Бу латифа албатта. Лекин унда ҳалиги модапарастларнинг табиати жуда тўғри кўрсатилган.

Бизнинг магазинимиз Тошкент ва Қўқон тикувчилик фирмаларидан, Тошкентдаги иккинчи ва учинчи тикув фабрикаларидан, Чирчиқдаги «Ғунча» фирмасидан, Самарқанд, Марғилон ва Тошкентдаги бошқа катта-кичик фабрика-фирмалардан тайёр кийимлар, газмоллар олади. Магазинимиз ҳамиша харидорлар билан гавжум. Планимизни ой сайин ортиғи билан бажариб келмоқдамиз. Магазин янги ташкил этилганда унинг плани уч миллион сўм атрофида эди, ҳозир йиллик савдо оборотимиз саккиз миллион сўмдан ҳам ошиб кетди.

Менингча, ҳамма гап бор молни харидорларга кўрсата билиш ва савдони яхши ташкил қила олишда. Магазинимизда харидорларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олиш яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир бўлимда молларнинг турлари бўйича махсус дафтар юритилади. Харидорлар ўз талаб-истакларини бу дафтарларга қайд қилиб боришади. Масалан, чит ёки шойи газламанинг қайси туридан кўпроқ керак, пиджак ва шимлар кўпроқ қайси фасонда тикилгани маъқул, Қўқонда тайёрланаётган сорочканинг нимаси маъқулу нимаси маъқул эмас, Марғилон шойисига қандай гуллар солинса, у яна ҳам чиройлироқ бўлади — ана шуларга ўхшаш истак ва талабларни тўплаб, тегишли фирма ва фабрикаларга жўнатиб турамиз.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Харидорнинг талаб ва эҳтиёжини синчиклаб ўрганиб бориш сотувчилар учун ҳам, саноат ходимлари учун ҳам бирдек наф келтирмоқда. Биз буни ҳисобга олиб, ҳар икки ойда бир марта харидорлар конференцияси ўтказиб турибмиз.

Магазинимизда молларни намойиш қилиш — рекламани ҳам яхши йўлга қўйганмиз. Ҳар икки ойда бир марта кўргазма ташкил этамиз. Бу кўргазмага ўзимиз мол олаётган барча фирма ва фабрикалар вакилларини ҳам таклиф этамиз. Вакиллар харидорлар билан учрашиб, суҳбатлашиб, чит ва ипак газмолларнинг қайси турини кўпроқ етказиб бериш зарурлигини, тикилаётган кийим-бошларнинг қандай афзаллиги ва қандай камчилиги борлигини аниқлашади. Жойларда ишлаб чиқариш планлари тузилаётганда ана шу талаб ва истаклар ҳисобга олинади.

Мен Раиса Камаева, Шоҳида Хўжаева, Фарида Абдуллахўжаева, Марҳамат Салимова, Маъмура Маҳмудова сингари сотувчилар билан ёнма-ён ишлаётганлигим билан фахрланаман. Совет савдосининг жонкуярлари бўлган бу дугоналарим коллективимизнинг фахри. Магазинимизнинг шуҳрат қозонишида, планимизнинг ой сайин ортиғи билан бажарилишида уларнинг хизмати катта.

Астойдил қилинган ҳалол меҳнат зое кетмас экан. Халқ, Ватан олқишига сазовор бўлар экансан. Магазинимиз ташкил этилган шу уч йил давомида еттита фахрий диплом билан тақдирландик. Юксак савдо маданиятига эриша олганимиз учун СССР Савдо министрлиги бизни катта фахрий диплом билан мукофотлади. Бу катта мукофот етмиш кишидан иборат коллективимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Совет кишиларининг кун сайин ўсиб бораётган талабларини яна ҳам тўлароқ қондириш, ҳар бир харидорнинг магазинимиздан хурсанд ва мамнун бўлиб чиқиб кетишига эришиш учун ҳормай-толмай ишлашга қатъий қарор қилганмиз.

Шоҳиста РИХСИЕВА,
Тошкент шаҳар Советининг депутати, сотувчи

КИЧКИНА ИНДИРА

Совет кишилари Ҳиндистон халқлари миллий-озодлик ҳаракатининг атоқли раҳнамоси ва йирик давлат арбоби Жавоҳирлаъл Нерунинг номини жуда яхши биладилар. 1927 йилда у ҳинд миллий-озодлик ҳаракатининг ветерани — отаси Мўтийлаъл Неру билан Советлар мамлакатига меҳмон бўлиб келган эди. У пайтда Ҳиндистон ҳали мустамлака эди. 1955 йилда эса Жавоҳирлаъл Неру Совет Иттифоқига озод ва мустақил Ҳиндистон республикасининг бошлиғи сифатида ташриф буюрди. Бу сафар у мамлакатимизга қизи Индира Ганди билан бирга келди. Совет кишилари учун Индира Ганди Жавоҳирлаъл Нерунинг энг яқин сафдошлари ва ёрдамчиларидан бири, Ҳиндистон халқлари озодлиги ва бахт-саодати учун астойдил курашаётган фидоий аёл эди.

Ўшанда қиз кўрган неча бахтиёр она ўз фарзандига Индира деб от қўйганлигини аниқ айтиб бериш қийин, албатта. Лекин ўшандай оналардан бири ҳақида сўзлаб бермоқчимиз.

1955 йилнинг 7 июнида туркистонлик Комила Айтқулова қиз кўрди. Комила она худди шу куни Индира Ганди отаси билан Совет Иттифоқига келганлигини радиодан эшитди ва чақалоққа яхши ният билан Индира деб от қўйди.

Хаш-паш дегунча орадан ўн бир йил ўтди. Қора кўз, бугдой ранг, қувноқ қизча Индира ўн бир ёшга кирган йили — 1966 йилнинг жазирама июль ойида мамлакатимизга Ҳиндистон республикасининг бош министри Индира Ганди ташриф буюрди. Кичкина Индиранинг қалбини турли-туман, ранго-ранг туйғулар чулғаб олди. Ниҳоят адаши — мўътабар меҳмонга хат ёзишга журъат этди. Хатда қиз ўзини танитиб, бешинчи синфда ўқиётганлиги, уларга тарих ўқитувчиси беш минг йиллик кўҳна маданиятга эга бўлган истеъдодли ва меҳнатсевар ҳинд халқи ҳақида сўзлаб берганлигини айтади. Индира Айтқулова Ҳиндистон ҳақида жуда кўп китобларни мутолаа қилган. Газета ва журналларни мунтазам равишда ўқиб, Ҳиндистонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан огоҳ бўлиб туради, янги, озод ва мустақил республика қураётган ҳинд халқларининг ҳаёти ҳамда курашидан ҳикоя қилувчи мақолаларни мароқ билан ўқийди.

Индира Ганди, вақти ғоят зиқ бўлишига қарамасдан, кичкина Индиранинг мактубига дарҳол шундай жавоб қайтаради:

«Азизим, Индира! Яна бир бор мамлакатингизга келганлигим учун ғоят бахтиёрман. Совет Иттифоқига ҳар келганимда совет кишиларини кўриб беҳад хурсанд бўламан. Сени,

ЛОЛА САЙЛИ

Машъал

Кўксимда ҳеч сўнмас қуёш сингари —
Сенга бўлган меҳрим, эй, Ўзбекистон!
Водийларга боқсам, асов дарёлар
Тўлқини қалбимда уради туғён.
Тоғлар сийнасидан ўйнаб келар сув,
Дарада арслондан ҳуркандай тулпор.
Ҳавода ярқирар шуъла, нурли йўл,
Гўёки бахмалга югуртилган зар.
Кўкўпар тоғларнинг этакларига
Яна илк қадамин қўймоқда кўклам.
Зангори Амунинг соҳили бўйлаб
Тўшалиб ётибди гуллардан гилам.

Темурнинг отини ҳоритган саҳро
Бугун йигитлардек киймиш бекасам.
Қуш учса қаноти куйган даштлардан
Бўстонлар атрини пуркайди кўклам.
Қоматини тиклар мағрур, мардона
Меҳнат ва бахт соҳиби деҳқон.
Уфққа тирсагин тираган боғлар
Шарбатларга тўла улкан дастурхон.
Сенга аждодларим муҳаббатимман,
Сенсан авлодларга муқаддас достон.
Сен ҳаёт, иқболим, борлиғим, фахрим,
Шарқнинг машъалисан, жон Ўзбекистон!

Кўклам базми

Юр, лола сайлига,
Юргин, нигорим,
Мана, ҳар томонда баҳор нафаси.
Гул атрин уфуриб эсмоқда еллар...
Яшил далаларда қушларнинг саси.
Шер ҳамласин сезган оҳулар каби,
Осмон юзидаги булутлар ҳуркак.
Байрамга ясанган сулув қизлардай,
Дарахтлар кийибди хонатлас кўйлак.
Тиниқ ойна — кўлга солиб аксини,
Сочин тарамоқда дилбар мажнунтол.
Гўдак ҳаяжони анҳорларда ҳам,
Табиат бахш этмиш водийга жамол.

Қайлардан ранг олар баҳорда уфқ!!
Дилларда сўлим тонг қилар табассум.
Шамол ғунчаларни пуфлаб очгандай,
Орзулар чаманин яшнатар бу зум,
Ёшлигимиз рамзи — жонажон баҳор,
Ҳар иккаласи ҳам кутмайди фурсат.
Чирой, шўхлигини олиб ўтади,
Табиат яратган бу нодир санъат.
Юргин, чорламоқда адир, қирларда
Лола қизғалдоғу сафсарлар базми.
Барака қўшадн ҳаётимизга
Бу гулар дунёси, бу кўклам азми.

Чўпон

Мармар тоғ устида карвонлар каби,
Яйлов осмонига оқади булут.
Лолага бурканган сойлар устида,
Чарх уриб учади ҳайбатли бургут.
Қуёш ерга қиё телмурган қиздай,
Булутлар ичидан сойга сузилар.
Тоғларнинг кўк бахмал гиламн узра
Уйноқлаб сакрайди тўйган қўзилар.
Хаёл лентасидай айланиб ўтар —
Баланд чўққилардан саноқсиз сурув.
Адирга телмурар оппоқ ўтовдан

Ёрининг бўйига интизор сулув.
Чўпон етаклайди парвона бўлиб,
Қўзи, совлиқларни ўтлоқлар томон.
Кўнгли шод, харсангга таяниб мағрур,
Узоқларни кўздан кечирар чаққон.
Яйловда ёғ бойлаб лорсиллар қўйлар,
Зўрға тебранади тўқ бошоқсимон.
Халқнинг хизматини ўтаб, дилларни
Мафтун қилмоқдасан,
Бахтлисан, чўпон!

Йўллар

Уфқларнинг бағрига санчилган
Нурдек равон, тоза йўл.
Янглишдимми,
Наҳот шу бўлса
Беш йил олдин ўзим кўрган чўл!
Бошимизда барглар шивирлар,
Ерга тушмас тангадек соя.
Кенг бўстонлар мириқиб тинглар
Булбуллардан қўшиқ, ҳикоя.
Афсонада куйланганидек,
Қад кўтарган дилрабо шаҳар.
Кенг ва тўлиқ,
Кумуш каналдан
Боғлар белга боғлаган камар.
Баланд, қатор сербарг дарахтлар

Қиз боладек имлар гул тутиб.
Гўзалликнинг томошасидан
Мен ўзимни қўйдим унутиб.
Умрим етса,
Юз йил толмасдан
Чиройнга завқ-ла боқардим.
Тупроқларин ўпиб, эриб кетиб,
Қучоғида сувдек оқардим.
Уфқ чорлар бағрига яна,
Узоқ йўл қисқарар ўй ўйлаб.
Ҳумор дилим топар тасалли
Қўли гул халқ мадҳини куйлаб...

Ортиқ ЖЎРАЕВ

Ўзим гулзор

Ёр десам, ёрим:— Бу сўзни қилма кўп такрор,— деди,
Ўргилай,— девдим, кулиб:— Парвоналик душвор,— деди.
Тоғ эмас, кўнглим қазиб қийналди жон, раҳм эт,— десам,
Бундан ўзга ишқу шайдоликда, айт, не бор!— деди.
Не тилак қилсанг бажо айлай,— деб эрдим,— сен ўзинг —
Қилган орзуйингга етсанг, менга хуш бисёр,— деди.
Илтифот айлар бугун, деб даста гул тутсам, қаранг,
Гул билан кўнглим ололмассан, ўзим гулзор,— деди.
Истасанг жоним фидо бўлсин,— десам,— бу эски гап,
Минг ўлик жондан азизроқ бир тирик хуштор,— деди.
Не қилай, куймакдин ўзга борми йўл!— девдим, у шўх:
Бўлса басдир сабру бардош, сезгилар ҳушёр,— деди.
Ҳажр учунми шунча шайдолик, десам, Восит, ахир,
Кўзласанг роҳатни заҳмат чекмайин — бекор,— деди.

Восит САЪДУЛЛА

Баҳор. З. ГИРАСИНОВА чизган

ота-онанг, опанг ва укаларингни кўргим келади, лекин начора, вақтим зиқ.

Шоду хуррам мактабга бориб қунт билан ўқиётгандирсан, деб умид қиламан.

Қаерда бўлишингдан қатъи назар, сен ҳамиша Ҳиндистоннинг дўсти, ҳинд-совет дўстлигининг рамзи бўлиб қолишингни чин қалбимдан истайман ва умид қиламан.

Шу кичкина совға билан сенга ўзимнинг ва ватандошларимнинг меҳру муҳаббат ва эзгу истакларини йўллайман.

Сенга ва меҳрибонларингга ҳамиша иқбол ва бахт-саодат тилаб:

Индира ГАНДИ

Москва, 1966 йил 14 июль».

Ҳиндистон бош министрининг бу мактубига жавобан Айтқуловлар оиласи шу хатни йўлладилар:

«Муҳтарама, Индира Ганди хоним!

Мамлакатларимиз халқларининг равнақи ва фаровонлигининг тарафдори, тинчлик учун забардаст нурашчи Индира Ганди хоним, Сизнинг ҳурматингизга Индира деб от қўйилган қизчамизга ва бизга яхши истаклар билдириб йўллаган мактубингиз билан бизларни ғоят юксак шарафга сазовор этдингиз. Бизлар, Комила ва Болтабой Айтқуловлар ва қизимиз Индира бундан беҳад бахтиёрмиз.

Мактубингиз билан қизимиз Индирага йўллаган совғангиз бизнинг хонадонимизда табаррук ёдгорлик ва мамлакатимиз халқлари, ҳинд-совет дўстлиги ҳамиша мустаҳкамлигининг рамзи бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Бизлар, Сизнинг совғангизни ҳамма халқлар билан дўстлик руҳида тарбияланиб, билим олаётган совет болаларига совға деб биламиз.

Сизнинг совғангиз қизимиз Индира ўқиётган мактабда СССР ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстликнинг рамзи сифатида сақланади.

Бутун Ҳиндистон халқларига ва шахсан Сизга, Сизнинг раҳбарлигингизда буюк мақсадга, яъни Ҳиндистон халқларининг равнақ ва фаровонликка эришиши йўлида эзгу ниятлар, яхши истаклар изҳор қилишга рухсат этгайсиз.

Сизга жўшқин саломлар йўллаймиз ва сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз!

Сизнинг **ИНДИРАНГИЗ** ва унинг ота-онаси Комила ва Болтабой **АЙТҚУЛОВЛАР».**

Яқинда мен жанубий Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрига борганимда Айтқуловлар хонадонида бўлдим. Якшанба куни эди, уйда жамоат жам экан. Индиранинг отаси Болтабой ака — хизматчи, Комила опа эса дўконда ишлайди. Индиранинг опаси Марям — техникумда, укалари Серик, Эргаш, Марс — мактабда ўқийди. Жавонлар китобларга тўла.

Индира ҳинд фильмларини кўришга жуда ишқибоз экан. Ҳинд фильмларида дилнавоз куйлар янграйди, дилрабо рақслар кўрсатилади, Индира ҳинд куйларининг жозиба қувватига қойил.

Индира магнит лентасига анчагина ҳинд қўшиқларини ёзиб олган. У кўпинча дугоналарига шу жозибали куйларни қўйиб эшиттиради.

Мен ёш Индира билан узоқ суҳбатлашдим. У ҳинд адабиёти, маданияти ва санъатига ғоят қизиқар экан. Хусусан, Рабиндранат Тагор шеърлари унда чуқур таассурот қолдирибди. Индира бу йил ўрта мактабни тугатади. У ўз ҳаётини Ҳиндистон халқларининг тиллари, адабиёти, тарихи ва маданиятини ўрганишга бағишламоқчи, келажакда Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишига ҳиссасини қўшмоқчи. Умонимиз комилки, кичкина Индира ўзининг ниятларига эришади.

З. АШУРБОЕВ

ХАЛҚ АРХИТЕКТОРИ

У 1910 йили Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳрида туғилган эди. Ўн ёшида отадан етим қолиб, Тошкентга келгач, «Намуна» интернат-мактабида ўқиди. 1928 йилда эса маориф билим юртини тамомлаб, Қарши педагогика техникумида ишлай бошлади. Лекин бир йил ўтгач, яна Тошкентга қайтиб, Урга Осиё Давлат университети инженерлик-мелиоратив факультетининг архитектура бўлимида ўқишни давом эттирди. Бу факультет Ўрта Осиё қурилиш институтига айланганда Абдуллажон профессор С. М. Колотов қўл остида ассистент бўлиб ишлай бошлади. У ҳам ўқир, ҳам қуйи курсларда дарс берар эди.

1934 йилда Москва Архитектура институтининг аспирантурасига кириш учун ўн икки фан бўйича имтиҳондан ўтди. Аспирантлик йиллари Ўрта Осиё ёдгорликларига доир жуда кўп манбалар билан синчиклаб танишди. Ёзги таътил вақтлари Самарқанд, Бухоро, Хева, Қўқон шаҳарларига бориб, тарихий обидаларни ўрганди. И. В. Рильский, Н. В. Марковников, Н. В. Докучаев каби профессорлар қўл остида маданият саройи, 1200 ўринли театр, 15 минг киши сиғадиган спорт саройи лойиҳаларини яратишда қатнашди. Бу даврда у Москва ва Ленинградда шу хилдаги биноларни тадқиқ қилди. Бу ишларга ижодий ёндашиб, янги лойиҳаларда ўз истеъдодини синади.

Архитектор Абдулла Бобохоновнинг фаолияти партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли учун турар жойлар, янги қишлоқларда гидроиншоот комплексларини қуриш ҳақида чиқарган қарорларини амалга ошириш вазифаси билан боғланган эди. Учтизинчи йилларда, иккинчи беш йиллик даврида Ўзбекистонда эски шаҳарларни реконструкция қилиш, қишлоқларда янги типдаги қурилишлар бошланди. А. Бобохоновнинг биринчи мустақил иши 1936 йили Янгийўл районидаги Оржоникидзе номли колхоз учун яратган 350 ўринли клуб лойиҳаси бўлди. Бу маҳаллий ва табиий шарт-шароит талабларига ёзин-қишин қулай бино лойиҳаси эди. Ёш меъмор қурадиган дастлабки бино пойдеворига республика оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев биринчи ғишт қўйди.

Москвадан қайтгач, у Тошкент шаҳар лойиҳалаш ташкилотининг бошлиғи ва бош архитектор вазифасида ишлади. Ўша йиллари айниқса ирригация ва гидроиншоотлар қуриш кенг авж олган эди. Бу ишларга ирригатор-инженерлар билан биргаликда архитекторлар ҳам жалб қилинди. Каттақўрғон сув омбори лойиҳасини яратишда Абдулла Бобохонов қурилишнинг архитектура томонини ишлашга бошчилик қилди.

Уруш йиллари архитектор Куйбишев номидаги Ҳарбий-инженерлик академиясини битириб, ҳаракатдаги армияга кетди. Орёл-Курск ҳалқасидаги ёзги ва қишки оғир жангларда қатнашди. 1943 йилнинг 22 сентябрида генерал-майор Сенчилло «Правда Востока» газетасига шундай деб ёзган эди: «Немисларнинг «Мессершмитт», «Фокке-Вульф», «Хейнкель», «Юнкерс» маркали бомбардимончи самолётлари окоп ва траншеяларимиз устига ёндирувчи бомбалар, темир парчалари, бўш бочка ва самоварлар ёғдириб, кўз очирмасди. Аммо қисмимиз жангчиларининг иродаси темирбетонлардан ҳам, чўян тўсиқлардан ҳам мустаҳкам эканини кўрдим. Ҳаёт-мамот жанги авж олган кунларда ҳужумга ўтиш олдидан кўплаб жангчи ва офицерлар партияга қабул этишни сўраб ариза ёздилар. Улардан бири — ўзбек — офицер Абдулла Бобохонов эди. У ўз аризасида шундай деб ёзганди: «Орёлда олиб борилаётган қизғин ва қонли жанглар вақтида мен коммунист бўлишни истайман!..»

Урушдан кейин Бобохонов кўплаб клуб, кинотеатр, маданият саройлари, ёдгорликлар лойиҳаларини яратди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Душанба, Термиз, Жамбул, Қўқон, Чирчиқ, Олмалиқ каби шаҳарларда унинг лойиҳаси асосида кўркам бинолар қад кўтарди.

Абдулла аканинг дастлабки йирик ишларидан бири Тошкент марказини қайта қуришга мўлжалланган лойиҳадир. Унинг архитектор В. Волчек ва Н. Полупанов билан ҳамкорликда яратган бу иши очиқ конкурсда биринчи мукофотга сазовор бўлди.

Кейинчалик Абдулла Бобохонов лойиҳаси асосида Чирчиқдаги кинотеатр, Бекобод ва Қўқонда маданият саройлари, Душанба шаҳридаги Лоҳутий номли театр, Самарқанддаги Улуғбек музейи,

«Юлдуз» чойхона-ресторани, Ҳамзаободда қизил аскарларга ёдгорлик ҳайкали қад кўтарди. Буларнинг ҳаммаси социалистик маданиятимиз тараққиётига қўшилган ҳисса бўлди. Тожикистонда қурилган театр биноси ҳақида шоир Мирзо Турсунзода ўшанда шундай ёзган эди: «Яқинда биз, бир неча дўстлар билан, пойтахтимиз марказида қурилаётган маданият кошонасини бориб кўрдик. Бу — пойтахтимизда энг салобатли, энг гўзал бино! Кенг, ёруғ томоша залини, катта саҳнани, бино пештоқлари, деворларидаги шарқча безак ва нақшларни кўриб қувондик. Бу янги бино ўрнида илгариги Душанба қишлоғининг бозори бўлгучи эди. Мана энди, унда — кенг майдон, тик йўллар, ажойиб архитектура ансамбли!»

Ҳа, ўшанда меъмор бу бино қурилишида ҳар бир деталь, ҳар бир ғиштнинг қўйилишигача ўзи кузатиб, иш бошида ўзи турган эди. Баъзан бинокор усталар, ишчилар билан бамаслаҳат, лойиҳага ўзгартишлар киритишга ҳам тўғри келган. Бу ўринда кичик бир воқеани айтиб ўтгим келади: Абдулла ака Уста Қули билан биргаликда шарафалардан бирини ўрнатгач, пастга тушиб бундай қарашса, бу деталь бинога мутаносиб эмаслиги маълум бўлади. Яна бошқасини қўйиб қарашса, бу сафар кичикроқ, ниҳоят, учинчи марта қўйганларида мос тушади.

Абдулла ака ҳундузги ишдан шундай чарчаб қайтгач, туни билан гоҳ эскизлар чизар, гоҳ шаблонлар ясаш билан шуғулланар, хуллас, тиним билмас эди. Вақт зиқ, қурилиш суръати тез, муддат қисқа. Бу объект Тожикистон ССРнинг 25 йиллигига тайёр бўлиши керак. Архитектор ва бинокорларнинг ғайратлари туфайли театр биноси етти ойда битказилди.

Мана, тағин бир бино. Ўзбек миллий меъморчилиги ва XIX аср рус классик архитектураси усулларида қурилган. Биринчи қаватида 400 ўринли томоша зали, кутубхона, ўқиш зали. Иккинчи қаватда концерт зали; кино бошланғунга қадар томошабинлар бу ерда эстрада қўшиқлари, музика тинглашлари мумкин. Энг пастки қаватда буфет, сув ва мороженое дўконлари, кашандалар бурчаги...

Тошкентнинг Киров районида қад кўтарган бу ажойиб бино — қаҳрамон генералимиз Собир Раҳимов номидаги кинотеатрдир.

Албатта, буларнинг ҳаммасига меъмор кўп йиллик, машаққатли меҳнат ва ижодий изланишлар эвазига эришди. Абдулла ака архитектурамизнинг ибтидоий давридан тортиб, ҳозирги кунигача бўлган тарихини яхши билади. У ўтмишни деб бугунни, бугунни деб ўтмиш ва келажакни унутиб қўядиган архитекторлардан эмас. Иш устида доим халқни, келажакни ўйлайди. Ҳар бир лойиҳани яратишдан олдин, қурилиш бўладиган жойнинг рельефини, табиий шароитини, аҳоли жойлашувини пухта ўрганиб чиқади. Ўз ишларида исрофгарчилик, серҳашамлик каби иллатларга йўл қўймайди. «Қурилишда ортиқча унсурлар сира бўлмаслиги керак», дейди Абдулла ака.

Ҳамза Ҳакимзода мақбараси. Қорли тоғлар елкасидан юмалаб чиққан қуёш нурлари арк ичига мўралаб, кошинларни жилвалантириб кўрсатади. Бу мақбара шу вақтгача қурилган ёдгорликларнинг бирортасига ҳам ўхшамайди. Шакли, безаклари, зиналари, уч томондан баравар кўриниши билан улуғвор.

Абдулла аканинг яна бир фазилати борки, ўн-ўн беш йил олдин ўз лойиҳаси бўйича қурилган биноларни бориб кўриб туради. Қиш қаҳрига, жазирама иссиққа, кучли довулларга, зилзилага қандай бардош берганини текширади. Лойиҳада йўл қўйилган камчиликларни шу тариқа аниқлаб, умрбоқий бинолар яратиш борасида янги фикрлар билан бойиб қайтади.

Абдулла Бобохонов республикамиз Архитекторлар союзининг ташкилотчиларидан бири. 1945—47 ва 1964—68 йилларда УзССР Архитекторлар союзи правлениси президиумининг раиси, 1955—59 йилларда Узбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги Қурилиш ва архитектура комитетининг раиси, раис ўринбосари лавозимларида ишлади. У 1962 йили «Узбекистонда сув хўжалиги иншоотлари архитектураси масалалари» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини ёқлади. 1965 йилда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги Олий малака комиссияси томонидан Абдулла Бобохоновга профессор илмий даражаси берилди. Халқ меъмори сўнгги тўққиз йилдан буён Тошкент Политехника институти Жамоат бинолари лойиҳаларини яратиш кафедрасининг бошлиғи, шогирдлар даврасида кўп йиллик тажриба ва билимларини ёшларга ўргатмоқда. Кўплаб илмий мақолалари билан республика ва Марказий матбуотларда чиқди. «Узбекистонда паст қаватли уйлар қурилиши» деган китоби нашр этилди. Ҳозир «Ўрта Осиё ирригация ва гидроиншоотлари архитектураси» номли катта монографияни ёзиб тугаллади. «Узбекистонда хизмат кўрсатган бинокор» унвонига сазовор меъморимиз «Қизил Юлдуз», «Қизил Байроқ» ва «Улуғ Ватан уруши» орденларининг кавалеридир.

Абдулла Бобохонов 1970 йил октябрь ойида мамлакатимиз архитектураси тарихида биринчилардан бўлиб, «СССР халқ архитектори» деган юксак фахрий унвонга сазовор бўлди.

Бекмирза МАҲМУДОВ

А. Бобохонов атоқли адиб Ойбек билан Тошкентдаги Собир Раҳимов номли кинотеатр биноси олдида.



Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мақбараси.



Узоқ Шарқдаги Приморье ўлкасида Партия XXI съезди номидаги колхоз учун қурилаётган маъмурий бино макети.

Душанба шаҳридаги Лоҳутий номли Драма театри залларидан бири.





Намангандаги кинотеатр.



Жанубий Сурхон сув омбори.

КУЙЛАНГИЗ ОЗОДЛИК МАЗМУНИДА,

Таржимаи ҳол

Мени[нг] аслим эрур оламга равшан:
Таваллуд манзилимдур Истравшан:
Самога бош урмиш барча тоғи,
Эрам нақднаси — оламда боғи;
Адирларда кўрнур мисли чўғдай —
Жаҳонга манзур ўлғай лалми бугдой.
Ушал равшан шаҳарнинг қизи эрдим.
Ушал тоғлар аро юлдузи эрдим.
Узумзор ичра ўсган эрдим озод.
Онам қўйнида эрдим шод-Дилшод.
Таваллуд — минг икки юз ўн беш эрмиш,
Ўттиз иккинда мулкимдин аюрмиш
Умархон номли золим, номи шоир,
Чиройимиз кўриб, у бўлди жобир.
Келтуриб бу Қўқанга ул пиёда,
Ситамни солди бизларга знёда.
Ҳамани Шаҳрихонга ҳайдадилар,
Мени хон ўрдасига ҳайдадилар.
Бу ҳусним бўлди бошимга ситамкор,
Мани чорлатди қошиға у жаббор.
Деди: «Шоира, дедилар отингни,
Манга билдур, басо, асли зотингни».
Дедим: «Юртимда Дилшод эрди отим.
Амир тиғида яксон бўлди зотим».
Деди: «Ушбу аноргa не деюрсан!»,
Дедим: «Қизлар хунидин тўлдирибсан».
Бақирди, кирди эшикдан мухаррам,
Деди хон: «Шармандани бергил барҳам».
Элтди, зиндонбонга топширди мани,
Ул девордин четга оширди мани.
Бўлдим озод илгидин, қолдим тирик,
Ушбу кулба аҳлига бўлдим шерик...
Йигирма йил мактаб очдим қизлара.
Ҳирсим баланд бўлди доим ашъора,
Ўзим битдим мингдан ортиқ ғазални,
Зикр этиб ўтдим охир-азални.
Минг уч юзда кузга етди баҳорим,
Билмадимки, қачон келгай наҳорим.
Доим руҳим замон учун дод этар,
Анбар отин охир мани ёд этар.

* * *

Мане мазлум бу юртимдин ажаб сарсон бўлиб кетдим,
Мисоли ғунжишак дар қайди бир қафқон бўлиб кетдим.

Бу ўн етти ёшимдан айрилиқ тушди маконимга,
Амир золим илкига тушиб нолон бўлиб кетдим.

Қари момом қолиб чағғора ичра бехабар мандин,
Ўзим побанди мазлумман, кўзим гирён бўлиб кетдим.

Аё, эй Истравшан халқи, уйғон, ухлама ҳаргиз!
Сани [нг] аҳволинга беҳад ўзим ҳайрон бўлиб кетдим.

Бўлиб мардона, отлан, қонимиздин интиқом олғил,
Манам монанди бир кушандан Марвон бўлиб кетдим.

Халойиқ, борсангиз Ҳўқанд сари, ҳеч рахна солмангиз,
Икки эл ўртасига соҳиби ирфон бўлиб кетдим.

Ушал ер халқи бирла бир бўлиб, бир тилда бўлсангиз,
Кушоишлар бўлур, деб, дилда бу армон бўлиб кетдим.

Ўзим юртимда Дилшоду, мусофирликда не кечгай,
Ки сар то по барахна йўл бўйи ғалтон бўлиб кетдим.

Ўратепага хатти муштоқона

Эй туғилган манзилим халқи, амон хуш бормисиз!
Сиз ҳам эмди мисли бу шаҳри Ҳўқанд, хуш бормисиз!

Биздаги ҳукмронлик ўзгарди, келди бу ўрус,
Қолган умрингиз андак бегумон, хуш бормисиз!..

Энди қўлдин қўлга ўтмас шаҳрингиз, қишлоғингиз,
Ўз ватанда ёр-оғайни жовидон, хуш бормисиз!

Лек андан хираликни бартараф қилмоқ керак,
Эски понсотларга зидду барзабон, хуш бормисиз!

Икки аждар тил ўпишса, балдани вайрон этар,
Бошни янчмоқ йўлида беамон, хуш бормисиз!

Оққим, аҳли илмдин футур кетди, во дареғ!
Боамал иш тутғувчи ҳеч олимон, хуш бормисиз!

Энди йўл очиқ, келинг Ҳўқандга хешу ақрабо,
Сизки, Барно шаҳрида ҳар хонадон, хуш бормисиз!

Икки гуруҳ

Икки мардум кўринодур кўзима ҳар бир гуруҳ,
Ҳар гуруҳ бир тоифа, ўзга бўлодур бир гуруҳ.
Ақлу донш кучимиз меҳнат қилиб ҳаккомга,
Халқ аро жон бобида кўплик қилодур бир гуруҳ.
Майсалар ичра тикондек ёлпойиб, бечиз тақир,
Фойда бермас ердин лаззат олодур бир гуруҳ.
Меҳнату сарватларидин бенасиб муҳтож эрур,
Бойга инсоф бер деб ҳаққа ёлворадур [бир гуруҳ].
Муфт сарватлар туфайли туғён ўлиб минг фосидо,
Ўз диёрин раҳнагарларга сотодур бир гуруҳ.
Сабр ила умид этар яхши мавсум кунларин,
Меҳр ила ўз юртини жондек суёдур бир гуруҳ.
Истаюр Барно: бу оламда тириклик соҳиби —
Ўз яратган ноз-неъматдан тотодур бир гуруҳ.

Боқмади

Чироқ бўлиб ёндим, вале менга парвона боқмади,
Жон фидо қилай десам, аммо жонона боқмади,
Биргина ёрни деб ўтдим, бегона боқмади,
Сабр этиб кўз тутдим, ҳайфким, ёна боқмади,
Боқдим замона йўлига, замона боқмади.
Умрим ўтгунча мане ғариб замонни ўйладим,
Фарғона юрти элига амонни куйладим,
Тилим сўзлашдин қолгунча баённи сўйладим,
Ёруғликни кўрмак учун жаҳонни бўйладим,
Боқдим замона йўлига, замона боқмади.
Ёр висолини кутиб бу ранг бўлиб сариғ,
Фурқат ичида зардоб тўлиб, иликлари балиқ,
Шунча отим қамчиладим, етолмади, ориғ,
Етолмадим манзилга, водареғо, дареғ,
Боқдим замона йўлига, замона боқмади.
Золим дунё экан ёрни ёридан айюргувчи,
Зўр дунё тўнини отиб, қанот топургучи,
Дину мазхаб қонунини йўлдан қаюрғучи,
Ҳаром пуллар ила судхўрлар рибо юргувчи,
Боқдим замона йўлига, замона боқмади.
Қуръон сўзи, ислом кўзи фақат оғиздадур,
Бу замонда ризқу рўзи тўқ оғиздадур,
Бойларни [нг] мақсадига ҳукм тўлиқ оғиздадур,
Бечора сўзга ҳаққи йўқ, сўлиқ оғиздадур,
Боқдим замона йўлига, замона боқмади.
Шайхи замонага бориб, замонадин арз десам,
Лозим аввал бойга бориб, нона қарз десам,
Ёки бошим оёғига урубон нарз десам,
Шайх насиҳатин олуб, зулми изини фарз десам,
Боқдим замона йўлига, замона боқмади.
Юмдим кўзимни, эй қизим, дод деб, замонадин,
Йиғламағил багринг эзиб, дод деб, замонадин,
Дилшод ўтмади ҳаргиз, шод деб, замонадин,
Барно ўтдим йиғлаб, фарёд деб, замонадин,
Боқдим замона йўлига, замона боқмади.

Меросимизни ўрганамиз

ИСЁНКОР ШОИРА

Эрни хотундин қилиб афзал яратган, дейдилар...
Бўйла қонун кашф этканлардин олинг интиқом.
АНБАР ОТИН

Узбек халқининг Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Маҳзуна каби машҳур шоираларининг шеърияти бугунги кунда миллионлаб мухлислар қалбидан чуқур жой олган. Ленин ҳали номлари номаълум, асарлари кенг китобхонлар оммасига етиб бормаган ўнлаб забардаст шоира ва адибаларимиз бор. Масалан, демократ шоира Анбар отин ижоди ҳақидаги дастлабки маълумотлар ўн йилча муқаддам жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган бўлса, адибанинг устози Дилшод Барно Ҳўқандийнинг мардона шеърияти, тарихий ва бадиий мероси сўнгги йиллардагина элга маълум бўлди.

Дилшод Ҳўқандий XIX аср ҳамда XX аср бошлари ўзбек ва тожик халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккури тараққиёти тарихида исёнкорона руҳи, янгроқ, оташин овози билан алоҳида ўрин тутади. Улкан шоир Мирзо Турсунзода «Литературная газета»да ёзган мақоласида Дилшодни буюк шоира деб атайди. Бу юксак баҳода ҳеч қандай муболаға йўқ. Дилшод том маъноси билан улуғ шоира. Унинг шеърий ва насрий асарлари шуни тасдиқлайди.

Дилшод ижоди ҳақида фикр юритишдан олдин адибанинг ҳаёти хусусида баъзи муҳим маълумотларни келтириб ўтиш жоиздир.

Дилшод 1800 йилда Уратепа (шоира ватанини Истравшан деб ҳам атайди) шаҳрида шоир Раҳимқул сўфи оиласида туғилади. Жуда ёш чоғидаёқ онасидан ажралади, босқинчилар отасини бошидан жудо қиладилар. Дилшод 17 ёшида амир Умархон сарбозлари томонидан Қўқонга асира сифатида олиб келинади. Сўнгра бир мактабдор аёлнинг эллик ёшли Тошмаҳдум деган ўғлига никоҳ қилиниб, Қўқонда яшаб қолади. Қайнанаси вафот этгач, эллик бир йил давомида мактабдорлик билан машғул бўлади. Дилшод шоиранинг асли исми бўлиб, Барно тахаллусида ҳам ғазаллар ёзган. У шеърларида ҳар икки номни баравар қўллайди. Шоира ҳаёти ва ижоди тадқиқотчиларининг аниқлашларича, у узоқ умр кўриб, 1905/6 йилларда вафот этган.

Кўп жабру жафоларни кўрган Дилшод тақдирнинг барча даҳшатли зарбаларидан ғолиб чиқди, зўр иродаси букилмади. Чунки меҳнаткаш халқнинг қайғу-аламн унинг истиробларидан зўрроқ эди. Шунинг учун ҳам шоира ўз асарларида оддий халқ тақдири, курашини ўтли мисраларда ифода этди, унинг орзу-умидлари ва порлоқ келажакка ишончини куйлади:

Ман ҳукм этарам, ватаним обод бўлмаса бўлмас,
Қашшоқ элим охир навзод бўлмаса бўлмас.
Йўқдур ҳеч иложи, орзу чиқар рўёбга,
Вайрона бадалида шаҳар бунёд бўлмаса бўлмас...

ДУГОНАЛАР!

Алам ўтидан...

Алам ўтидин куёдур жаҳон,
Дуду оҳ ила тўла осмон,
Бетоқат ўлиб чекаман фиғон,
Менга раҳм этиб йиғлайди макон,
Титроқ босадир заминну замон.
Фарғона эрур номи бу диёр,
Рухсоридин ҳеч кетмайди ғубор.
Кундузи эрур ҳоли беқарор,
Тунларда йиғлар абри навбаҳор,
Кўксида манам шундоқ беамон.
Хуршед юзин тўсади саҳоб,
Семурғга ханжол ургандек уқоб,
Нур сочолмай бўлади хуноб,
Деҳқонларини[нг] аҳволи хароб,
Машриқ сўнда шўрлик Андижон.
Боёнларимиз нафси овора,
Туғёни ошиб то бора-бора,
Атлас тўқиган қизи бечора,
Ясанмай юзга суртади қора,
Қора кунларга қолди Марғилон.
Фоҳишабозлик, қанча нафси ит,
Қизлар қатори хўрланур йигит.
Мўйлаб чиққунча кўрмайди ҳайит,
Эй худо, эмди оҳимни эшит,
Қандай балога йўликди Қўқон!
Олма анору мевалар кони,
Аммо мевага зор боғбони,
Буғдой нонини кўрмас деҳқони,
Пахта экади йиртиқ чопони,
Фарғона замин ҳусни Намангон.
Қисқа муҳаммас битди бу Барно,
Иборат мағзин чақади доно.
Эй, ушбу ғазал ўқиган, жоно,
Эл хизматин этиб бўлғин тавоно,
Фарғона замин бўлсин алъамон.

Қуёшни кўрурман

Фалакда йилтираб турарди кўзим,
Улуғлик илгида эрди юлдузим.
Миррих ёнига бормоқ йўлини
Хирадманд озғидин сўраған ўзим.
Кун чиқмай ҳавони босқонда булут,
Кўзини ишқалаб эрди кундузим.
Худоё, ёруғлик ато айла, деб,
Такроран чиқорди оғзимдин сўзим.
Эртадин кечкача қуёшни кўрмай,
Магрибда шафаққа нигорон кўзим.
Бир ўзим умрбод кўрмам зиёни
Искандар мисоли бўлса мунгузим.
Қуёшни кўрурман ер остида ҳам,
Дилшодмен, қирқ қулоч эрур илдизим!

Лазиз

Ҳўқанд боғида етилған жийда хурмодин лазиз,
Мағзи Кашмирдин кетурған лафз ҳалводин лазиз.
Истравшан соҳибйиси бор узумлар шоҳидур,
Мирҳусайни донаси ҳам яди Лайлодин лазиз.
Биз Намангон ҳамқарини, меваси бизлар учун
Қайн ҳам Лоҳурдаги ҳар қанча аълодин лазиз.
Лалми буғдой нонини егон билур қандоғ бўлур,
Ғалласининг донаси минг хум тиллодин лазиз.
Еримизнинг шолисини ўзимизга берсалар,
Биз палов қилсак, хитойли мингта шавлодин лазиз.
Мулки Фарғона жаҳоннинг жаннатидур, билсалар,
Боғ Эрам деб мақтанилгон тухми анқодин лазиз.
Сўзни Барнодек баралла айтса шоири замон,
Ҳар бир рўзғор учун тазвири муллодин лазиз.

Қуллар

Бою эшон оллога қул,
Омъ одам муллога қул.
Худога қулман, деди бой,
Асли мақсад — тиллога қул.
Бой баччалар пулга тўймас,
Отасидек, суллога қул.
Тўқлик чиқорғуси шўхлиғ,
Базм-ичкилик, яллога қул.
Халқ ризқини[нг] гулин ерлар,
Яхши овқат, ҳуллога қул.
Авом ичра важзу самъа,
Шайхлар макру ҳиллога қул.
Барно, инонгуси ҳар ким,
Чиндан эрса, оллога қул.

Дугоналарга

Эй ватандош, ҳамфикр, ҳамзикрим, ҳамхоналар
Бирга ўйнайлик, кулайлик, жўралар-дугоналар!
Парданн очинг, чиройингиз кўринсун эл аро,
Шамъи рухсорингизи турсун кўриб парвоналар.
Юртимизга раҳна солиб, кечалар бирдан кириб,
Роҳатимизни бузишга келмасун бегоналар.
Пок тупроқларни босиб, қилди нфлос еримиз,
Зоғ ханжолидан ҳам мудҳиш эрур «мардоналар».
Не гуноҳим боркн, тожикман, тилимда туркн сўз,—
Қипчоқу мўғул келиб бошимга ургай фоналар!!
Куйлангиз озодлик мазмунида сиз бенбо,
Гингласун Тошкент, Хўжанд, Ҳўқанд ҳам Фарғоналар
Соз олинг, мутрибалар, Барно ғазални бошласун,
Мовароуннаҳр аро парвоз этиб тароналар!

Бирга куйлайлик

Келинг, қизлар, чолайлик дап ила соз,
Биз осойиш замонни чорлайик боз.
Диёримизни таърнф айламакка
Ҳамма мақсадни бирга айлайик соз.
Қўшиқни Нодира шеърига боғлаб,
Бўлайлук созига бизлар ҳамовоз.
Увайсий бирла Маҳзуна қошида
Турайлук суҳбат айлаб бирга дамсоз.
Ғазаллар пардасинн[нг] ҳар қаноти
Ҳаётлик кўнглимизда этса парвоз.
Кимики, мисли маъдан эрса рангин,
Ғазаллар ҳусни эрмас, балки пардоз.
Жамоли мисра асли эрса Барно,
Ўқуғон одам айлар онча эъзоз.

Дилшод Барно шеърларида замона зиддиятлари ёрқин акс этган, зулм ва золимларга, адолатсизликка қарши исёнкорона руҳ кучлидир. Шоира асарларида нурафшон туйғулар ўйчан оҳанглар билан уйғунлашиб келади. Адибанинг ҳар бир сатрида заҳматкаш халққа буюк муҳаббат ҳислари жўш уриб туради. Шу боисдан ҳам: «Қалам олдим қўлимға, шеър ёздим эл ҳаётини», деганида шоира ҳақ эди.

Жаҳон аҳли шарқ аёлини оламдан ажралган, тўрт девордан ташқарини кўролмаган чўри деб тасаввур этган бир замонда Дилшод Барно каби улуғ зотлар фақат она сайёрамиз ташвишларини тортиш билангина чекланиб қолмай, ҳатто чексиз коинотдаги «Миррих ёнига бормоқ йўлини» хирадмандлардан суриштиришга журъат қилганлар, инсон даҳосининг беқиёс қудрати тантанасига ишонганлар. Шоира ғазалларининг ёрқин туйғулар билан йўғрилганлиги «сири» ҳам, бизнингча, ана шундадир.

Дилшод Барно ғазалларида ижтимоий-гражданлик пафоси ғоят юксак. У замонасининг мураккаб муаммолари хусусида дадиллик билан теран муҳокама юритади, оламда эзувчилар ва эзилувчилар синфи мавжудлигини рўй-рост айтади. Шоира асарларида халқлар дўстлигининг, хусусан, ўзбек ва тожик халқлари дўстлигининг отошин куйчиси ва тарғиботсичи сифатида майдонга чиқади, ҳар икки меҳнаткаш қардош халқни бир жон, бир тан бўлишга, бирлашиб барча золимларни ер юзидан супуриб ташлашга даъват этади:

Халойиқ, борсангиз Ҳўқанд сари ҳеч рахна солмангиз,
Икки эл ўртасида соҳиби ирфон бўлиб кетдим.

Ўшал ер халқи бирла бир бўлиб, бир тилда бўлсангиз,
Кушойишлар бўлур, деб дилда бу армон бўлиб кетдим...

Дилшод Барнонинг ўзбек тилидаги ижоди азалдан курашчан анъаналарга эга бўлган шеъриятимиз хазинасини ўлмас дурдоналар билан бойитади.

Адиба ҳақгўй тарихчи ҳамдир. Унинг тожик ва ўзбек тилларида яратган, ҳар бири ўзича мустақил «Тарихи муҳожирон» номли асари бор. Унда Дилшод Ҳўқандий «ўзи шоҳид бўлган воқеалар» тўғрисида холислик билан ҳикоя қилган.

Дилшод Барно ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида дастлабки хайрли қадамлар қўйилди. Тожикистонда тарихчи А. Мухторов шоиранинг ижтимоий қарашларини таҳлил этишга бағишланган асарини эълон қилди. Узбекистонда эса адабиётшунос Маҳбуба Қодированинг «Дилшод» номли рисоласи босилиб чиқди. Шоиранинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган асарларининг бир қисми Душанба ҳамда Тошкентда нашр этилди. Буюк сўз санъаткорининг барча асарларини топиб, нашр ва тадқиқ этиш, кенг китобхонлар эътиборига ҳавола қилиш адабиётшуносларигимизнинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифаларидандир.

Шоира яратган нодир асарлар адабиётимиз тарихидан ўзининг қонуний ўрнини эгаллаб, мактаб ва олий ўқув юртларимизда кенг ўрганилишига ишончимиз комил. Бу сонда биз муҳтарам журналхонларимизни тожик ва ўзбек халқларининг улуғ шоираси Дилшод Барнонинг бой меросидан айрим намуналар билан таништирмоқдамиз.

Эл фикратида

Сўрарлар табъи Дилшодимга Барно номин олгоним,
Бу — ҳусним оразида хўп зебо нақш солгоним.
Сочим сунбул, деюрлар, бу таним тоғида ҳилпирган,
Деюрман: ушбу жорубим ила юртим сўпургоним.
Қошим меҳроби ичра саждa қилмоқ истади ёрим,
Дедим: кўргулки, бу икки жаҳон қурмини сургоним.
Кўзим оннасига термулиб турса агар кимса,
Кўрур эл кулфатининг фикратида ўй сургоним.
Юзимда товланур бу қип-қизил қон, олма монанди
Билингким, кўп шаҳидлар қонидин юзимга сургоним.
Лабим лаълига боқма, бу юракдин томчидир асли,
Аламдин қон қусиб эрдим, лабимда юқи қолгони.
Деюрлар: тишларинг, Барно, мисоли дур ё олмос,
Бу тиш мижгон ўқидек, зулм қилгучига отгоним.

Анҳори доим оқодур бойларга сувга тўлуб,
Кимни[нг] раҳми келмаски, батрак ётур ўлуб,
Сувсиз ерларда расми кўп бўлур жойи малах.
Ҳукумат ўз айшу нишоти ила оворадур,
Бойлар уйида ўйин, қўшиқ, нагорадур,
Батрак ҳосил ололмай, кўкси садпорадур,
Дод этса кимсага етмас, эмди начорадур,
Қандоқ бўлур охир Ҳўқандда давойи малах.
Эй батраклар, бош кўтариб, ғулу қилинг,
Бу бало ила аз тахти дил жангужў қилинг,
Қиргунча бу жангни шому сабуҳ қилинг,
Ватанни шод этиш учун, кўп қайғу қилинг,
Кутманг сиз асло осмондин жазойи малах.
«Қазою қадар» деган сўз ҳама афсонадур,
Жафога рози бўлинглар, деган бегонадур,
Мардона бўлмоқ керак, бу нўноқ замонадур,
Кимки янги замонни чорлар, ўзи мардонадур,
Барно дей[ди]: янчингиз золим хелин ба жойи малах!

Шайх тасбеҳидин афзал, илм такрор этқучи,
Шахс унвонига лойиқ илм изҳор этқучи,
Бўлмаган афсонадин оламни безор этқучи,
Ҳар ҳақиқат бўлса оламга падидор этқучи
Олими пурдида, донишманд — луқмондур китоб.

Ўқуғонда масту мустағриқ қилур хонандани,
Жонига роҳат берур ишқ сўзини донандани,
Тақдирини билдирур ҳушёр этодур бандани,
Сирин очиб тахлағай кашкул бирла жандани,
То абад дил тоза бўлғай, нури имондур китоб.

Тухми ирфон кишт этқизган зироат бобида,
Ушбу тавфиқ кишт қилғай риёзат бобида,
Дунёни[нг] меҳрини қўйғон ул бизоат бобида,
Яхши ниятларни кўзлайдур ижозат бобида,
Одамининг жисмида бир яхши деққондур китоб.

Очсангиз авроқини кўрингусидур турфа боғ,
Жилва бергай кўзингизга навбаҳор фасли бу чоғ,
Кўнглингизга рўшноликни кетургай бу чароғ,
Шодлик босиб кўнгилни ҳеч қолдурмайди доғ,
Доимо бўстонни яшнатғучи боғбондур китоб.

Бу замонда ҳамдами роз ўлмағач ўқуш керак,
Ҳар китобни ўқиғонда маъносин уқуш керак,
Андин ўргониб адаб илми, ғазал тўқиш керак,
Норасоликни[нг] жаҳонда бехини қирқиш керак,
Илмсиз афсунчиларга тири паррондур китоб.

Ўқуғонлар орасидин кўп билимдонлар чиқар,
Маърифат илмини тарқатгучи гапдонлар чиқар,
Ердин кимё олувчи кўп деҳқонлар чиқар,
Мазлум эл бахтига кўп-кўп пирў донолар чиқар,
Муштипар Барно Ҳуқондийдин бу достондур китоб.

Малах

Дўстлар, ёврулди кам-кам ўлкага вабойи малах,
Мулки Фарғона ерига ёпушти балойи малах,
Боғлар ёпроғин қолмай, емирди пойи малах,
Ерларда экинни қурутди тири жафойи малах,
Эл ичра бўлди мусибат бу корнамойи малах.
Ерсиз, уруғсиз, уловсиз чоряккор ўзи,
Сувсиз чўлларда экин экар лалмикор ўзи,
Ёвғон гўжа ичарга пулсиз мардикор ўзи,
Оғир меҳнатга розию ночор ўзи,
«Дард устига чипқон» деган сингари сазойи малах.
Сўҳдин Ҳўқандга сойлар оқар қатор ўлуб,
Аммо сувини бергай эгаларига бўлуб,

Китоб

Энг яқин, дўсти азиз, ҳамдарду дармондур китоб,
Ҳамдамим, ҳамсуҳбатиму ҳамқадрдондур китоб,
Манга илм ўргатгучи устод, билимдондур китоб,
Дил ғуборин артғучи ғамхори жонондур китоб,
Танда жонин хизматиға рангдаги қондур китоб.

Ҳар китоб ҳам турли маъни бермоғи таълимидин,
Бир китоб баҳс этса илму маърифат таълимидин,
Ўзгаси сўзин адаб аҳли қилур тақдиридин,
Ҳар бир олимни[нг] китоби илмни тавсифидин,
Адлу инсоф жорий этгай, ҳукми сўлтондур китоб.

БИР ИНТИҚОМ ТАРИХИ

Бу жасур аёлнинг номи кўпчиликка унча таниш бўлмаса керак. Унинг жасорати ҳақида эшитганлар юрти — Шаҳрисабзда ҳам йўқ ҳисоби. Баъзи манбалар орқали биламизки, Кенагасхонимнинг кўрсатган журъати уни тарихнинг ўчмас саҳифасига олиб кирган.

Кенагасхонимнинг номи даставвал нўҳна манбалардан бири — Мирза Салимбек бин Муҳаммад Раҳимбекнинг «Тарихи Салимий» китобида учрайди. Асарда унинг Бухоро амири Насрулло ўлимига сабаб бўлгани эслатилади, холос.

Бухоро Халқ Республикасининг биринчи маориф нозири Муса Санджоновнинг 1934 йили босилган «Мангитларнинг Бухорони эгаллаши» китобида айтилишича, Шаҳрисабз амалдорларидан бирининг қизи бўлган Кенагасхонимни амир Насрулло хотинликка олганда, унинг акаси Мансуржонни ҳам сарой хизматига тайинлаган. Бир гуруҳ навкарга бошчи бўлиши ва амирнинг ҳадялар бериб туришига қарамай, Мансуржон амирдан ўч олиш пайида юрган. Амир ухлаб ётганида, унинг қулоғига симоб қуйишни доим синглисига уқтириб келган. Ниҳоят, Кенагасхоним қулай фурсат топиб, бу ишни амалга оширади. Жон талвасасида ётган амир аввал Мансуржонни топтириб қатл қилдирмоқчи бўлади. Лекин аллақачон Қўқондан бошпана топиб, мактабдорлик қилиб юрган Мансуржон қўлга тушмагач, Насрулло Кенагасхонимни ўлим жазосига буюради. Кенагасхонимни яшаб турган уйининг томи остида қолдириб ўлдиришади, жасадини Чилдўхтарон қудуғига ташлашади.

Орадан уч кун ўтгач, 1860 йилнинг декабрида элу юртга ўттиз беш йил ҳаробалик келтирган золим амир Насрулло ўлади.

Адиб Садриддин Айнийнинг Душанбада нашр этилган ўн беш томлик куллиётининг ўнинчи жилдида амир Насрулло Кенагасхоним томонидан ўлдирилганлиги эслатилади. Амир хизматида бўлган шаҳрисабзликлар қаторида Мансуржоннинг номи ҳам тилга олинади. Бу фожианинг тафсилотини устод Садриддин Айний 1937 йили «Гулистон» журналининг биринчи сони учун ёзиб берган. Журналда босилган «Калла юмалади», «Кенагасхоним», «Шербудун сайили» сарлавҳали уч тарихий лавҳани адиб аслида Ўзбекистон Кинохроника студиясининг илтимосига кўра ёзган.

Муаллиф кичик лавҳанинг бош қисмида амир Насруллонинг Шаҳрисабз ва Китоб музофотларига қарши қилган юришлари хусусида тўхталади. Амир кенагас элини ўз асоратига олиш учун 18 йил давомида 32 марта ҳарбий сафарга чиқади. Бу осуда юртга кўпинча кўклам ва куз фаслларида ҳужум қилади. Чунки кенагас элини уруш билан енгиб бўлмаслигини англаб, у ҳийла йўлига ўтади. Кўклам сафарида сурункасига бир ой, бир ярим ой бошоқлаб қолган буғдой ва арпаларни қўшининнинг отларига едиради, мевали дарахтларнинг ҳосилини нобуд қилиб ташлайди. Халқни кўклам ва ёзги насибасидан маҳрум этгандан сўнг, Бухорога қайтади. Кузда яна сафарга отланади. Яна ўша аҳвол давом этади... Ботир эл кетма-кет келган қаҳатчиликдан кейин охири мағлуб бўлади.

Лавҳанинг иккинчи қисмида иродали, жасур аёлга қиз ҳақида қуйидагича ҳикоя қилинади:

«Асираларнинг энг чиройлиси бўлган ўн етти яшар Фотимаой номли қизни амир ўзига хотин қилиб, унга «Кенагасхоним» лақабини беради.

Амир Кенагасхонимдан бир нафас ажралмас эди, ҳарамида бўлган юзга яқин чиройли хотин-қизларни бутун назардан ташлаб, ҳар неча Кенагасхоним бўлмасида қўнади.

Амир Кенагасхоним ишқига шундай берилган бўлса ҳам, у, амирдан нафрат қилмоқда, амирга қарши ўтли бир ғазабни ўз кўнглида ўстирмоқда эди, чунки амир унинг кўзи олдида отасини, онасини, ёш ука ва сингилларини ваҳшиёна ўлдирган. Ёлғиз унинг ўзини мурдор нафсининг хоҳиши учун тирик сақлаган эди.

Кенагасхоним амирдан ўч олиш учун фурсат кутади. Бунинг учун бошда заҳар тайёрлайди. Лекин заҳар ичиришга муваффақ бўлмайди, чунки амирнинг одати, ким бўлса-бўлсин, бировнинг қўлидан бирон нарса ичмакчи ёки еманчи бўлса, аввал у нарсадан ўша одамнинг ўзига ичирар, егизар, сўнгра ўзи ичар ёки еър эди. Амирнинг бу одатини кўрган Кенагасхоним заҳар ичиришдан кечиб, ўлдирилмаган симоб тайёрлайди.

Амирнинг ҳарамига киришининг олтинчи ойида олдида ухлаб ётган амирнинг қулоғига симоб қуяди. Симобнинг ҳаракатидан уйғонган амир, бошда ўзини қулоқ оғриғи бўлган, деб гумон қилади. Табиб чақиртиради. Табиблар амир қулоғига симоб қуйилганини муайян қиладилар.

Амир бу ишнинг Кенагасхоним қўлидан бўлганини билиб, уни Бухоро арки-нинг ичида Чилдўхтарон деган жойда одам ўлдириш учун тайёрланган бир қудуққа ташлаб ўлдиради ва тездан ўзи ҳам ўлади».

Золим амир Насрулло тутқун қизнинг қалбини асло асир эта олмади. Кенагасхоним лаънабли Фотимаойнинг кўксида интиқом ёлқинланиб турди. Бу интиқом оташига не-не таҳқирланган, таланган, топталган, бўғизланган бегуноҳ фақирлар ва қариндошларининг оҳ-фарёди туташган эди. Бу интиқом ҳатто Кенагасхонимнинг замондоши, машҳур ўзбек шоираси Нодиранинг фожиали ўлимига ҳам муносиб жавоб эди.

Мурод ХИДИРОВ

Фарҳод МУСАЖОНОВ

Ҳажвий ҳикоя

I

Қўчқор Эрматович ўртамиёна бир идоранинг бошлиғи, қўл остида ўн чоғли одам ишлайди. Коллективи шундай аҳил, шундай иноқки, кўрган одамнинг ҳаваси келади. Бу ҳам уста раҳбарликнинг оқибати, албатта.

Бизнинг Қўчқор Эрматович эски бошлиқлар тоифасидан эмас. Дид билан кийинади, оппоқ кўйлагининг ёқасига гард юққанини ҳали бирор кимса кўрган эмас, бўйнидан галстук аримайди, шимининг қирраси билан қовун сўйса бўлади, туфлиси қишин-ёзин ярақлаб, кўзни қамаштиради.

Соқоли борми-йўқми, ҳеч ким билмайди, чунки ияги доимо йилтираб туради. Узи жуда басавлат, келишган, чўғдеккина киши.

Қўчқор Эрматович кабинетига кириб энди жойига ўтирган ҳам эдики, бирдан телефон жиринглаб қолди. У трубкани олди. Телефонга қулоқ солган сари юзи жиддийлашаверди. Охири: «Яхши, албатта чорасини кўрамиз», деб трубкани илиб қўйди. Қовоғини солиб бирпас ўйланиб қолди. Кейин столнинг ёнбошидаги тугмани босди. Баланд пошна туфлисини дўқиллатиб секретарь қиз кирди.

— Назирахон, ходимларга айтинг, ҳаммалари йиғилишсин, фавқулодда мажлис бўлади.

— Хўп,— Назирахон яна туфлисини дўқиллатиб чиқиб кетди.

Салдан кейин хонага бирин-кетин хизматчилар кириб кела бошлашди.

Аллақандай қоғозни ўқиб ўтирган Қўчқор Эрматович кирганлар билан бош кўтармай саломлашарди. Хона ўртасига қўйилган узун стол атрофидаги жойлар деярли тўлди. Ниҳоят, Қўчқор Эрматович бошини кўтариб ўтирганларга хомуш назар ташлади:

— Ҳамма йиғилдими?

— Ҳа, Саидовдан бошқа ҳамма. Битта Саидов йўқ,— бирдан уч-тўртта одам жавоб берди.

Худди шу пайт кибр билан маҳаллий комитет раиси Салимхўжа Саидов кириб келди. У тилла тишини кўрсатиб илжайганча бошлиқ билан саломлашди. Кейин тўрга ўтиб, Қўчқор Эрматовичнинг тўғрисидаги бўш стулга ўтирди. Ўтирдию кўзини ўйнатиб шифтга қараб қўйди. Кейин чиройли бир ҳаракат билан қўлини иягига тирадида, «Мен тайёр, бошлайверинг», дегандек бошлиққа қаради.

Қўчқор Эрматович кўзи билан қидириб Муслим акани топди. Унинг ранги ўчган, киртайган кўзларини жавдиратиб, бурчакка тикилиб ўтирарди. «Мўмин-қобилгина одам шунақа иш қилади деб ким ўйлаши мумкин?!»

Сўз бошлашдан олдин Қўчқор Эрматович оҳиста йўталиб қўйди. Ҳамма бирдан жим бўлиб қолди. Бошлиқ жиддийлик билан мажлисни очди:

— Гапнинг қисқаси шуки, ўртоқлар, бизнинг муассасамиз, аҳил коллективимиз шаънига доғ туширилган...

Коллектив аъзолари ажабланиб бир-бирларига қарашди, хонани шивир-шивир қоплади. Бошлиқ, ходимлар қалбидаги бу қизиқишни янада алангалатиш учун сукут сақлади. Кейин томоқ қирди. Хона яна сув қуйгандек жим бўлиб қолди.

— Бугун эрталаб менга хушёрхонадан телефон қилишди!— Гарчи бошлиқ сўзларига жиддий тус беришга тиришса-да, қандайдир лоқайдлик, ўзини зўрлаб гапираётгани сезилиб турарди.— Ҳамкасбимиз Муслим ака чалажон ҳолатда хушёрхонага тушибдилар.

Коллектив аъзолари яна бир-бирларига қарашди, хонани яна шивир-шивир қоплади. Қўчқор Эрматович яна томоқ қирди ва хона яна сув қуйгандек бўлиб қолди.

— Бу масалани, ўртоқлар, атрофлича кўриб чиқишимиз, ҳамкасб ўртоғимизга ёрдам қўлини чўзишимиз керак, токи у қилган хатосини тушуниб, ўзига тегишли хулосалар чиқариб олсин. Хўш, биринчи ким сўзлайди?

Орага ноқулай жимлик чўкди.

— Бўлинглар тезроқ, иш вақти бекорга ўтмасин!— деди зардаси қайнаб бошлиқ.

— Ижозат этсалар, мен икки оғиз гапирмоқчи эдим,— ўрнидан турди қотмадан келган, новча Мирвалиев.

Қўчқор Эрматович калласини лиқиллатиб ишора қилди.

— Ҳақиқатан ҳам, ўртоқлар, кўнгилсиз воқеа рўй берибди. Лекин, менингча, бу воқеа тасодифан рўй берган. Нега десангиз, мен Муслим ака билан ўн йилдан бери бирга ишлаб, уни бирор марта ҳам маст ҳолда кўрмаганман. Энди, бир тасодиф бўлиб, озгина ичиб қўйган бўлса ичгандир-да... Тасодифдан ким қочиб қутуларди?

Қўлида қалам ўйнаб ўтирган Қўчқор Эрматович дилидан ўтказиб қўйди: «Мирвалиевнинг гаплари тўғри, тасодифдан ҳеч ким қочиб қутулолмайди».

— Хўш?— Мирвалиев гаплари Қўчқор акага маъқул тушаётганини сезиб борган сари қизишарди.— Бечора ўғирлик қилмаган бўлса, ғарлик қилмаган бўлса, бировни уриб ўлдирмаган бўлса, ниҳояти қилган айби — кайфи ошиб, хушёрхонага тушибди. Хўш, нима қилибди? Осмоч узилиб, ерга тушибдими? Менингча, шу арзимаган нарса учун биз Муслим аканинг башарасига балчиқ чаплашимиз керак эмас. Аксинча, коллективимиз ўртасида ҳурмат қозонган ҳамкасбимизнинг бошига кулфат иш тушган шу қора кунда унга ёрдам қўлини чўзишимиз лозим. Шу билан сўзим тамом.

Мирвалиев ўтирди. «Қойил қилдимми?» дегандек атрофга мағрур қараб қўйди. У бекорга мажлисларни яхши кўрмайди. Мажлисларнинг сиру асрорини ундан яхши биладиган кимса йўқ. Биринчи сўзлаган одам мажлисга қандай тус бериб юборса, тамом, мажлис ўша тарзда ўтаверади.

Иккинчи бўлиб паҳлавон қомат Аҳмадкабиров сўз сўради. У дўриллаб гап бошлади:

— Мен нима дердим, кўп гапиргим йўқ. Чунки мен Муслим ака ҳушёрхонага нега тушганини биламан. Негалигини ҳозир айтаман. Мен ҳам Муслим акани анчадан бери биламан. Аммо мен шу йиллар мобайнида Муслим аканинг бир марта ҳам ичкилик ичганини кўрмаганман. Энди бу ёғига эътибор беринглар. Узларингиз биласизки, ичиб юрмаган одам сағалга учиб қолади. Аминманки, Муслим ака атайлаб ичмаган, бирор зиёфатда ёки тўйда бўлган, тўғрими, Муслим ака?

Икки букилиб ўтирган Муслим ака ердан кўзини узмай бош силкиди. Шивирлаб: «Тўйда эдим», деди. Аммо овозини кўпчилик эшитмади. Фақат ёнида ўтирган Мирвалиев аранг эшитдию барала эълон қилди:

— Ҳа, тўйда бўлган эканлар!

— Ана, мен нима девдим!— қувониб кетди Аҳмадкабиров.— Тўй бўлгандан кейин ичмай кўринг-чи! Айниқса ёнингизда бирорта шилқим ўтириб қолса борми, ҳоли-жонингизга қўймайди. Муслим ака ўла қолса ўз хоҳиши билан ичмайди. Ҳойнаҳой бирорта шилқим зўрлаган бўлса керак. Тўғрими, Муслим ака?

Стулга қапишиб кетган Муслим ака яна бош силкиди.

— Ана, мен нима девдим! Шилқимга дучор бўлган. Кўнгли бўш, қўлини қайтаролмаган, мажбур бўлган ичишга, оқибати... сал учиб қолган. Бу ҳам ичишни билмаганлигидан, ичишга одатланмаганлигидан. Энди ўртоқлар, Муслим аканинг нега ҳушёрхонага тушганлиги ҳаммага аён бўлгандир. Сўзимнинг охирида, мендан олдин сўзга чиққан ўртоқ Мирвалиевнинг фикрини маъқуллаб айтаманки, биз Муслим акага қўлимизни чўзишимиз керак.

Мирвалиев ўтирган жойидан луқма ташлади:

— Ёрдам қўлимизни!

— Ҳа, баракалла, ёрдам қўлимизни чўзишимиз керак,— хатосини тузатди Аҳмадкабиров ўтираркан.

Аҳмадкабировдан кейин ҳамма жимжит бўлиб қолди. Гўё ҳар ким ўзича, бўлиб ўтган гапларнинг мағзини чақар, ҳазм қилар эди.

— Хўш, яна ким гапиради?— сўради Қўчқор Эрматович. Ҳеч кимдан нидо чиқмади.— Ким гапиради?

Ҳамма кўзини олиб қочишга ҳаракат қиларди. Фақат Саидов кўзларини пирпиратиб бошлиққа тикилиб ўтирарди.

«Ўзи туриб гапирса ҳақи кетади, албатта, таклиф кутади»— деб дилидан ўтказди Қўчқор Эрматович, ҳар қалай сўради:

— Салимхўжа Асилхўжаевич, бирор нарса дейсизми?

Саидов жилмайди.

— Бирор нарса деяйликми?— У шунақа оҳангда гапирдики, бу оҳангдан «Мен учун энг асосийси сизнинг истагингизни бажариш», деган маънони уқиб олиш қийин эмас эди.

— Ҳа, бирор нарса денг!— деди энсаси қотиброқ Қўчқор Эрматович.

Саидов таъзим билан ўрнидан турди. У гапиришдан олдин тирноғига тикилганича бирпас тиржайиб турди. Шу билан ҳамманинг диққатини жалб қилган бўлди-да, олифтанамо бир оҳангда дона-дона қилиб гап бошлади:

— Майлию Муслим ака ўша ҳушёрхонага тушган бўлсалар тушгандирлар, гап бунда эмасу аммо мен бошқа нарса ҳақида зиғирттак гапиромоқчи эдим. Хўш... мен Муслим акага, ўртоқлар, жуда кўп йиллардан бери қойил қолиб келаман. Сабаб дейсизми? Сабаби бор. Хўш, шу пайтгача Муслим аканинг бирор одам билан муштлашиб ёки айтишиб қолганини ҳеч ким кўрганми? А?.. Агар кўрган бўлса, туриб мени шу ерда шармандa қилсин!— Саидов тиржайганча ҳаммага бир-бир қараб чиқди.

Ҳеч ким индамади.

— Демак, ҳеч ким кўрмаган. Хўш, шу пайтгача Муслим аканинг ишга кечикиб келгани ёки вақтлироқ қочиб қолганини ҳеч ким кўрганми? А?.. Агар кўрган бўлса, туриб мени шу ерда шармандa қилсин!— Саидов тиржайганича яна ҳаммага бир-бир қараб чиқди.

Ҳеч ким чурқ этмади.

— Демак, ҳеч ким кўрмаган. Хўш, шу пайтгача Муслим акани бировнинг орқасидан ғийбат ёки туҳмат қилганини ҳеч ким эшитганми? А?.. Агар эшитган бўлса, туриб мени шу ерда шармандa қилсин,— Саидов тиржайганича яна ҳаммага бир-бир қараб чиқди.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Демак, ҳеч ким эшитмаган. Бас, шундай экан, Муслим ака шу пайтгача коллективимиз орасида ўзини ибратли, интизомли, одобли қилиб сифатида кўрсатган экан, наҳотки, биз унинг зиғирттак камчилигини кечира олмаймиз?! Чора кўриш осон, лекин паноҳимизга олиб, тўғри йўлга солиб юбориш чорага нисбатан минг марта олижаноброқ ва одилроқ бўлурди, деб ўйлайман.

Кўнгли тўлиб кетган Мукаррам опа ортиқ чидаб туролмай Саидовнинг сўзини бўлди:

— Вой, қўйинглар энди! Эркакларнинг ҳаммаси ҳам ичади. Бечорани ҳамманинг ўртасида изза қилиб ўтиришимиз тўғрими? Одамнинг юраги ачишаркан, ахир бола-чақали кап-катта одам бўлса! Қўйинглар энди, ичган бўлса ичибди-да.

Коллектив аъзолари ғувур-ғувур қилиб Мукаррам опанинг сўзини маъқулладилар. Шу пайт оёқ учида юриб Назирахон кирди:

— Қўчқор ака, битта мўйсафид келган эди. Сизда иши бор экан.

— Кўрпсиз-ку, мажлис бўляпти.

— Қачон келай, деб сўраяпти.

— Тушдан кейин,— деди Қўчқор Эрматович тоқатсизланиб. Секретарь чиқиб кетди.

Қўчқор Эрматович яна ўйланиб қолди: аслида Муслим акани шу мажлисга чақириб ранжитгани чакки бўлибди-да. Шундай ҳурматли одамнинг обрўсини тўкиш керак эмас экан. Лекин, иккинчи тарафдан, чақирмаслик ҳам бўлмасди, чунки хушёрхонадан қўнғироқ қилишган. Уларга бир нима деб, ақалли, мажлисда қизартирдик, деб жавоб бериб қўйиш керак-да.

Қўчқор Эрматович яна томоқ қириб, ғувур-ғувурни босди:

— Ўртоқлар, кўп йиллар мобайнида ўзининг ибратли меҳнати билан ҳаммамизнинг ҳурмат ва ишончимизни қозонган Муслим ака шаънига бугун жуда кўп яхши, илиқ, фойдали гаплар ай-

тилди. Мен ўйлайманки, Муслим ака бу гаплардан ўзига тегишли хулоса чиқариб олади ва бундан кейин йўлидан адашмайди.

Коллектив аъзолари бошлиқнинг сўзларини шовқин билан маъқулладилар. Улар мамнун эдилар. Чунки, халол гапни айтганда, улар чин юракдан Муслим акага яхшилик истардилар.

Мажлисга бошини эгиб кирган Муслим ака мажлисдан гердайиб, кўнгли тоғдек кўтарилиб чиқди. Ахир у неча йиллардан бери шу муассасада ишлаб ҳеч қачон бунчалик мақтов эшитмаган, бунчалик ҳурмат қозонмаган эди-да!

II

Ходимлар чиқиб кетгач Қўчқор Эрматович хаёлга ботди. Юраги алланечук ғаш эди. Қандайдир тутқич бермайдиган шубҳалар таталар, ўйлаб сабабини тополмас эди. Бир маҳал столнинг устидаги календарни кўрдию ғашликнинг сабаби лоп этиб эсига тушди. Календарга «справка» деб ёзиб қўйилган эди. Ҳа, справка... Ўтган куни бошқармадан шахсан ўртоқ Акбаровнинг ўзлари телефон қилдилар, Қўчқор Эрматовичдан, муассаса фаолиятидан ранжидилар. «Сустсизлар, ташаббусларинг йўқ, ташкилий ишларни жуда бўшаштириб юбординглар. Хуллас, муассасангизда иш ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилган», дедилар. Қўчқор Эрматович анчадан бери бундай қаттиқ танбеҳ эшитмаган эди.

У Саидовни чақиртирди. Ҳарқалай Қўчқор Эрматович унга суянар, ўринбосаридек, ёрдамчисидек бўлиб қолган эди у. Эшикдан мулозимат билан кириб келган Саидовни найзадек савол санчиб қарши олди.

— Мен ўтган куни айтган справкалар тайёр бўлдими?— у жўрттага «ўтган куни» иборасини таъкидлади.

Саидов сал довдираб қолди.

— Тайёр ҳисоб... фақат битта бўлим топширмади, қолганлариники тахт, Қўчқор Эрматович...

— Нега шунақасизлар-а, Асилхўжаевич?.. Бир нарса айтилгандан кейин қилиш керак-да, кеча тайёрлашга ваъда берган эдингиз. Ўзим чақириб сўрамасам, бугун ҳам қолиб кетарди. Шунақамас-да энди...

— Сўрашдими?— деди ўта мулойимлик билан Саидов.

— Сўрашлари шартми?!— энсаси қотди бошлиқнинг.— Тайёрланглар, дегандан кейин тайёрлаб қўяверіш керак. Сўраб қолишса, ҳамма муассасалардан олдин етказиб берамиз. Ўзингиз биласиз, ишимизни юзага чиқарадиган нарса шу справка.

— Мен ҳозироқ кириб ҳаммани ишга соламан. Тушлик овқатдан кейин олиб кириб бераман.

— Ишқилиб, тўлароқ, дурустроқ қилиб ёзяпсизларми?

— Ия,— тиржайди Саидов,— биринчи марта ёзишимизми справка қурғурни? Тушунсак керак... Ишимизга асосий баҳо берадиган нарса шу справка-ку!

— Хўп, бўлмаса бугундан қолмасин.

— Гап битта, Қўчқор Эрматович!

Саидов билан бўлган суҳбатдан кейин Қўчқор Эрматовичнинг кўнгли сал ёришгандек бўлди. Соатига қараса, тушликка ҳам озгина қолибди. Уйига телефон қилди:

— Ўтирибсизми, ойдин?

— Ҳа, ўтирибман,— жавоб берди хотини Санобархон.

— Зерикмаяпсизми?— овозини пасайтирди Қўчқор Эрматович.

— Зерикяпман,— эркаланди Санобархон.

— Бўлмаса ейишга ул-бул тайёрлаб туринг, ҳозир бораман.

— Келаверинг, бир амаллаб қорнингизни тўйғизарман.

Қўчқор Эрматович трубкани қўйди. Энди кайфи анча жойига тушиб қолган эди. Столдан қоғозларини олиб, уч-тўртта ҳужжатга имзо чекди. Сўнг Назирахонга икки соатлардан кейин келишини айтди-да, уйига жўнади.

У соат учларда қайтди. Назирахонга битта чой буюрди. Чойдан бир пиёла ичар-ичмас яна телефон жиринглаб қолди. Районда актив бор экан, шунақа, ишида ҳаловат йўқ, бир дақиқа ўз ҳолича ўтиролмайди. Бу уни ранжитмади, аксинча, керакли одам эканлигини ҳис этиш ёқиб тушди. Апил-тапил қоғозларни йиғиштирган бўлди-да, папкасини кўтариб қабулхонага чиқди.

— Назирахон, мен активга кетяпман. Қанчага чўзилишини билмайман. Кеч қолсам, қайтмасман. Аммо келиб қолишим ҳам мумкин. Ҳа, Асилхўжаевичга тайинланг, справкаларни менинг столимга олиб кириб қўйсин.

— Хўп бўлади,— деди Назирахон, топшириқни дафтарчасига ёзиб оларкан.

Бошлиқнинг кўнгли тўқ бўлиб, йўлга тушди.

Қўчқор Эрматович кечга яқин қайтса — идорада ҳеч ким йўқ, тўртала хона бўм-бўш. Фақат идорани супуриб-сидирадиган Роҳила хола қабулхонада илжайиб ўтирибди. Қўчқор Эрматович олдин ҳайрон бўлди, ахир иш вақти тугашига ҳали ярим соатча бор. Ходимлар қани? Қўчқор Эрматовичнинг чапақай жаҳли чиқиб кетди. У Роҳила холага юзланди:

— Қани булар?

— Кетишди, айланай,— деди Роҳила хола жилмайиб.

— Қаёққа кетишди?

— Билмадим, айланай.

— Нега илжаясиз, борадиган жойларини айтиб кетишмадими?— борган сари хуноби ошарди Қўчқор Эрматовичнинг.

— Йўқ, айланай, «зарур иш билан кетяпмиз», дейишди.

— Қандай зарур иш бўлиши мумкин?

— Билмадим, айланай.

— Сиз нима қилиб ўтирибсиз?

— Қўчқор Эрматович келгунларича ўтира туринг, деб кетишди. Ундан кейин: «Битта-яримтаси телефон қилиб қолса, «ҳамма мажлисда», деб қўйинг», дейишди.

Қўчқор Эрматович тутоқиб кетди:

— Шунақа денг?! Бу ўта кетган масъулиятсизлик, бебошлик, интизомсизлик! Шунча одамдан бирортаси ҳам бўлмаса-я?! Шошмай туришсин ҳали, эртага у такасалтангларнинг таъзирини бериб қўймасамми! Меҳнат интизомини бузиш қанақалигини кўрсатаман ҳали уларга!

Роҳила хола бу дағдағалардан пинагини ҳам бузмади, чўнтагини титкилаб бамайлихотир гапирди:

— Мабодо Қўчқор Эрматович келиб қолсалар, бериб қўярсиз, деб бир нарса ташлаб кетишди. Ҳаҳ, қаёққа қўйибман?

— Э, нарса ташлаб кетмай ў... Бирортаси лаганбардорлик қилмоқчи бўлгандир-да. Қайси бири ташлаб кетди?— сабрсизланиб сўради Қўчқор Эрматович.

— Нима эди... отини ҳам унутиб қўйибман. Ҳозиргина тилимнинг учида турувди-я...— Битта-си бор-ку... Ўзи ипакдеккина, нуқул илжайиб гаплашади.

— Мен билан у лаганбардорларнинг ҳаммаси илжайиб гаплашади!

— Мана, айланай, топдим,— Роҳила хола конверт узатди.

— Ия, бу нима бўлди?— Қўчқор Эрматович конвертни очиб билет олди, иягини қашиди, чеҳраси ёришди.— Ҳм-м, тушунарли. Оббо хумпарлар-эй! Хўш... Ҳалигидек, демак, ишлар шунақа... Хўш... Ҳозир соат неча?

— Бешдан ўттиз беш минут ўтди, айланай.

— Ҳа, бешдан ўттиз беш минут ўтибди...— Қўчқор Эрматович яна иягини қашиди. Демак, ҳали йигирма беш минут бор. Машина тайёр. Бемалол улгуриш мумкин.

— Хўш, менга қаранг, хола, сиз бўлмаса яна бирпас ўтирa туринг, олтиларгача! Мен зарур иш билан бир жойга кетяпман. Агар битта-яримта телефон қилиб қолса...

— ... мажлис бўляпти, деб қўяман,— жилмайди Роҳила хола.

— Э, авлиё бўлиб кетинг-э! Худди шундай деб қўясиз. Хўп, бўлмаса, мен борай,— типирчилаб қолди Қўчқор Эрматович.

— Бора қолинг, айланай, тезроқ бора қолинг. Тағин кечга қолиб ўтирманг.

— Лаббай!

— Ишқилиб, овора бўлиб борганларингга яраша «Пахтакор» ютсинда, айланай!

— Нималар деб валдираяпсиз?— кўзини олайтирди бошлиқ.

— Вой, айланай, мендан хавотир олманг, кошки билмасам! Мен ҳам футболга ишқивозман. Ҳа, мендан кўнглингиз тўқ бўлсин.

Қўчқор Эрматович олдинига анграйиб қолди, кейин ўзини тутолмай, пиқиллаб кулиб юборди.

— Айланай, сиздан битта илтимос бор эди,— ёлборди Роҳила хола,— кабинетингиздаги телевизордан бугунги ўйинни томоша қилсам майлими?

Қўчқор Эрматович ҳамон ўзини кулгидан тўхтата олмасди.

— Э, хўп, кўра қолинг, хола! Яшанг-э! Аммо келишиб олайлик. Бировга чурқ этиб оғиз очиш йўқ, бўптими?

Роҳила хола эркакчасига қўлини кўксига қўйиб, қасам ичди:

— Бўлди, айланай, бировга оғиз очган — номард!..

— Хўп, мен кетдим,— Қўчқор Эрматович шошилганча чиқиб кетар экан, ўзини эшикка уриб олди.

III

Ишга келиши билан Қўчқор Эрматович энг аввал Саидовни чақиртириб, справкалар тайёрми, йўқми — шуни суриштирди.

— Ия, қизиқсиз-а, Қўчқор Эрматович, албатта тайёр-да!— деди Саидов. Бизлар битта гапирамиз. Кечанинг ўзидаёқ тайёр қилиб қўйган эдик.— Саидов овозини сирли пасайтирди:— Аммо бопладик, бунақа муфассал справкани ҳеч қачон ёзмаганмиз.

Саидовнинг бу даража мустақиллиги, ўзини бошлиқ билан эркин, сирдош, тенг тутмоқчи бўлиши Қўчқор Эрматовичнинг иззат-нафсига тегди. Ходим деган, борингки, ўринбосари бўлган тақдирда ҳам, ҳаддидан ошмаслиги, ўз ўрнини билиши керак. Бўлмаса бошингга чиқиб олиши, менсимай қўйиши ҳеч гапмас.

Стол устидаги қоғозлардан бирига кўз югуртираётган Қўчқор Эрматович бошини кўтармай, совуққина гапирди:

— Қолдириб кетаверинг, кўриб чиқарман.

Саидов бу муомиладан дарров сергакланди,

— Дуруст. Камчиликлари бўлса, айтарсиз, тўғрилаб берамиз,— деди у иложи борича юмшоқроқ гапиришга уриниб.

Қўчқор Эрматович пешанасини тириштириб мураккаб бир муаммони ҳал қилишга чоғланган, серташвиш, ишчан ходимдек ўтирарди. Ўз навбатида Саидов ҳам бошлиқнинг улуғворлигини ҳис қилаётгандек қўл қовуштириб, буйруқ кутди. «Ҳа, бирпас кутиб тур. Қанча кутсанг, шунча асабинг бузилади, пастроқ тушасан. Индамаса, мени жуда ўзингники қилиб олиб, бошга чиқмоқчисан, шекилли»,— деб дилидан ўтказди Қўчқор Эрматович.— Сендан кўриб бошқалар ҳам менсимай қўйишади. Мана, кеча ёппасига футболга жўнашибди. Тағин билет ташлаб кетганларига ўлайми?! Йўқ, бунақаси кетмайди! Асли кеча футболга бормай, Роҳила холанинг олдида билетни майда-майда қилиб ташлашим керак эди».

— Фавқулодда муҳим иш чиқиб қолди,— деди сўзига жиддий тус беришга тиришиб Қўчқор Эрматович.

Фавқулодда иш эмиш! Дўст, баландпарвозлигингга! Саидов ҳам сир бой бермай ташвишли қиёфага кирди:

— Тинчликми?

— Бугун, тўғрироғи, ҳозир уч кунга Самарқандга жўнайсиз. Хўш, қиладиган ишларингиз...

Саидов ортиқ бошлиқнинг гапларини эшитмас эди. У нима қилиб Қўчқор Эрматовичнинг ғашига тегиб қўйганини билолмас, ўйининг тагига етолмас эди. Ахир қайси гуноҳи учун бу жабр? Саидов ётиғи билан тихирлик қилиб кўрмоқчи бўлди. Аммо фойда чиқмади. Бошлиқнинг қарори қатъий эди. У Қўчқор Эрматовичнинг олдидан бўшашиб чиқди ва бухгалтерияга йўналди.

Қўчқор Эрматович Назирахонни чақириб, ходимларни йиғишни тайинлади.

— Яна мажлисми?

— Ҳа!— чўрт кечди Қўчқор Эрматович.— Тезроқ қимирланг.

У секретари билан биринчи марта шундай дағал гаплашиши эди.

Кўп ўтмай коллектив аъзолари бошлиқ хонасига йиғилдилар. Охирида иккита одам судралиб кираётганда Қўчқор Эрматович ўшқириб берди. Кейин шартта ўрнидан турди-да, мажлисни бошлаб юборди.

У гапни қисқа ва лўнда қилди. Энг олдин кечаги воқеани, ходимларнинг футболга қочганини айтди. Идорада интизомнинг сусайиб кетганлиги, танқид, ўз-ўзини танқид йўқолиб бораётганини уқтирди. Юзхотирчилик, ошна-оғайнигарчилик ғовлаб кетгани, бу эса коллектив шаънига доғ тушириб қўйиши мумкинлигини куйиниб гапирди. У ўтиргач, ўртага ноқулай жимлик чўкди.

— Хўш, ким гапиради?— деб сўради бошлиқ. Гапириш у ёқда турсин, шу топда биров қаттиқроқ нафас олгани ҳам ботинолмасди.

— Хўш, ҳеч ким гапирмайдими? Демак, интизомимиз ҳам, ишимиз ҳам, ҳамма нарсамиз жойида экан-да? Демак танқид қиладиган нарсамиз йўқ экан-да!— Қўчқор Эрматович қўлини бигиз қилди.— Мана шу ҳам сизларнинг қанчалик пассив, қанчалик... хўш... танқиддан қўрқишингизни... оғайниларингизни хафа қилиб қўйишдан чўчишингизни кўрсатади!

Биринчи бўлиб яна Мирвалиев ўрнидан турди. Ҳа, у ҳар мажлисда сўзламаса, кечаси уйқуси келмасди. У гап бошлашдан олдин тўрда ўтирган Қўчқор Эрматовичга тикилганича бирпас турди, кейин халойиққа қараб сўз бошлади:

— Ўртоқлар, мен бугун мана шу юксак минбардан бошлиғимиз Қўчқор Эрматовични танқид қилмоқчиман. Танқид қилганда ҳам юзхотирни йиғиштириб қўйиб, аямасдан, дангал танқид қилмоқчиман. Ҳа, мен баъзи қўрқоқ, лаганбардор ўртоқларга ўхшаб силаб-сийпалаб, беозоргина танқид қилмайман. Мен юлиб-юлқиб, пўстагини қоқаман. Хўш, ўртоқлар, ҳамманглар биласизларки, Қўчқор ака Эрматович неча йиллардан бери бизнинг обрўли идорамизнинг асосий устуни бўлиб, идорани тебратиб келяптилар. Тебратганда ҳам силтаб ташламай, имирсиб қолмай — бир меъёрда тебратиб келмоқдалар. Бунақа тебратиш эса, ўртоқлар, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Энди шундай одам мана икки йилдирки, сурункасига мукка тушиб олиб, жонларини жабборга бериб идорани тебратиш билан оворалар. Хўш, бир савол туғилади, нега энди у киши ўз соғлиқларини ўйламайдилар? Сизнинг соғлиғингиз халқ мулки эмасми?! Халқ мулкига бундай бепарво қараш — жиноят! Хўш, у кишику иш билан банд — идорани тебратиш билан овора эканлар нега месткомдаги ўртоқлар у кишининг олтиндан азиз соғлиқлари ҳақида қайғуришмайди? Бирорта путёвка бериб, «Қўчқор ака, энди отпуска олинг, бориб Қора денгизда бир мириқиб чўмилиб келинг», деб айтишмайди?! Ҳой, ўртоқлар, мен Қўчқор аканинг юзларига тик қараб дангал айтаманки, у кишининг соғлиқларини ўзи бўларчиликка ташлаб қўйишлари қипқизил жиноят! Мен, ўртоқлар, бу чидаб бўлмайдиган ҳолга асло чидаёлмайман!

Назирахон пайдо бўлди. Мирвалиев энсаси қотиб гапдан тўхтади. Қиз оёқ учида юриб бориб бошлиқнинг қулоғига шивирлади.

А. **ХОЛИҚОВ** чизган

— Кечаги мўйсафид яна келди. Қачон қабул қиладилар, деб сўраяпти.

— Ахир кўряпсиз-ку мажлис, одамларни тарқатиб юбориб, у кишини қабул қилолмайман-ку!

— Қачон келай, деб сўраяпти. Мажлис бўлмайдиган вақтни айт, деди.

— Келаверсин қачон келса! Эртага келсин!

Секретарь чиқиб кетди. Мирвалиев сўзида давом этди:

— Сўнгра. Нега энди Қўчқор ака Эрматович идорамизнинг ажойиб бошлиғи бўла туриб, баъзи ярашмаган қилиқлар қилиб юрадилар? Нега обрўли идорамизнинг жонфидо бошлиғи бўла туриб, неча йиллардан бери шалоғи чиққан «Москвич»да юрадилар? Нима, у кишига «Волга» ярашмайдими? Хўп, у киши-ку иш билан банд — идорани тебратиш билан овора эканлар, нега биз бу ҳақда қайғурмаймиз?! Ҳой, ўртоқлар, Қўчқор аканинг обрўлари ўзларига керак бўлмаса, бизларга керак! Мен Қўчқор аканинг юзларига тик қараб айтаманки, у кишининг ўз обрўларини ўзибўларчиликка ташлаб қўйишлари ғирт жиноят. Мен, ўртоқлар бу чидаб бўлмайдиган ҳолга асло чидаёлмайман! Яна! Мен, ўртоқлар, Қўчқор Эрматовичнинг юзларига шартта айтавераман. Андиша қилиб ўтирмайман, бутун икир-чикир кирдикорларини фош қилиб ташлайвераман. Хўш, ўртоқлар, нега энди Қўчқор ака Эрматович мўътабар идорамизнинг бошлиғи бўла туриб, неча йиллардан буён оддийгина стулда ўтирадилар? Нима, юмшоқ кресло Қўчқор акамларга ярашмайдими?! Жуда ҳам ярашади-да. Хўш, нега энди Қўчқор ака бу ҳақда ўйламайдилар? Хўп, у киши-ку иш билан банд — идорани тебратиш билан овора эканлар, нега биз бу ҳақда қайғурмаймиз? Мен Қўчқор аканинг юзларига тик қараб айтаманки, у кишининг бу масалани ўзибўларчиликка ташлаб қўйишлари ғирт жиноят. Мен, ўртоқлар, бу чидаб бўлмайдиган ҳолга асло чидаёлмайман! Нутқимга хулоса ясаб, шуни таъкидламоқчиманки, ўртоқлар, Қўчқор Эрматович менинг қақшатқич ва шафқатсиз танқидимдан тегишли хулосалар чиқариб оладилар ва яқин кунларда чидаб бўлмас нуқсонларнинг ҳаммасига чек қўядилар. Мен бунга мутлақо аминман!

Мирвалиев тер қуяётган юзини арта-арта жойига бориб ўтирди. Ҳали ҳам Қўчқор Эрматовични аяди. Минг қилса ҳам бошлиққа сал чатишган жойи бор — узоқ қариндош, бўлмаса нақ ғажиб ташларди...

IV

Саидов лаззатдан тебраниб гап бошлади:

— Анов куни зап мушт едим-да! Кифтим ҳалигача оғрийди... Э, узр, мазасини сезяпман. Қани энди шунақа муштлардан кунда бўлмаса ҳам, кунора еб турсак! Э, ўлганинг яхши, мушт еб мақтангандан кўра, деётгандирсизлар ҳали? Энди, биродарлар, муштнинг ҳам ҳар хили бўлади. Агар, масалан, уч яшар ўғилчангиз жағингиз аралаш лунжингизга бир мушт тушириб: «Ада, от бўлинг, минаман», деса, ие, ўғилчам катта бўлиб қолибди. «Яша шоввоз, отасининг боласи!» деб, севинасиз. Ўзингизни шартта ерга ташлаб от бўласиз. Агар, масалан, дейлик, кўчада хаёл суриб кетяпсиз, шу пайт орқангиздан биров қўққисдан елкангизга бир мушт тушириди. Қалқиб кетиб, муккангиздан тушишингизга оз қолади, ғазаб билан шарт орқангизга ўгирилдингиз. Қарасангиз, сиз билан бир пайтлар мактабда бирга ўқиган ўртоғингиз, яна севиниб кетасиз. Ахир кап-катта магазиннинг кап-катта директори ўзини сизга яқин олиб, мушт туширса суюнмай, йиғлайсизми? Ёки, масалан, мана мен кеча еган муштни олиб кўрайлик. Бунақа мушт ейишга ҳар ким муяссар бўлавермайди. Фақат бизга ўхшаган ови юрган йигитлар ейиши мумкин. Бундай бўлди. Ўзи аксига юради-да, келиб-келиб, худди футбол бўладиган куни эрталаб бошлиғимиз Қўчқор ака олдиларига чақириб, «Зарур топшириқ чиқиб қолди, ҳозир командировкага жўнайсиз», десалар бўладими! Уни баҳона қилдим, буни баҳона қилдим, қани кўнсалар! «Борасиз» деб туриб олдилар. Бошлиқнинг гапини қайтариб бўлмайди, кўндим. Уйга бориб майда-чуйдамни йиғиштирдим-да, йўлга тушдим. Аэропортга борсам, ўзи аксига юрадида, самолётлар ҳам тайёр экан, кассир қиз жилмайиб «Қайси рейсга, нечта билет керак?» деб турибди. Энсам қотиб, чўнтагимни ковлаётган эдим, бирдан миямга яхши фикр келиб қолди. Самарқанд қочиб кетибдими, кечқурун футболдан кейин етиб оларман, дедим. Тўғри-да, ким билиб ўтирибди? Шартта кечки рейсга билет олиб, уйга қайтдим. Кун бўйи уйда оёғимни узатиб маза қилиб ётдим. Кечга яқин стадионга жўнадим. Кейинги пайтларда «Пахтакор» сурункасига ютқазавериб, ишқибозларни бездириб қўйган эмасми, борсам одам сийрак. Бошқаларни билмадиму аммо мен стадионда одам кам бўлганини ёқтираман. Ур-йиқит йўқ, одам яйраб, маза қилиб ўтиради. Билетда кўрсатилган жойни ахтариб топдим. Аммо Мирвалиев йўқ экан. Мирвалиев — оғайним, бирга ишлаймиз, сал тажангроғу аммо яхши улфат. Стадионга нуқул бирга тушамиз. Доим ғарбий трибунада ўтирамиз. Билетни бир гал у, бир гал мен оламан. Майли, ҳали замон келиб қолар деб, ўтиравердим. Аксига олиб бир маҳал ёнимдаги бўш жойга Қўчқор Эрматович келиб ўтирсалар бўладими! Хаҳ ўла, лаганбардор! Кеча мен берган билетни Мирвалиев дарров бошлиққа оширибди-да. Ер ёрилмадию, кириб кетмадим.— Ҳа, дедилар Қўчқор Эрматович маънодор қилиб. Сўрашганларими, савол берганларими, билолмадим. «Эрталабки самолётга илина олмадим, кечқурун учаман, мана», дедимда, билетимни кўрсатдим. «Ҳм-м...», деб қўйдилар Қўчқор Эрматович маънодор қилиб. Гуноҳимдан ўтганларими ёки энсалари қотганими — яна билолмадим. Игнанинг устида ўтиргандек, ўтирибман. Гапирай десам, гап тополмайман. Ичим ўзидан ўзи шув-шув этиб кетяпти. Жим ўтиравермаслик учун: «Пахтакор» бугун ютса керак», дедим. Қўчқор ака ғалати қилиб башарамга қараб қўйдилар. Қарашларидан «Ҳа, ютади», демоқчи бўлдиларми, ёки «Йўқ, ютқизади», демоқчи бўлдиларми, билолмадим. Ноқулай аҳволдан қутулиш учун: «Энди, албатта, олдиндан айтиш қийин», деб ғулдирадим. Ниҳоят, ўйин бошланди. Яхши бўлди, ўйинга чалғиб, одам ўзини сал эркинроқ тутади. Шундай бўлса ҳам, кўзимнинг қири билан бошлиқнинг қовоқларига қараб-қараб қўяман. Тумшайиб ўтирган одам ўйин бошланганидан кейин секин-аста очила бошладилар. «Югур!», «Ошир!», «Ур!», деб қўядилар. Ўйин жуда қизиқ бўлди. Ишқилиб, айтинг-айтинг, «Пахтакор» ютсин, деб ўтирибман. Агар ютқазиб қўйса борми, бошлиқнинг кайфлари бузилиб кетади. Бошлиқнинг кайфи бузилганда эса, ўзингиз биласиз, қўли остидаги одамларнинг шўри қурийди. Бир маҳал битта ўйинчимиз тўпни рақибга бериб қўйган эди, Қўчқор ака «Э, лапашанг!» деб қичқириб юбордилар. Мен пайтдан фойдаланиб қолдим: сапчиб ўрнимдан турдиму бояги лапашанг футболчичи овозим борича бақириб бопладим. Орқамдан биттаси секин елкамни силаб: «Ўпкангизни босиб олинг, мулла ака!», деб ўтказиб қўйди. Энг қизиғи, «Пахтакор» тўп урганда бўлди. Пурвиқор, сервсавлат Қўчқор ака Эрматович ўринларидан ирғиб туриб кетдилар. «Бопладинг, азамат!» деб қичқирдиларда, елкамга боплаб мушт туширдилар. Ишқилиб, бахтимизга омон бўлсинлару, бошлиғимиз айни кучга тўлган ёшдалар. Энди мушт қурғурнинг залвари ҳам гавдага яраша бўлади-да, муккам билан тушишимга сал қолди. Лекин сир бой бермадим. Чидамли йигитлардан эмасмизми, кўздан ёш тирқираб кетса ҳамки, тиржайиб тураверди.

Ҳаммани оғзига қаратиб олган Салимхўжа Саидов ўзидан мамнун эди. Сеҳрли эртак эшитгандек анқайиб қолган ошпаз култ этиб ютиниб ўзига келди. У тавозе билан олдин Салимхўжа Саидовга, кейин улфатларга қаради.

— Биродарлар, менда битта таклиф бор. Шу Салимхўжа акахонимизнинг саломатликлари учун битта ичсак, бу дунёдан армонсиз ўтардим.

Улфатларга бу таклиф бажонидил маъқул тушди.

(Охири келгуси сонда)

ШАХ МАТ

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
таҳрири остида

Бу суратларда атоқли ўзбек шахмат устаси Азмиддин Хўжаевнинг ўттизинчи йилларда ўтган турнирларда қардош республикалар усталаридан Н. Руднев (РСФСР) ва Б. Гелдиев (Туркманистон) билан учрашувлари акс эттирилган. Уйинлардан бирини СССРнинг машҳур шахмат устаси С. Фрейман кузатмоқда.

Конкурсга марҳамат

Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланади

Республикамиз шахматчилари орасида тарқалган айрим эски ўйин — шатранж қоидаларидан халқаро қоидаларга ўтишда ва ўзбеклар ўртасида шахмат маданиятини кенг ёйишда Азмиддин Хўжаев биринчи ташаббускорлардан эди.

Азмиддин Хўжаев 1892 йилда Тошкентнинг Шайхантаҳур даҳасида туғилди. Шахматга бўлган ҳаваси учун у бир неча марта мадрасадан чиқарилган эди. Лекин Азмиддин шахматдан воз кечишни хаёлига ҳам келтирмаган, аксинча, дўстларида шахматга иштиёқ туғдирган. Янги ўйин қоидаларига ўтилгандан кейин у эски шаҳарда шахмат тўгаракларига раҳбарлик қилди ва шогирдлар тайёрлай бошлади. Айни вақтда ўз маҳоратини ҳам тинмай ошира бориб, 1929 йили биринчи даражали шахматчи бўлди. 1930 йилда Самарқандда ўтказилган республика биринчилигида қатнашиб, Ўзбекистоннинг илк чемпиони деган унвонга эришди. Ўттизинчи йилларда Тошкентда очилган пионерлар саройида шахмат тўгаракларини ташкил этди.

Кейинчалик Тошкент ва республика чемпионлари даражасига кўтарилган, Бугунитгифоқ мусобақаларида ўзларини кўрсатган Ҳ. Абдуллаев, А. Айрапетов, В. Ясевич, Р. Раҳимов, У. Элбеков ва бошқалар Азмиддин Хўжаевнинг шогирдларидандир. Ҳурматли отахон шахматчиларимиздан спорт мастерлигига номзодлар З. Хўжаев, С. Ҳожибеков, Н. Ғаниев ва бошқалар ҳам Азмиддин Хўжаевни ўз устозлари деб биладилар. 1934 йили москвалик мастер В. Панов унинг маҳорати ҳақида бундай деган эди: «А. Хўжаев ўзбеклар орасидаги энг «европалашган» шахматчидир. У ўзига хос Ўзбекистон Чигорини, миллий шахмат кадрларининг устози ҳамда мураббийсидир».

1931 йилда Москвада ўтказилган СССР биринчилигининг ярим финалида кучли мастерлардан бири Блюменорельд устидан эришган ғалабаси Азмиддин Хўжаевни Иттифоққа танитган эди.

Бу йил Азмиддин Хўжаевнинг туғилганига 80 йил тўлади. Шу муносабат билан «Гулистон» редакцияси Республика шахмат федерацияси билан биргаликда уста Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишлаб конкурс ўтказишга қарор қилди.

Конкурсда иштирок этувчилар саккизта масала, бир этюд, бир комбинацияни ечишлари ва иккита саволга жавоб йўллашлари керак.

Уста Азмиддин Хўжаев айниқса эндшпилларни моҳирона ўйнарди. Конкурс вазифаларида шу ҳам ҳисобга олинди.

Изоҳлар: 1. Жойни тежаш мақсадида иккинчи билан учинчи ва бешинчи билан олтинчи масалалар бир-тадан диаграммага жойлаштирилди. Тахтага терганда уларни ажратиб турган чизиққа эътибор беришни унутманг.

2. Жавоб йўллаганда икки юришли масалаларнинг дастлабки — биринчи юришини, уч юришли масалаларнинг икки юришини, тўрт ва беш юришли масалаларнинг эса ҳамма юришларини кўрсатинг. Этюд ҳамда комбинацияннинг жавоби иложи борича ихчам ва аниқ бўлсин.

3. Тўғри жавоблар учун икки юришли масалаларнинг ҳар бирига иккита, уч юришлиларига — учта, тўрт юришлигига — тўртта, беш юришлисига — бештадан, этюд, ҳамда комбинацияга — олтитадан очко берилади.

Конкурснинг энг кўп очко олган ўн ғолибига мукофотлар таъсис этилган.

Азмиддин Хўжаев республикамизда шахматни ҳар тарафлама кенг тарғиб қилар экан, уни кўҳна маданиятимизнинг бир қисми, Ўзбекистонни эса шахматнинг асл ватани деб билардик. Кейинги тадқиқотлар бу фикрни тўлдирмоқда.

Шахмат ўзи нима! Фанми, спортми, санъатми, деган муаммо устида ҳануз баҳс боради. Бу ҳақда фикрлар кўп.

МАҲАСТИ-МАҲСАТИЙ ТАРИХИЙ ШАХСМИ?

Маҳасти-Маҳсатий ГАНЖАВИЙ

Рубоийлар

Эй, ҳусни шафтоли гулидай жонон,
Дудоғингнинг атри дардларга дармон.
Жонон бисотида бир боғча бордир,
Шафтолусин тотиб кўрсайдим бир он.

Аччиқланма, деди, эй ёр, бу кеча,
Тингла насиҳатни, дилдор, бу кеча.
Очарман қўйнимни сенга, сабр айла,
Қасосга шайланма зинҳор, бу кеча.

Арвотга банданг чулғайди кафан,
Бу ишга шармат ўзи йўл берган.
Менингчи, кафаним бир рубоийдир,
Бунга йўл берувчи ҳеч дин бормикан!

Бир бўса бер менга қанд лабларингдан,
Бир эмас, икки, уч, тўрт, бешни бер сан.
Олти, етти, саккиз, тўққиз бўса бер,
Сўнг эса ўн бўса лутф айла бирдан.

Сени ёндирдилар, айт-чи, шам, нечун,
Ёндириб, унутиб кетдилар бутун!
Ўзинг айт, найласин, инсон ўзи ҳам
Яралган бўлса гар ёнмоқлик учун!

Эй дўст, муҳаббатнинг умри тузоқдир,
Орзум истагингдир, бу сўзим ҳақдир,
Қароримни олди сифоришларинг,
Сабр деганлари мендан узоқдир.

Бир гўшада кекса, қўлида бода,
Ичиб йиғлар эди, кўп, илтижода.
— Тавбани ким бузди, э худо, менми?
Аммо сен кам қилма раҳминг дунёда.

Бу оташин мисралар Шарқнинг буюк шоираси Маҳасти-Маҳсатий Ганжавий қаламига нисбат берилади. Шоиранинг фалсафий теран, шаклан гўзал, пурмаъно рубоийлари бир неча асрлардан бери шеърият мухлислари қалбини забт этиб келмоқда. Унинг рубоийлари Озарбойжон, Тожикистон, шунингдек, Эронда қайта-қайта нашр қилинмоқда.

Лекин шоиранинг ўзи ҳақиқатан тарихда ўтган шахсми? У қаерда, қачон туғилган? Агар тарихий шахс бўлса, унга нисбат берилаётган шеърлар чиндан ҳам шоиранинг ўзиникими?

Бу каби саволлар олимларни кўпдан қизиқтириб келади. Лекин саволларга ҳамон аниқ ва узил-кесил жавоб топилган эмас. Маҳасти-Маҳсатий ҳаёти, ижодини текшириш юзасидан олиб борилаётган илмий баҳслар тўхтамаётганлиги, аммо ҳали-ҳануз бирор муқим фикрга келинмаганлигининг сабаби ҳам шундандир.

Баъзи тадқиқотчилар шоира XII асрнинг аввалларида Озарбойжоннинг Ганжа шаҳрида туғилган, Низомий Ганжавий, Ҳоқоний, Умар Хайём, Адиб Собир Термизий сингари улуғ шоирлар билан замондош бўлган, деган фикрни олға сурадилар. У ғоят гўзал, мусиқа ва санъатда, шеъриятда нодираи даврон истеъдод сифатида Маҳсатийхоним номи билан шуҳрат қозонган экан. Озарбойжон ёзувчиси М. Ўрдубодий ҳам «Қилич ва қалам» романида шоирани тарихий шахс тарзида тасвирлайди. Бошқа баъзи адабиётшунослар эса шоиранинг асли исми Муниса, Хўжандда туғилган, кейинчалик Ганжага бориб қолган, Маҳасти (маҳ-ҳасти — ой юзли) унинг тахаллусидир, дейдилар. Шоирани Нишопурда дунёга келган, тахаллуси Меҳситти, яъни бузург хоним дегувчилар ҳам бор. Санъатакорга бу унвонни «буюк салжуқийлар»дан бўлмиш Султон Санжар (1118—1157) инъом этган эмиш. (Ривоятларга қараганда, шоира Султон Санжар саройига олиб келтирилган экан). Шарқ адабиётининг билимдони Евгений Эдуардович Бертельс Низомий Ганжавий ҳаёти ва ижодига бағишланган машҳур монографиясида Маҳасти-Маҳсатий шахси, рубоийлари хусусида сўз юритар экан, бузург хоним — бу салжуқ ҳукмдорлари саройла-





1, 2, 3-диаграммалар — масалалар: оқлар юриш бошлаб икки юришда мот қилади.





4, 5, 6-диаграммалар — масалалар: оқлар юриш бошлаб уч юришда мот қилади.



7-диаграмма — масала: оқлар юриш бошлаб тўрт юришда мот қилади.



8-диаграмма — масала: оқлар юриш бошлаб беш юришда мот қилади.



9-диаграмма — этюд: оқлар юриш бошлаб ғалабага эришади.



10-диаграмма — комбинация: юриш қоралардан. Сиз қандай ўйнардингиз?

Шу муносабат билан, сиз шахмат мухлисларига қуйидаги икки савол билан мурожаат қилишни лозим топдик:

1. Шахсан сиз шахматнинг қайси жиҳатини устун қўясиз, сизга бу ўйиннинг нимаси кўпроқ ёқади!

2. Шатранжимиз — шахматимиз тарихини баён қилувчи қандай маълумотларни биласиз! Шарқ классик адабиётидан шахматни куйловчи оригинал парчалар ҳам келтира оласизми!

Бу саволларга йўлланган жавоблар ўз қимматига кўра конкурсимиз якунида ҳисобга олинади ва энг яхшилари журнал саҳифаларида эълон қилинади.

Жавобларни «Гулистон» редакциясига йўллаганда конверт устига «Шахмат конкурсига» деб ёзиб қўйинг. Исм ва фамилиянгизни, ёшингиз, иш ёки ўқиш жойингиз, разрядингиз бўлса уни ҳам кўрсатинг. Саволларга берган жавобларингизда қайси манбадан фойдаланганингизни ҳам аниқ ёзиб қўйинг.

Конкурсга жавоблар юборишнинг охирги муддати (конвертдаги почта штампи ҳисобга олинади) — 1972 йилнинг 25 августигача.

Жаҳон адабиётидан

Кел, эй, сўзи икки ишвакор ўғлон,
Бутун қилмишлари фитнакор ўғлон.
Берган ваъдаларни узум сувидек
Қадаҳдан тўкма сен, айла ор, ўғлон.

Абдулла **ОРИПОВ** таржимаси

Сен билан ўтган кеча-кундузларим кетди,
Кипригим узра дуру юлдузларим кетди.
Сен дилим ороми, мунис дилбарим эрдинг,
Кетдингу, тилдан шакардек сўзларим кетди.
Бағримиз айёмнинг ўтхонаси,
Оҳимиз бўлди жаҳон афғонаси.
Билки, ичсак кўзадан сув, кўзанинг
Лойи аждод умрининг афсонаси.

Эй фалак, жабринг ила олам хароб,
Қайғу сочмоқ — одатинг, айлаб шитоб.
Эй қаро тупроқ, бағринг очсалар —
Жилва сочгай не-не гавҳар, дурри ноб.
Зулфи занжирнинг саросар айладинг,
Ҳам хароботни мунаввар айладинг.
Бир табассумкинг била, соҳибжамол,
Нури ишқинг шамси анвар айладинг.
Мен харобат йўлида дарвешман,
Бўй баробар хум кетур—сархушман.
Мен бир ўзлик қул эрурман, на кофир
На сўфий, на ётга дўсту хешман.

НАЗАРМАТ таржимаси

рида эътиборли канизакларга султонлар томонидан бериладиган мартаба бўлганлигини таъкидлайди. Унинг фаразича, Маҳасти-Маҳсатий образининг майдонга келишига дастлаб ҳақиқатда яшаб ўтган ва бадиҳагўйлик билан рубоийлар тўқиб шуҳрат қозонган бирор хонанда сабабчи бўлган. Маҳасти-Маҳсатийга нисбат берилган рубоийларнинг муҳим хусусияти шундаки, уларда ҳаёт лаззатлари, муҳаббат эркинлиги, май ва маҳбуб улуғланади, риндона кайфиятлар, ҳайёмона руҳ барқ уриб туради. Е. Бертельснинг фикрича, кейинчалик кўпгина шоирларнинг худди шу услубда ёзилган рубоийлари ҳам Маҳасти-Маҳсатийга нисбат берила бошлаган. Шоира рубоийлари орасида Умар Хайём, Ҳоқоний ва бошқа шоирлар қаламига мансуб рубоийларнинг учраши бу фикрнинг ҳақиқатга яқинлигини яна бир бор исботлайди. Хуллас, шунга ўхшаш мулоҳазалар, тахминлар кўп. Бироқ Маҳасти-Маҳсатийнинг қаерда, қачон туғилганлиги, асли исми масаласи ҳалигача муаммолигича қолмоқда.

Ҳозиргача эълон қилиниб келинаётган рубоийлари хусусида эса шуни айтиш керакки, улар XII асрда яшаб, ижод этган ватандошимиз забардаст шоир Ҳамидиддин Жавҳарий Бухорийнинг муҳаббат мавзуидаги достонидан олинган. Шеърий санъатни мукаммал эгаллаган шоир Жавҳарий Заргар бу достонида Ганжа хатибининг ўғли шоир Амир Аҳмаднинг шоира ва санъаткор Маҳастига бўлган муҳаббати тарихини баён этади. Достоннинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, асар қаҳрамонлари халқ достонларидаги каби, рубоий билан савол-жавоб айтишадилар. Асарда кўпчилик рубоийлар Маҳасти тилидан келтирилади. Улар орасида, юқорида айтганимиздек, Умар Хайём, Ҳоқоний рубоийлари ҳам учраб қолади. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси Маҳасти-Маҳсатий Ганжавий ижоди хусусидаги баҳс-мунозараларнинг қайта-қайта кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Албатта, бундай муаммоли масалалар жаҳон адабиёти тарихида кўп. Масалан, «Илиада» ва «Одиссея» эпосларини Гомер ёзганми, ёки бир қанча шоирлар яратганми, деган муаммо минг йиллардан бери олимларнинг бошини қотириб келмоқда. Фақат яқиндагина электрон-ҳисоблаш машинаси ёрдамида «Илиада»нинг услуби текширилиб, асарнинг бир автор қаламига мансублиги аниқланди. Шекспир буюк трагедияларини ўзи ёзганми, деган баҳс-тортишувлар ҳали ҳам давом этмоқда. «Яли-яли» Алишер Навоий қаламининг маҳсулими, ёки Юсуф Сарёмийники? Бу жумбоқ ҳозирча ечилган эмас. Маҳасти-Маҳсатий Ганжавий шахси, ижоди устида бўлаётган мунозаралар ҳам худди шундай ҳодисалардан.

Бу мулоҳазаларимиздан журналхоннинг ҳафсаласи пир бўлмаслиги керак. Негаки, гўзаллик мухлисларининг ихтиёрларида қимматбаҳо дурру гавҳарлар бор. Бу — оташқалб шоиранинг ўлмас рубоийларидир. Улар кимнинг қаламига мансуб бўлмасин, барибир, инсоният яратган шеърият жавоҳирлари сифатида келажакда ҳам неча-неча авлодларни ҳаяжонлантириб, оламолам завқ-шавқ бахш этади, ҳаётни, дунёни янада теранроқ идрок этишга кўмак беради.

Биз Маҳасти-Маҳсатий Ганжавий рубоийларидан намуналар босмоқдамиз. Шоир Назармат форс-тожик тилидан таржима қилган рубоийлар Тожи Усмоннинг «Шоира Маҳасти» (Душанба, 1963), Абдулла Орипов озарбойжон тилидан ўзбекчалаштирган рубоийлар эса, Маҳсатий Ганжавийнинг Нигор Рафибайли таржимасида чиққан «Рубоийлар» (Боку, 1961, учинчи нашри) китобидан олинди.

Маҳмуд САЪДИЙ

Йил — ўн икки ой

март

Баҳорнинг биринчи ойи. Абу Райҳон Берунийнинг кўрсатишича, қадим замонларда бу ойни Ўрта Осиёда «хурвдод», қибтийлар «марса», румоликлар «мартиюс» деб атаганлар.

Ернинг Қуёш атрофида айланиши бизга Қуёш Ер атрофида айлангандек туюлади. Қуёшнинг бир йил мобайнида осмонда чизган йўли эклиптика деб аталади. Мирзо Улуғбекнинг таъкидлашича: «Эклиптиканинг тўртта нуқтаси ҳамма вақт бир хилда оғади. Бу тўрт нуқта жуфт-жуфт бўлиб, кун тенглигининг у ёки бу нуқтасидан баравар узоқликда жойлашади. Бутун эклиптиканинг ҳамма нуқталари оғишини тўғри аниқлаш учун эклиптика квадрантларидан бири нуқталарининг оғишини аниқлаш кифоядир. Бизнинг ўз кузатишимиздан маълум бўлдики, тўла (ёки умумий) оғиш 23°30′17″ га тенг». Академик Т. Н. Қори-Ниёзийнинг фикрича, Улуғбек айтган «тўла (ёки умумий)» оғиш, бу — биз эклиптика оғиши, деганимиздир. Дарҳақиқат, эклиптика билан осмон экватори орасидаги бурчак такрибан 23 даража эканлиги аввалларн ҳам маълум эди. Уни Эратосфен, Гиппарх, Птолемей, ал-Баттоний, ал-Сўфий, Абул Вафо, ал-Кўҳий, Ибн Юнус, Насриддин Тусий каби буюк олимлар аниқлаганлар. Лекин фаслар ҳисоб-китобини олиб боришда муҳим аҳамиятга эга бўлган бу бурчакнинг энг аниқ қимматини топишга Улуғбекнинг илмий кузатишлари ва тафаккури имкон берди. Ҳозирги замон математик ҳисоблашлари ва кузатиш асбоблари ёрдамида аниқланишича, Улуғбек фақат 32 секундга янглишган. Шу қадар аниқликка эришган Улуғбек шаънига ҳар қанча таҳсин айтса арзийди!

Улуғбек тилга олган тўртта нуқта: баҳорги кун тенглиги — 21 март, ёзги қуёш тўриши — 22 июнь, кузги кун тенглиги — 23 сентябрь ва қишки қуёш тўриши — 22 декабрь кунларидир. Кун тенгликлари пайтида Ер қуррасининг ҳамма жойида (қутблардан ташқари) кеча ва кундуз баб-баравар тенг бўлади. Бинобарин, март ойи давомида қисқалашиб қолган кундуз узайиб, узун кеча қисқариб боради, 21 мартда эса бараварлашади, сўнгра кечанинг қисқариши ҳисобига кундузи узайиб боради. Ундан сўнг эса Қуёш осмонининг жанубий ярим шаридан шимолий ярим шарига ўта бошлайди. Ер экваторида Қуёш зенитда — тикқада бўлади. Қуёш баҳорги кун тенглиги куни — Ҳамал юлдузлар буржида, ёзги қуёш тўриши пайтида — Саратон буржида бўлади. Ҳамалдан Саратонгача ўтиш тезлиги, масофасини Беруний сферик тригонометрия усули билан аниқлаб, Қуёш бу паллада кейинги паллага қараганда секинроқ ҳаракат қилишини ҳисоблаб берган.

Баҳор!.. Гўзал фасл. Ибн Сино айтадики, баҳор пайтида қон танада меъёри билан ҳаракат қилади. Кўклам чоғидаги чеҳраларнинг гулгунлиги ҳам шундан.

Шарқ мамлакатларида қадим замонларда шамсия йил ҳисоблари бўйича янги йил баҳорги кун тенглигидан бошланган. Бу давр наврўз деб аталган. Берунийнинг таърифлашича, наврўз байрами ерга баҳор ёмғирининг илк томчилари тушишидан то гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан то мевалар етилгунча, ҳайвонларда шаҳват қўзғалишидан то насл вужудга келгунча, ўт-ўланлар униб чиққанидан то вояга етгунча давом этади. Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлса, наврўз вақтнинг кўзидир.

Байрамлар, ҳайитлар икки хил бўлган: бир хиллари диний мароссимларга бағишланган бўлса, бошқалари табиат ҳодисалари шарафига ўтказилган. Наврўз байрами ҳам ана шундай табиат ҳодисалари билан боғлиқ шодиёналардандир. Бу даврда, ривоятларда айтилишича, ўсимликлар амалга киради, гуллар очилади, қушлар сайрайди, беморлар роҳатланади, кишилар қайғуларидан фориғ бўлади, сафардагилар тинчланади.

Табиат ҳодисалари билан боғлиқ яна бир қанча байрамлар, ҳайитлар бўлган. Чунончи, Ўрта Осиёда «Ромуш оғом ҳайити», «Хвора ҳайити», «Бомихвора ҳайити», «Кашмин ҳайити», «Нимсарда ҳайити», «Минйидихвора ҳайити», «Бод амком ҳайити», «Ажғор байрами», «Аздоканд хвор ҳайити», «Ёғлиқ нон татиш байрами», «Қовоқ байрами» ва шу сингарилар.

Табиатнинг гўзал фаслида ўтказиладиган наврўз ва бошқа байрамларда Ўрта Осиё ва қўшни мамлакатларда кишилар маълум расм-русмларга амал қилганлар. Наврўз тонгида улар бир-бирлари билан гаплашишдан олдин шакар тотганлар ва бошқаларга ҳам ҳадя қилганлар, ўзларига зайтун ёғи сурганлар, беҳи ва олма еганлар, наргис ва пўртахол ҳидлаганлар, гулсафсар ва тол шохини тутатганлар, қўноқ унидан пиширилган овқат еганлар... Буларни баъзан онгли, баъзан онгсиз йўсинда яхши ният билан қилганлар. Соғлом бўлиш ва таниш-билишларига саҳат-саломатлик келтириш, турли балоларни даф қилиш, бахтга эришиш, фаровон умр кечириш, қаҳатчилик, қаттиқчилик ва фақирликдан омон бўлиш — уларнинг эзгу ниятлари эди.

Бу расм-русмларнинг диний маросимларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Ўрта Осиёда, Берунийнинг маълумот беришича, исломдан аввал ҳайитларни улуғлар эдилар.

Бизнинг давримизда наврўз байрамини ўтказиш тобора расм бўлиб бормоқда. Табиатнинг гўзал кунлари — баҳор фасли одамларга ором бағишламоқда.

Баҳорги кун тенглиги бу йил 20 мартга тўғри келади (чунки йил кабисалик) шу куни ҳут ойи тамом бўлиб, ҳамал бошланади. Қамарий ҳижрий эрасининг сафар ойи — 17 мартда, шамсий ҳижрий ҳисобининг фарвардин ойи — 21 мартда бошланади.

Ой боши — 15 март, тўлиной — 29 март.

Сайёралар кўриниши: Меркурий (оқшомда), Венера (оқшомда), Марс (оқшомда), Юпитер (тонг отарда), Сатурн (оқшомда), Уран, Нептун (тун бўйи).

О. ФАЙЗУЛЛАЕВ

Очил дастурхон

Ҳудди шу кунларда бўш вақт топиб, дала сайрига чиқинг. Шарқираб оқаётган ариқ бўйларида янги кўкарган ва атрофга ажиб ҳид таратаётган ялпизларни теринг. Ялпизгина эмас, отқулоқ, жағжағ, йўнғичқа, шўра, момақаймоқ, исмалоқ, чумчуқўқўз, туяпойбарг, мачин, эрман каби бир неча хил гиёҳлар кўпчиликка қадимдан маълум. Бу хил гиёҳларни халқимиз ибтидоий йиғим-терим давридан буён истеъмол қилиб келади.

Айтайлик, сиз ўша кўкатлардан икки килограммчасини териб келдингиз. Уни совуқ сувда бир неча бор ювинг, хас-чўпларини териб ташлагач, майдалаб чопинг. Кўк қиймага нишпиёз, кўк пиёз, пишган тухум, жизза, туз ва мурч аралаштириб яхшилаб эзинг.

Кўк чучвара

Хамирни тухум чақиб қаттиққина қилиб қорасиз, дастурхонга ўраб ўн-ўн беш минутча тиндиргач, нафис қилиб ёясиз, ёймадан эса тўрт энлик жилдчалар кесиб, кўк қиймадан солиб чучвара тугасиз. Бунинг учун: кўк қиймани бир оз ёғ билан қовуриб олиш керак. Тугилган чучвараларни қайнаб турган сувда пиширибларанга сузасиз. Сувга туз солишни унутманг.

Масаллиқ. Қийма учун 2 кг ёввойи ошкўк, 300 грамм нишпиёз, 2 боғ кўк пиёз, 2 дона тухум, 200 грамм жизза ёки 150 грамм майда тўғралган думба ёғи ёки чарви, 2 чой қошиқ туз, 1 чой қошиқ мурч керак бўлади. Хамирга 500 грамм оқ ун, 1 дона тухум, 1 чой қошиғида туз, сув эса талабга кўра солинади.

Кўк сомса

Хамири ҳам, қиймаси ҳам худди юқорида айтилгандек тайёрланади. Фақат хамирдан ёнғоқдек-ёнғоқдек зувалачалар ясаб, тўғарак жилдлар ёясиз. Ҳар бир ёймага бир ош қошиғида кўк қийма солиб, икки букласангиз, ярим ой шаклида сомса ҳосил бўлади. Ҳар бир сомсанинг четларини буранда билан ғилдиратиб кесасиз. Қозонда ёғ доғлаб, сомсани иккита-иккитадан қизаргунча пишириболасиз.

Пазанда **Карим МАҲМУДОВ**



Ёш гимнастикачилар.

А. ВАНШТЕЙН фотоси.

ҚЎШИҚЛАР

Билганмисиз

Бир кўриб мен бўлганимда маҳлиё, билганмисиз?
Суратингиз этганимда дилга жо, билганмисиз?
Бир жаҳон ҳусну чирой бирла кўзимга кирдингиз,
Ёпирай деб кўз юмиб тутсам ёқо, билганмисиз?
Янги чиққан ойни тун балдоқ қилиб таққандайин,
Чеҳра офтоб, қош ҳилол, сочса зиё, билганмисиз?
Икки шаҳло кўз китобга нур қуяр ёндиргудек,
Ёнингизда ўлтириб боқсам қиё, билганмисиз?
Сиз илмга маҳлиё-ю, ҳамма сизга маҳлиё,
Ер у осмон бўлса сизга мубтало, билганмисиз?

Чўл қўшиғи

Юрдим Қарши чўлида,
Илон изи йўлида.
Хамир кабн йўғрилар
Тупроқ, одам қўлида.
Чўлда дарё тутилди,
Аму чоки сўкилди.
Юрак бағри куйган чўл
Ташналикдан қутулди.
Бордим чўлга ёр билан,
Чўлқувар ҳамкор билан.
Чўлга кую тўй келди
Ер билан, дутор билан.
Юрдик Қарши чўлида,
Баҳор юрган йўлида.
Пахтага кон бўлибди
Чўл одамлар қўлида.

Ўткир РАШИД

Наъмаатак

Ўн бир ойки...

Ҳазил аралаш

Куни кеча хотин олиб,
Оғиз етиб қулоққа,
Ишдан кейин шоша солиб,
Чопар эдим уй ёққа.
Мана, энди фарзанд кўриб,
Ота-она бўлдик биз.
Уғлимиздан минг ўргилиб,
Бир парвона бўлдик биз.
Бола боқиш қийин, деган
Гапга ишонманг сира.
Айниқса у «осон» экан
Ёринг бўлса ҳамшира.
Ярим тунда йиғлар бола,
Солдатдай шай тураман.
Келинингиз эмизади,
Сўргичга югураман.
«Тоби қочган!»— ҳукм қилар,
Келинингиз шу замон.
Отангизни ғолиб келар,
Ишга тушар телефон.
Онамларни «Тез келинг!», деб,
Уйимизга чорлайман.
«Тез ёрдам»га хабар қилиб,
Йўл бошида пойлайман.
Бир лаҳзада уй тўполон,
Кўни-қўшни овора.
Мен тураман ҳовучлаб жон:
«Соғая қолса зора!»
Қўл-оёғин ечишади;
Тинчир ғовга, йиғи ҳам.
— Касал эмас, — дейишади, —
Йўргагин қилибди нам.
Доктор бизга танбеҳ берар,
Насиҳат қилар онам:
— Бола деган шундай бўлар,
Қараб туринг-да, ҳар дам.
Эртасига яна шу ҳол,
Чириллар ярим тунда.
Уйғонамиз икков дарҳол
Кечаги гап қонундай:
Шоша-пиша йўргагини
Янгилаймиз. Бўлмайди.
Навбат билан кўтарамиз,
Чириллашин қўймайди.
«Тоби қочган, йўқса бундай
Йиғламас эди сира».
Бўлса бордир, қайдан билай,
Хотин, ахир, ҳамшира.
Етиб келар чолу кампир,
Етиб келар врач ҳам.
Қўшнилардан бирови дер:
«Эмизинг-чи, жон болам!»
Эмизади. Бир лаҳзада —
Тинчиб пиш-пиш ухлайди.
Парво қилмас, ким безовта,
Кимлар уни йўқлайди.
Доктор йигит жаҳли чиқар,
Насиҳат қилар отам:
— Қорни очса бола йиғлар,
Қараб туринг-да, ҳар дам.
Энди йиғлар бўлса, гўё
Тинчитишни биламиз.
Чолу кампир, доктор айтган
Чораларни қиламиз.
На йўргак нам, на қорни оч,
Тинмай йиғлайди баттол,
Такрорланар (нима илож)
Тундаги ўша аҳвол.
Чолу кампир ҳозир-нозир,
Шунда таниш врач ҳам.
«Йўргак янги. Эммаяпти».
Хотиним кўзида нам.
Сўргичдан сув ичиришар,
Бирпасда тинчир бола.
Чанқоқ экан сезмабмиз-а,
Хижолатдан юз лола.
Шўрлик доктор зарда қилар,
Уқдирар бизга онам:
— Бола деган сувсаб турар,
Қараб туринг-да, ҳар дам...
Ўн бир ойки, шу алпозда
Икков бола боқамиз.
Ҳар кечаси қўшниларнинг
Эшигини қоқамиз...

Ҳабиб САЪДУЛЛА

Наманган

ТУРКМАН ЛАТИФАЛАРИ

— Каримга сиримни айтсам бўлармикан?

— Бўлганда қандай! Бултур маошини оширишган эди, хотини ҳалигача билмайди.

* * *

Оила аъзолари овқатланишарди. Болаларнинг кичиги гапириб қолди:

— Ойи менга...

Отаси уни койиб берди:

— Овқат пайтида гапирманглар, дейман-ку!

Овқатланиб бўлишгач, онаси боладан сўради:

— Нима демоқчи эдинг, ўғлим?

— Менга қошиқ етмовди...

* * *

— Сиз ичкиликбозликка қарши қандай курашяпсиз? — деб сўради мухбир.

— Одамлар камроқ ичишсин, деб тўлдирмасдан қуйиб беряпман, — дея жавоб қайтарибди пиво сотувчи.

* * *

Ёш келинчак шофёр эридан сўради:

— Иш пайтингизда мени ҳеч ўйлайсизми?

— Бўлмасам-чи, сени ўйлайвериб, икки марта авariяга дучор бўлдим-ку!

* * *

Олдинлари эрига бақириб ўрганган келин бора-бора қайнатасига ҳам ўдағайлайдиган бўлди:

— Уғлингиз ўлгудек аҳмоқ, эси паст!..

— Тўғри айтасан, қизим, — деди қайната, — эси паст бўлмаса сени олармиди?

* * *

Бир йигит дўстидан илтимос қилди:

— Врачлардан танишинг бўлса, менга ўн кунлик бюллетень олиб берсанг.

— Унақа танишим йўғу, аммо прокурорлар билан муносабатим жуда яхши. Истасанг, кун эмас, йил олиб бераман.

* * *

— Меҳнат билан арақнинг фарқи нимада?

— Меҳнат маймундан одам яратган бўлса, арақ одамни маймунга айлантиради.

Саодат МАТЕҚУБОВА таржимаси

А. ХОЛИҚОВ чизган

— Каримжон! Сени пайшанба куни билан табриклайман!

— Домламизнинг қўйган баҳосини кўр!

— Йўқ, доктор, ҳеч кўрмаяпман!..

8 Мартга ўтар кечаси...

— Мумкин бўлса, менга адресимни айтиб берсангиз.

— Токайгача фақат юрагингизни ҳадя этасиз!!

Хотинини табриклашга ошиқмоқда.

УЧРАШУВ

Ҳазил

Ҳ о ш и м ж о н. Эсонмисиз, омонмисиз, гулдай бўлиб очилибгина, сочилибгина ўтирибсизми, қоқиндиқ?

К а р и м ж о н. Вой, тилларингиздан ўргилай! Мингдан-минг раҳмат! Ўзингиз дўмбиллабгина юрибсизми? Уй ичилар яхшими? Янгам омонмилар? Жуда камнамосиз, жонгинам, тинчликми?

Ҳ о ш и м ж о н. Тинчлиги қурсин!.. Мана шунақа тўй-ҳашамда бир учрашиб қолмасак, шу уй-рўзғор ўлгурдан ортиб, у ёқ-бу ёққа боролмаймиз ҳам.

К а р и м ж о н. Шуни айтинг-а, ўргилай! Келинингизга неча марталаб: «Кечқурунлари у ёқ-бу ёқларни айланайлик, кино-театрларга борайлик», десам: «Ўзим ишдан чарчаб келдим, бугун ҳам мажлис бўлди, ғинғир-ғинғир қилиб, сиз ҳам асабни бузманг», деб жеркиб берадилар. На чора, дамимни ичимга ютаман.

Ҳ о ш и м ж о н. Хафа бўлманг, қоқиндиқ. Бизники ҳам шунақалар, ишдан келиб ё телевизорга тикилиб ўтириб оладилар, ёки газета-журналдан бош кўтармайдилар. Яна «Чой дамланг! Аччиқроқ бўлсин. Овқат совиб қолибди!» деб ўдағайлашларига ўлайми!

К а р и м ж о н. Майли, юракни кенгроқ қилинг, биз шўрлик эркакларнинг қисматимиз шу экан.

Ҳ о ш и м ж о н. Ҳа-я!.. Яхши ҳам бахтимизга газга ўхшаган оғиримизни енгил қиладиган қулайликлар бор.

К а р и м ж о н. Кир ювадиган машинани айтмайсизми, ўргилай? Янгамиз ўзлари олиб бергандилар?

Ҳ о ш и м ж о н. Яқинда олдик, қоқиндиқ. «Қўлимга қаранг, эркакнинг қўлларига ўхшамай қолди», деб қақшаб юриб зўрға кўндирдим.

К а р и м ж о н. Нима, сизники ҳам золимми?

Ҳ о ш и м ж о н. Ў-ў, сўраманг, қоқиндиқ! Утган кунгисини айтақолай. Энди кир чайиб бўлиб турсам, булар отланиб кетяптилар. «Ҳа, йўл бўлсин?» дедим. «Жуда сиқилиб кетдим. Бир айланиб келай», дейдилар. «Менчи, мен?» дедим. «Сиз ўтира туринг, хозир ўғилча ҳам уйғониб қолади. Буламиқ пиширib беринг. Мен бирор соатда келаман», дейдилар! «Хўп» дедим. Демай иложим қанча?..

К а р и м ж о н. Йўқ десангиз-чи?

Ҳ о ш и м ж о н. Вой, қизиқмисиз, ўртоқжон? Дағдаға бошлайди, унақасиз бунақасиз, синглингизга айтиб қўяман, бир таъзирингизни берсин», деб... Жаҳл устида оғзидан ёмон гап чиқиб кетмасин, деб қўрқаман.

К а р и м ж о н. Вой, шўрли-ик...

Ҳ о ш и м ж о н. Унисини ҳам қўяверинг. Бир-иккита... ҳалиги дугоналари бор, жуда аҳил булар. Ҳар ҳафта келиб туришади. Тинкамга ҳам тегди. Келишадию ҳеч нарса билан ишлари йўқ, шахмат бошлашади. Аския авжига чиқади. Уйда бундай одам бор ҳам дейишмайди. Хо, хо-хо, ҳа-ҳа-ҳа, ҳи-ҳи-ҳи... Мен бечора уларнинг кулдонини тўкаман, овқатларига уннайман, закуска тайёрлайман...

К а р и м ж о н. Майли, хафа бўлманг, ўргилай. Тўзим берсин. Бу хотинларнинг ҳаммаси бир хил бўлишади. Ҳа, айтгандай, менга қаранг, бошингиздаги дўппини қаердан олдингиз, мен ҳам шунақасидан қидириб юрган эдим?

Ҳ о ш и м ж о н. Бу дўппини ўзим ҳам уч ой қидирдим. Охири марғилонлик бир танишимиз олиб келиб берди, қуда томондан танишимиз.

К а р и м ж о н. Бирам ярашибди-ки! Кўз тегмасин. Менга ҳам топиб берсангиз, майлими?

Ҳ о ш и м ж о н. Жоним билан, битта дўппи айлансин сиздан. Ўзингиз оёғингиздаги туфлини қаердан олдингиз, жуда яхшиси экан, нечанчи размер?

К а р и м ж о н. Қирқ учинчи размер, ўргилай. Хўжайним магазинда ишлайдиган бир таниш дугоналарига тайинлаб қўйган эканлар.

Ҳ о ш и м ж о н. Вой, иккита демабсиз-да, қоқиндиқ, менга ҳам кишиликка биттагина зарур эди, уй ичига кийишимга бору, лекин у ёқ-бу ёққа борганда кийишимга йўқ савил.

К а р и м ж о н. Майли, айтиб кўрарман. Бўлса олиб берадилар. Ўзингиз биз томонларга бир келинг, чақчақлашиб ўтирамиз. Мен ҳам сиздай куйганларданман.

Ҳ о ш и м ж о н. Раҳмат, ўзингиз ҳам бизникига боринг, шунақа ўтган-кетгандан гаплашиб, юракнинг чигилини ёзишамиз.

К а р и м ж о н. Хўп-хўп, борармиз. Бир боришни кўнгилга тугиб қўйганман, рўзғордан ҳеч қўл тегмайди.

Ҳ о ш и м ж о н. Ҳа, қурибгина кетсин. Майли, ҳайр. Уй ҳам супуриқсиз ётгандир. Яна учрашиб қолармиз.

К а р и м ж о н. Ҳа, ўргилай учрашармиз, хайр! Хўжайнингизга салом деб қўйинг.

Ҳ о ш и м ж о н. Хайр, қоқиндиқ, хайр! Ҳа, ҳалиги туфлини сўраш эсингиздан чиқмасин-а? Қирқ тўртинчи размеридан бўлса яхши бўларди, қирқ учинчи ўлгур оёғимни қисади.

К а р и м ж о н. Хўп-хўп, айтиб кўраман, ўртоқжон! Хайр, хайр!...

Тўлқин СОДИҚОВ



«Н» ЧАЙНВОРДИ

1. Дастурхоннинг безаги. 2. Шифобахш сув. 3. Республикамиздаги шаҳар. 4. Аргентинадаги шаҳар. 5. Исм. 6. Кинофильм. 7. Заҳарли модда. 8. Эпсиз. 9. Ном. 10. Газлама. 11. Таъм. 12. Пиллапоя. 13. Белги. 14. Оғриқни босувчи дори. 15. Лион қўлтиғидаги дарё. 16. Атоқли актриса. 17. Синцзяндаги шаҳар. 18. Хитойдаги шаҳар. 19. Овқат. 20. Куя дори. 21. Ном. 22. Ашула. 23. Франциядаги шаҳар. 24. Хитойдаги шаҳар. 25. Зарра. 26. Ангара дарёси бўйидаги қишлоқ. 27. Исм. 28. Канададаги порт. 29. Сайёра. 30. «Уфқ» романининг персонажи. 31. Қозоғистондаги канал. 32. Халқ оғзаки ижоди қаҳрамони. 33. Дафъатан. 34. Машҳур физик. 35. Алдан дарёсининг ирмоғи. 36. Таскан дарёси бўйидаги шаҳар. 37. Узоқ Шарқдаги дарё. 38. Араб алфавитидаги ҳарф.

Қува

Тузувчи: С. МАҲМУДОВ

2-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Бўйига: 1. Конус. 2. Пиёла. 3. Кумуш. 4. Майна. 7. Обзор. 8. Бедил. 9. Қофия. 10. «Смена». 13. Форобий. 14. Ҳамза. 16. Аския. 18. Ота. 20. Рим. 22. Луғат. 23. Курка. 24. Норак. 26. Афина. 28. Матал. 29. Севан. 30. Лагон. 31. Оқсил.

Энига: 5. Мотив. 6. Кураш. 11. Абдуллаев. 12. «Қобуснома». 15. Синоним. 17. Роман. 19. «Искра». 21. Мот. 22. «Ларза». 25. Бирма. 27. Шумилов. 32. Канарейка. 33. Самарқанд. 34. Сазан. 35. Собир.

МУҚОВАЛАРДА.

И к к и н ч и б е т: Қашқадарё чеварлари.
Б. МИЗРОХИН фотоси

У ч и н ч и б е т: Каштачи,
Дм. БАЛЬТЕРМАНЦ фотоси

Т ў р т и н ч и б е т: Ҳамал кирди, амал кирди.
С. БЕЗНОСОВ фотоси

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МЎМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмиль РЎЗИБОЕВ (бош рассом), Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХЎЖАЕВ, Санд ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН.

«Гулистон»— общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор **Т. БАҲРОМОВ.**

Техредактор **М. ЕФИМОВА.**

Адресимиз: Тошкент, 47, Карл Маркс кўчаси, 30-уй. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 33-35-90; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-35-19; фан ва маданият бўлими — 33-35-19.

Босмахонага туширилди 11/II-72. Босишга рухсат этилди 21/III-72 Қоғоз 70×108¹/₈. Ҳажми 4 босма тобоқ. Р-10406. Буюртма 18. Тиражи 183156. Баҳоси 30 т. Нашр В.3461.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент.

Бухоро Зардўзлик фабрикасининг моҳир каштачиси Мўмина Саидова.

Дм. БАЛЬТЕРМАНЦ фотосу

Индекс 75233.

Баҳоси 30 тийин.